ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК ИШИ» ВА «ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР» КАФЕДРАЛАРИ

«Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

2022 йил 9-10 апрель
(I-қисм)



САМАРҚАНД-2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” ВА “ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР” КАФЕДРАЛАРИ

“Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари

2022 йил 9-10 апрель
I-қисм

САМАРҚАНД 2022

МИНИСТЕРТСВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРЫ “БАНКОВСКОЕ ДЕЛО” И “ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ”

“Инновации в банковской сфере Узбекистана: проблемы и решения” материалы Республиканской научно-практической конференции

(9-10 апреля 2022 г.)
I-часть

САМАРКАНД – 2022



Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз.

Ш.М.Мирзиёев

UO'K: 33.1
KBK: 65.01

"Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар". 2022 йил 9-10 апрель. Республика миқёсидаги илмий амалий анжумани материаллари (I қисм). – Самарқанд: СамИСИ, 2022.-202 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: катта ўқитувчи Ф.М.Даминов

Нашр учун масъуллар:
А.Б.Бектемиров – иқтисод фанлари доктори, проф.в.б.,
А.Я.Абдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор**,**
Д.М.Маликова – ассистент.

Саҳифаловчи: Шоҳиста Бойқобилова

"Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материалларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган банк соҳасини инновацион ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий муаммоларга оид масалалар ёритилган. Унда рақамли иқтисодиёт шароитида банк соҳасидаги муаммолар, инвестицион ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, банк соҳасини ривожлантиришнинг умумиқтисодий ижтимоий муаммолари, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида банк соҳасини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари ва уларнинг ечимларини таъминлаш, шунингдек банк соҳасидаги инновацияларнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш каби масалалар юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва маъруза тезислари ўрин олган.

Илмий тўплам Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган, рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Пардаев Олим Мамаюнусович –
СамИСИ, «Банк-молия хизматлари факультети» декани профессор, и.ф.д.
Маликова Дилрабо Муминовна –
СамИСИ, «Банк иши» кафедраси ассистенти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: Мақолада инвестицион фаолият тушунчаси ва унинг аҳамияти, тижорат банклари инвестицион фаолиятининг моҳияти, банкларнинг инвестиция ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялари самарадорлиги таҳлили келтирилган.

Аннотация: В статье представлены понятие инвестиционной деятельности и ее значение, сущность инвестиционной деятельности коммерческих банков, анализ эффективности инвестиционных операций банков и операций с ценными бумагами.

Abstract: The article presents the concept of investment activity and its significance, the essence of the investment activity of commercial banks, analysis of the effectiveness of investment operations of banks and operations with securities.

Калит сўзлар: инвестицион фаолият, тижорат банклари, инвестициялар, қимматли қоғозлар

Ключевые слова: инвестиционная деятельность, коммерческие банки, инвестиции, ценные бумаги

Keywords: investment activity, commercial banks, investments, securities

Глобаллашув шароити мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнларини ҳам жадаллаштириб юборди. Бу суръатлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар, спорт, қўйингки, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ифодасини топяпти. Бундай тенденциялар, албатта, молия бозорлари, тижорат банклари, молиявий механизмлар, хусусан, инвестициялар оқими қиёфаларини мутлақо ўзгартириб юборди.

Бинобарин, бугун қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритаётган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришаётгани аксиомага айланиб улгурди.

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”[1].

Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи. инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- маблағларни, шу жумладан пул маблағларини (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;
- кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);
- интеллектуал мулкка доир мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа қимматликларни[2].

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари банк даромадининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимизда банклар фаолияти, айниқса, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилаяпти.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестицион фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, ЎРҚ-598-сонли, 2019 йил 25 декабрь

Тижорат банкларининг жамғармаларни инвестицияларга сафарбар қилиш ҳамда уларни молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан энг самарали соҳаларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминловчи молиявий воситачи сифатидаги ролини ошириш Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида белгиланган энг долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилган[3].

Банклар томонидан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш каби операциялар киритилади[4].

Мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини йиллар кесимида ўсиш динамикасини кузатишимиз мумкин (1-диаграмма). 1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг инвестициялар ва қимматли қоғозлар билан амалга оширилган актив операциялари салмоғи 2020 йил 1 январ ҳолатига 3 157,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январ ҳолатига эса бу кўрсаткич 9 447,7 млрд. сўмга етган, яъни ўсиш кўрсаткичи 3,0 бараварни ташкил этмоқда. 2022 йил 1 январ ҳолатига эса тижорат банкларининг инвестицион операциялари ҳажми 19 633,7 млрд. сўмни ташкил этди.



1-диаграмма. Тижорат банкларининг 2019-2021 йиллар кесимида инвестицион фаолияти (млрд. сўмда)[5]

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида" ги ПФ-5992-сонли Фармони

[4] Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Қонуни, ЎРҚ-580-сонли, 2019 йил 5 ноябрь

[5] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

Ушбу кўрсаткич банклар инвестицион фаоллигининг олдинги йилларга нисбатан юқори суръатда ошганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, банкларнинг чиқарилган қимматли қоғозлари ҳажмида ҳам 2019-2021 йиллар кесимида ўсиш тенденциясини кузатишимиз мумкин. 2022 йил 1 январ ҳолатига банкларнинг чиқарилган қимматли қоғозлари ҳажми 10 612,7 млрд. сўмга етган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаоллигини янада ошириш, унга инвесторларни жалб қилиш учун ҳар томонлама қулай шароитлар, имтиёзлар яратиш хукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ушбу бозорда шарт-шароитларнинг яратилиши тижорат банклари учун қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар салмоғини янада кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич *– СамИСИ "Банк иши" кафедраси мудири, и.ф.д., профессор*
Каттакишиев Бекназар *– Жиззах политехника институти, "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси доценти, и.ф.н.*

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Жаҳондаги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши банк тизимининг молиявий барқарорлиги билан ўзаро чамбарчас боғлиқ. Чунки, иқтисодиётнинг реал тармоқларини таркибий тубдан шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва уни замонавий ахборот технологиялар билан таъминлаш, янги корхоналарни барпо этиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантиришда банк тизимининг молиявий барқарорлиги муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда банк тизими тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мижозларни кредитлаш учун илғор инновация банк хизматларини кўрсатиш ва банк маҳсулотларини таклиф этиш борасида жадал рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Мамлакатимизда охирги 10 йилликда кредитлар салмоғи 35 маротаба, банк активлари 23 маротабодан кўпроққа ошганлигини кузатиш мумкин. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2020 йил ҳолатига 31 фоизга ошди ёки 275,3 трлн. сўмга

етди, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 46 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби охирги йилларда банк тизимига алоқадор бўлган қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишидир, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2-сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли қарори, 2017 йил 12-сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарорлари банкларнинг молиявий кўрсаткичларини ошириш имконини берди. Аммо, халқаро тажрибани кузатадиган бўлсак, мамлакат ЯИМга нисбатан ажратилган кредитлар миқдори Австралияда 190 фоиздан, Нидерландияда 279 фоиздан, Буюк Британияда 170 фоиздан ва АҚШда 150 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Хулоса қилиш мумкин, мамлакатимизда ажратилаётган кредитларнинг миқдори кенг қулоч ёйиб, пул маблағларига бўлган талаб ошмоқда, аммо халқаро банк тажрибаларининг таҳлилига кўра, бугунги кунда мижозларни кредит билан таъминланиш даражаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Аммо бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимининг кредитлаш амалиётида бир қатор камчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, мижозларга ажратилган кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи кескин даражада ортмоқда, банк амалиётида рисклар даражаси ошмоқда, банк хавфсизлигини таъминлаш етарли талаб даражасида эмас, банкларда кредит турларини амалиётга кенг миқёсда жорий этиш ривожланмаяпти, масалан, банклар кредит амалиётида замонавий скоринг тизимлари қўлланилмаяпти, мижозларнинг кредитга бўлган лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш юқори талаб даражасида эмас, кредит таъминотининг турлари билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар юзага келмоқда, Ўзбекистон банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичларининг миқдорий динамикаси ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайганлигини қуйидаги жадвалдаги маълумотлардан кўришимиз мумкин:

Ўзбекистонда банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичлар динамикаси, млрд. сўмда

№	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Активлар	84,1	106,7	207,6	301,7	273,0	366,0
2.	Кредитлар	52,6	110,6	161,0	243,4	277,0	326,0
3.	Депозитлар	37,2	59,6	69,1	91,3	115,0	156,0
4.	Капитал	8,9	20,7	26,0	41,8	51,0	58,0

5.	Соф фойда	1,2	1,9	2,2	3,8	5,6	3,8
6.	Муддати ўтган кредит-ларга шакллантирилган заҳира маблағлари	0,4	1,6	1,7	3,9	6,3	12,2
7.	Актилар рентабеллиги (ROA), фоизда	2,0	1,9	1,7	2,0	2,2	1,3
8.	Капитал рентабеллиги (ROE, фоизда	17,9	17,1	13,0	16,9	10,3	6,1

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, миллий банк тизимида 2021 йилда активлар миқдори ўтган йилга нисбатан 134 фоизга, кредитлар миқдори 117 фоизга ошган бўлсада, соф фойда миқдори 33 фоизга камайган. Шу билан бирга, активлар рентабеллиги кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга, банк капиталининг рентабеллик кўрсаткичи 4,2 фоизга камайган.

Мазкур кўрсаткичлар миқдорининг камайиш сабабини банк тизимида муддати ўтган муаммоли кредитларга шакллантирилган заҳираларнинг кескин даражада ўсганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда давлат улушига эга бўлган банкларни корпоратив трансформациялаш жараёнининг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби устувор йўналишларни амалга ошириш масалалари белгиланди. Бунинг учун мамлакатимизда миллий банк тизимининг молиявий барқарорлигини узлуксиз ислоҳ қилиб бориш, халқаро банк амалиётларида тажрибадан ўтган молиявий банк моделларини мамлакатимиз банк амлиётига жорий этиш орқали банкларнинг фаолиятини трансформация қилиш, банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш каби қатор масалаларни ҳал қилиш зарур.

Бугунги кунда мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишдаги асосий унсурлар банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнида намоён бўлиб қолмоқда. Трансформациянинг асосий мақсади – банк фаолиятининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, банк билан мижозлар ўртасидаги интеграция тизимни самарали ташкил этишдан иборат. Ўз навбатида, банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда банк ахборот технологиясининг янги маҳсулот турларини кўпайтириш, янги молиявий технология усулларини жорий этиш, банкларни ахборот хавфсизлиги билан

юқори талаб даражасида таъминлаш, молиявий хизматларни кўрсатишда инсонлар таъсирини камайтириш, банклар фаолиятини трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш тақозо этилади.

Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги муаммолар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

банкларнинг кредитлаш амалиётига трансформациялаш модели («балл тизими») шкаласини қўллаш орқали кредит портфелининг сифатини ошириш билан бирга банк даромадларига ижобий таъсир кўрсатиш:

кредит таъминотлари сифат даражасини баҳолаш мезонларини «синфлар» бўйича таснифлаш орқали банк кредитларининг қайтмаслик рискларини камайтириш;

банкларда кредитлаш амалиётини «smart raqamli bank» фазасига трансформациялаш орқали банк мижозларининг сонини ва кредит портфели миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиш;

кредитлаш амалиётига «рақамли кредит конвейери» платформасини жорий қилиш орқали амалдаги кредитлардан кутилаётган банк рискларини бартараф қилиш;

тижорат банкларига «Digital bank» рақамли банкинг регулятор хизматини жорий қилиш орқали банк даромадларини ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

банклар фаолиятига исломий банк хизматларини жорий этишни йўлга қўйиш орқали банклардаги ресурс базасининг тақчиллигини бартараф этиш, кредит портфелининг диверцификацияси даражасини ошириш;

банкларни халқаро молиявий стандартлар асосида фаолият кўрсатадиган банк тузилмасига айлантиришда трансформация жараёнларининг амалга оширилишини тезлаштириш ва б.лар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимлари Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим дастак бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бектемиров А. *– СамИСИ кафедра мудири,*
и.ф.д., проф.в.б.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: мақолада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида тижорат банкларида замонавий инновацион хизматлар туркумини

жорий этиш асосида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: соҳа барқарорлиги, рақобатбардршлик, инновацион хизмат, экспорт, мегорегулятор, молиявий назорат, миллий тўлов тизими, тўловга лаёқтлилик, ликвидлик, online banking); теле-банкинг (telebanking); е-банкинг (e-banking); интернет-банкинг (Internet banking); мобиль-банкинг (m-banking).

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы обеспечения конкурентоспособности коммерческих банков на основе внедрения комплекса современных инновационных услуг с учетом опыта развитых стран.

Ключевые слова: устойчивость отрасли, конкурентоспособность, инновационные услуги, экспорт, мегарегулятор, финансовый контроль, национальная платежная система, платежеспособность, ликвидность, интернет-банкинг); телебанкинг (телебанкинг); электронный банкинг (электронный банкинг); интернет-банкинг (интернет-банкинг); мобильный банкинг (m-banking).

Abstract: the article deals with the issues of ensuring the competitiveness of commercial banks based on the introduction of a complex of modern innovative services, taking into account the experience of developed countries.

Key words: industry stability, competitiveness, innovative services, export, mega-regulator, financial control, national payment system, solvency, liquidity, Internet banking); telebanking (telebanking); electronic banking (electronic banking); Internet banking (Internet banking); mobile banking (m-banking).

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири бу мамлакат банк тизими ривожланиши ва унинг барқарор фаолият кўрсатишидир. Бу соҳа барқарорлиги ва рақобатбардошлиги давлатнинг тўлов қобилиятини белгилаб беради. Айнан шу ҳолат мамлакатимизда тижорат банкларининг ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ташкилий-иқтисодий ислоҳатлар ўтказилганлигига қарамасдан соҳа олдида ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Жумладан: тижорат банкларида жозибали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш билан шуғулланадиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш; банкларнинг инновацион-хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш; банк хизматларининг оммабоплигини ошириш; тижорат банкларининг маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратиган фаолиятини ривожлантириш масалалари шулар жумласидандир. Бу масалаларнинг мақбул

ечимига эришиш учун соҳада маълум илмий изланишларни амалга ошириш зарурати тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Бу масалаларнинг ечими кўп жиҳатдан тижорат банкларини назорат қилиш ва тартибга солувчи Марказий банк фаолияти билан боғлиқ.

Хорижий мамлакатларда Марказий банк ва мегорегулятор банклар рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича катта тажриба эга бўлиб, уларни мамлакатдаги банклар рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи - назардан қуйидаги моделларга гуруҳлаш мумкин.

1. Германия модели. Ташкил этилган махсус назорат органи фақат банкларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назорат билан шуғулланади. Масалан, Германияда Федерал молиявий назорат муассасаси (BAFin) шу вазифани амалга оширади.

2. Англия модели. Агентлик турли молия секторлари (суғурта компаниялари, банк муассасалари, фонд бозорлари) фаолиятини тартибга солиш ва назорати билан мегорегуляторлар шуғулланади. Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлиги назорати ҳужжатлар ва ҳисоботларни текшируви асосида амалга оширилади.

3. Америка модели. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назоратини амалга ошириш функционал жиҳатдан эмас, балки мақсадли тамойилига асосланади. Масалан, банклар миллий тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш билан Федерал заҳира тизими (ФЗТ) шуғулланса, кредитор ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа тартибга солувчи органлар зиммасидадир. (Масалан, депозитларни суғурта қилиш Федерал корпорацияси). Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳаталаридан бири шундаки, банкнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг мустаҳкамлиги бўйича шубҳали ҳисобланган банклар инспекторлар томонидан жойига чиқиб назоратдан ўтказилади.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, банклар фаолияти бўйича амалга оширилган ички ва ташқи аудитнинг хулосалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ташқи аудит хулосалари мамлакат Марказий банки ва ваколатли назорат органлари учун тегишли қарорларни қабул қилишда бевосита фойдаланилади.

Шу боис, кўпчилик мамлакатлар (АҚШ, Англия) Марказий банки ҳисобот йилининг маълум даврларида йилига бир марта ташқи аудиторлар билан йиғилиш ташкил этиб, аудит хулосаларини шаффоф ва ҳаққоний тайёрлаши юзасидан масъул эканлиги, агар банкларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда тўловга лаёқатлилиги бўйича муаммо вужудга келса

бевосита уларнинг зиммасига тушиши ва репутациясига таъсири ҳақида шахсан огоҳлантиради.

Марказий банк ва мустақил назорат органлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва шу каби бошқа жараёнда вужудга келади. Масалан, тижорат банклари молиявий барқарорлиги заифлашуви Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати орқали тартибга солишни талаб этади. Мамлакат банк тизимида вуждуга келган бу каби ҳолатларни юқорида таъкидланган функцияларни ўзаро тақсимлаб ҳал этишнинг имконияти йўқ. Шу жиҳатдан, айрим мамлакатлар амалиётида жорий этилган ёки жорий этилиши мўлжалланаётган мегорегулятор фаолиятида мунозарали, ҳатто зиддиятли ҳолатлар ҳам юзага келмоқда.

Ҳақиқатда ҳам рақобатбардошликни таъминлаш билан боғлиқ муаммо гирдобига тушиб қолган ёки ликвид маблағларга кучли эҳтиёж сезган банк ушбу муаммони мамлакат Марказий банкининг кўмагисиз ҳал этолмайди, чунки Марказий банк мамлакатда кредитлаш бўйича охирги инстанция ҳисобланади.

Марказий банк банклар рақобатбардошликни таъминлаш ёки қўшимча ликвидлик маблағларга бўлган эҳтиёжига йўналтирган молиявий маблағларнинг асосини таъминлаш учун банкнинг умумий фаолияти бўйича тегишли маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Бундан кўриниб турибдики, марказий банклар иккита вазифани бир-бири билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширишга мажбур бўлади, биринчидан, миллий валютанинг барқарорлиги ва банкларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида тегишли пул-кредит сиёсатини амалга оширади, иккинчидан, банклар тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича банк назоратини амалга оширади.

Қатор мамлакатлар марказий банклари тегишли қонунчиликка асосан парламент олдида ҳисобот топширади. Масалан, АҚШ Федерал захира тизими ўз фаолияти бўйича мамлакат Конгресси олдида йилига 2 марта, Германия, Япония, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар марказий банклари ҳар йили бир марта мамлакат парламенти олдида ҳисобот беради. Бунда ҳисоботлар ва маълумотларнинг шаффофлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ўз навбатида мамлакат парламенти марказий банкнинг пул кредит сиёсатига баҳо беради ва керакли тавсия ва таклифлар киритади.

Банкларнинг рақобатбардошлигига баҳо беришда банк фаолияти билан боғлиқ рискларнинг ҳолати ва таъсир даражаси, банкнинг келгусида ривожланиш имкониятлари ва муаммолари каби масалалар бўйича хулосалар тайёрланади. Банкнинг молиявий барқарорлиги ҳамда тўловга лаёқатлиги бўйича хулоса ва тавсиялар ҳисобот ёки ривожлантириш дастури сифатида тегишли инстанцияларга тақдим этилади.

Тадқиқотлар натижасида банк тизими ва хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;

– банкларнинг маркетинг фаолияти бўйича самарали ва такомиллашган назорат тизимини жорий этиш;

– банк фаолияти устидан бошқарувни доимий равишда такомиллаштириб бориш. Хусусан, банк акциядорлари ва бошқарувчиси томонидан шаффоф ва оқилона бошқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

– банклар фаолиятида операцион узилиш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ зиддиятли ҳолатларнинг олдини олиш.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш рақобат кучайган ва молиявий бозорларнинг беқарорлиги шароитида жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Уларнинг рақобатбардошлигини баҳолашда нафақат тегишли назорат ёки пул-кредит сиёсати, балки бошқа омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мамлакатдаги молиявий барқарорлик ва барқарор макроиқтисодий сиёсат, ташқи ва ички сиёсий барқарорлик ҳамда хўжалик юритувчиларнинг рақобатбардошлиги шулар жумласидандир.

Шунингдек, молиявий секторнинг мақбул инфратузилмаси, бозор механизмлари ва банкларнинг самарали ишлаши учун шарт-шароит (ташкилий-ҳуқуқий база, табиий рақобат, давлат аралашувининг минимал даражада пасайганлиги) мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эга. Хорижий банкларда банк назорати ва тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича жуда бой тажриба тўпланган, шу билан бирга, талайгина муаммоли жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз банклари амалиётида қўлланилиши банклар молиявий барқарорлигини ошириш ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад – мамлакат банк тизимининг халқаро ҳисоб стандартларига эришишдаги фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Ўзбекистонда банк хизматлари бозорининг такомиллашуви тижорат банклари фаолиятида инновацияларни жорий этиш шунингдек, маркетинг ишини такомиллаштириш ҳамда ҳар бир тижорат банки ўзининг жорий фаолиятида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишини талаб қилмоқда. Молия хизматлари бозорида рақобат муҳитининг шиддатли кучайиши бевосита банкларнинг капиталлашув даражасининг ортиши, банк бошқарув тизимида янги замонавий бошқарув услубларини қўллашни ҳамда банк маркетингини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги (АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари) банк хизматларида инновацион фаолиятнинг ривожланиш жараёнларини ўрганганиш шуни кўрсатадики, бу мамлакатлар глобаллашув ва техник-технологик ривожланиш шароитида банк тизими фаолиятида катта тажрибага эга бўлишига қарамасдан, банк тизимини янада устувор ва стратегик жиҳатдан ривожлантиришда янги инновацияларни жорий қилиш ҳамда банк бизнеси даромадларини оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда банк мижозлари билан тузиладиган шартномалар ва хизмат кўрсатиш ишларини масофадан туриб амалга оширишда оммавийлашган интернет-банкинг тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

Интернет-банкинг фаолияти асосан, бугунга келиб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия, Япония ва бошқа давлатларда ҳам ривожланган бўлиб, бироқ, бу ривожланиш турлича шаклда ва услубда яратилган, шунингдек, очиқ-анъанавий тарзда ёки таққослама ҳолатда кўриш қийин. Жаҳон банк бозоридаги шиддатли рақобатнинг мавжудлиги банк хизматларини такомиллаштиришни талаб қилади. Интернет-банкинг тизимини босқичма-босқич жорий қилишда бевосита мамлакатимиз банк тизимидаги ўзига хос муаммоларни ўрганиш, яъни (белгиланган мижозлар доирасида, шу билан бирга, жисмоний шахслар, банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар доирасида, банк фаолиятидаги техник рискларни бошқариш, банк ходимлари фаолиятини такомиллаштиришда) замонавий инновацияларни жорий қилинишини талаб этади.

Замонавий ва ривожланган банк тизимини шакллантиришда банк фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда қуйидаги хизмат турларини жорий қилиниши, яъни: онлайн-банкинг (online banking); теле-банкинг (telebanking); е-банкинг (e-banking); интернет-банкинг (Internet banking); мобиль-банкинг (m-banking); виртуал-банкинг ҳамда кўп тармоқли банк хизматларини жорий қилишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш банк ходимларидан юқори даражада маркетинг ва инноваторлик қобилияти бўлишини ҳамда юқори ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни жалб қилишни тақозо этади.

Тижорат банкларига бўлган муносабат ва ишонч айнан, банк тизимида инновацион муҳитни шакллантириш орқали эришишлари бу банк тизими фаолиятини янада барқарор ривожланишига муҳим замин яратади. Банк тизим и фаолиятида ҳосил бўлган банк даромадларининг маълум бир қисмини маркетинг ишларига ҳамда соҳада илмий-тадқиқотларга йўналтириш орқали инновацион фаолликни янада ривожлантиришга, қолаверса, банк хизматларини

такомиллаштириш орқали банк мижозларининг маълум даражада иқтисодий манфаатларининг юқори бўлишига имконият яратилади.

Шу мақсадда банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш услубиятини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу услубият банкларнинг хизматлар сегментида ҳаракат алгоритмини акс эттиради. Ушбу услубиятга кўра банкларнинг стратегик позицияси ва операцион ҳаракат модели ишлаб чиқилади (1-расм).



1-расм. Банкларнинг стратегик позициялашуви ва операцион ҳаракат модели

Ушбу услубият тўрт босқичдан иборат:

Биринчи босқичда банк хизматлари бўйича мижозлар сегменти аниқланади. Ривожланган мамлакатларнинг банк тажрибалари, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи етакчи компанияларнинг мақсадли бозорни сегментлаш билан боғлиқ тажрибалари бенчмаркинг асосида таҳлил қилинганда сегментлашнинг тамойиллари асосан аҳолининг ёши, маълумоти, шуғулланадиган фаолият тури, турмуш фаровонлиги, молиявий саводхонлиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш даражаси ва асосий локомотив хизмат турларига асосланганлиги аниқланди. Тижорат банклари томонидан мақсадли бозорни ушбу тамойилларга асосан сегментлаш хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Иккинчи босқичда банк хизматлари бўйича мақсадли бозор сегментлари аниқланади. Бунда асосий хизматлар билан бир қаторда қўшимча банк хизматлари ҳам олиниши зарур.

Таҳлиллар натижасида мамлакатимиз банк тизимида юзага келган вазиятдан келиб чиқиб ушбу сегментларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумикн: истеъмол кредити сегменти, жамғарма қўювчилар сегменти, чакана тўлов фаолияти сегменти. Ўз набатида истеъмол кредити сегменти POS

кредитлар, нақд пулдаги кредитлар ва кредит карталари сегментларини қамраб олади. Жамғарма қўювчилар сегменти эса муддатли жамғармалар ва талаб қилиб олингунга қадар жамғармалар сегментларини ўз ичига олади. Чакана тўлов фаолияти сегменти интернет-банкинг, инфокиоск, тўлов терминаллари орқали тўловларни амалга оширади.

Тижорат банклари муайян техник ва технологик жараёнларни танлаб олинган стратегик позициялаштиришдан келиб чиққан ҳолда айнан шу сегментлар бўйича амалга ошириши зарур.

Учинчи босқичда банкнинг стратегик позициялаштириш амалга оширилади. Стратегик позициялаштириш банк амалиётида келгусида операцион ҳаракат моделини тузишни белгилаб беради.

Тўртинчи босқичда стратегик позициялаштиришга мос равишда банк фаолиятини самарали ташкил этиш имконини берувчи тадбирлар аниқланади.

Банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф қилинаётган ушбу услубият тижорат банкларининг ички омиллар билан боғлиқ айрим муаммоларини ҳал этишга имкон беради.

Гайбуллаев Рахим Муродович – *СамИСИ кафедра профессори в.б., и.ф.д.*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация: Мақолада исломий молиявий хизматларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Ислом банк амалиётининг мамлакатлар бозорларидаги муаффақиятлари ва уларнинг анънавий банк хизматларидан қатор устунлик даражалари ва бугунги кунда жаҳондаги исломий молияга қизиқиш ва фойдаланиш нега кўпайиб бораётгани таҳлил қилган. Исломий молияга асосланган муқобил банк тизимини Ўзбекистонда жорий қилиниши долзарб бўлиб, ислом иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар сармоялари ҳамда ўз ҳудудида яшовчи мусулмонларнинг маблағларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ислом банклари; исломий молия хизматлари; анъанавий банклар; ҳуқуқий база; банк активлари.

Аннотация: В статье рассматриваются основные особенности исламских финансовых услуг. В нем анализируется успех исламских банковских практик на рынках стран и их уровень превосходства над традиционными банковскими

услугами, а также то, почему интерес и использование исламских финансов в мире сегодня растет. Внедрение в Узбекистане альтернативной банковской системы, основанной на исламских финансах, является актуальным, и было изучено, что это может служить стимулом для привлечения инвестиций из развитых исламских экономик и мусульман, проживающих на их территории, в экономику страны.

Ключевые слова: исламские банки; исламские финансовые услуги; традиционные банки; правовые основы; банковские активы.

Annotation: The article examines the main features of Islamic financial services. It analyzes the success of Islamic banking practices in the markets of the countries and their level of superiority over traditional banking services and why the interest and use of Islamic finance in the world today is increasing. The introduction of an alternative banking system based on Islamic finance in Uzbekistan is relevant, and it has been studied that it can serve as an incentive to attract investments from developed Islamic economies and Muslims living in their territory into the country's economy.

Keywords:islamic banks; islamic financial services; traditional banks; legal framework; bank assets.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви ва трансформациясининг ҳозирги шароитида иқтисодиётнинг “қон томири” бўлган банкларга ҳам ўзига хос бўлган стратегик юксалиш вазифасини амалга ошириш тақозо этилади. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш асносида банкларда бозор талабларига мос келувчи хизмат турларини тадбиқ қилиш, мижозларнинг талаб ва таклифларини хисобга олиш, уларга хизмат кўрсатишниг замонавий усулларини жорий этиш, янги кредит воситаларини қўллаш, турли молиявий инструментлардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни юзага келтиради. Чунки, яхши тараққий этган банк тизими ва банклар фаолиятига эга бўлган мамлакат иқтисодиётигина юксак ривожланишга эга бўлади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон банк тизимида сўнгги йилларда банк хизматларини сифатини ва кўламини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Аммо, жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, банклар тизимидаги рақобатбардошликни ҳаддан зиёд ривожланиб бориши билан республикамиз банк тизимидаги трансформация жараёнларини янада фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш, илғор банк фаолияти амалиётларини жорий этиш заруриятини тақоза этади.

Ана шундай банк хизматларидан бири ва бу хизматлардан фойдаланаётган юридик ва жисмоний шахслар наздида “энг адолатли“ молиявий хизмат тамойилларига асосланган ва айниқса дунё банк тизимида йилдан-йилга ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган ислом молиявий хизматларидир. Уларнинг улуши дунё молия бозорида тобора ортиб бориб, ўзида инновацион молиялаштириш механизмларини жамлаган соҳа сифатида муҳим молиявий манбалардан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги йиллардаислом банк амалиёти аллақачон 70 дан ортиқ мамлакатлар бозорларида мавжуд бўлиб, исломий молия муассасалари ялпи активлари миқдори 2,5 трлн. доллардан ошган ва бугунги кундаанъанавий банк хизматлари йилига 5 фоизга ўсиб бориш амалиёти кузатилаётган бир пайтда, жаҳонда ислом банкларининг ўсиш суръатийилига 15-20 фоизни ташкил этаётганлиги бунинг яққол далилидир. Islamic Finance Development Report прогнозларига кўра, молия ривожланиш ҳисоботида кўрсатилганидек, 2024 йилга бориб ислом молия институтларининг активлари 3,69 трлн. долларга етади.

Гап ислом банклари тўғрисида борар экан, бу банклар нафақат ислом давлатларида, балки жаҳоннинг барча давлатлари иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Лекин, ислом банкларининг фаолият тамойили, таъкидлаш жоизки, аньанавий банк хизматлари тизимидан тубдан фарқ қилади.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар исломий банклар тўғрисида қонунлар йўқлиги ёки исломий молиялаштиришнинг банк-кредит ва бошқа молиявий кўринишларини хуқуқий асосларини амалдаги қонунларда ҳам мавжуд эмаслиги ҳамда бу соҳани тартибга солиб турувчи муайян қонуности меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги туфайли Ислом банклари ҳақида маълумот жуда оз ва етарли эмасдир.

Шунинг учун ҳам республикамиз аҳолиси исломий банк ҳақида етарли маълумотга эга эмас ва улар банк хизматларидан фойдаланишда исломий банк амалиётига дуч келмаганлар.

Айнан шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатида таъкидланганидек, “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди”.

Республикамизда қадриятлар устунлиги сифатида 2021 йил 1 январ ҳолатига жаъми аҳолининг 89 фоизи ислом динига мансублигини ҳисобга олганда, бизнинг фикримизча, исломий банк қоидаларини мамлакатимизда жорий этилиши бу исломий молия хизматларидан фойдаланувчилар кенг аудиториясига эга бўлади деб ишонч билан айтиш мумкин.

Юқорида қайд этилганлар ҳамда республикамиз иқтисодий ҳаётидаги трансформацион жараёнларнинг мунтазамлиги ва бугунги кундаги глобализация даврида ислом банклари молиявий хизматларини республикамиз банк тизимига фаол жалб қилиш ва бу борада аҳолини исломий банкинг тизимининг адолатли молиявий хизматларидан баҳраманд бўлиш ва унинг тамойиллари тўғрисида хабардор этиш борасидаги тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий ва амалий мулоҳазалар бериш долзарб аҳамият касб этади.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, юртимиз фуқаролари ва тадбиркорларида ҳам фоизларсиз банк ва молиявий хизматларга бўлган қизиқиш жуда юқоридир. Аммо, бу қизиқишлар жуда тор аудиторияга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз ҳам исломий банкнинг анъанавий банкдан асосий фарқи сифатида ислом молиявий хизматларида фоизнинг йўқлиги, яъни судхўрликнинг йўқлигини унинг энг афзалликларидан биридир деб биламиз.

Дунё ҳамжамиятида қўлланилаётган исломий молия хизматлари иш амалиётини тадқиқ этиш билан хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистонда ислом молия институтларини шакллантиришнинг асосий афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- исломий молия ва ўзгаришларнинг кириб келиши мамлакат иқтисодиётни янада жозибадор қилади;
- янги молиявий хизматлар мижозларга ўзлари танлаган хизматлар кўламини кенгайтиради, ресурслар учун масъулиятни оширади, бойликни оширади, янги иш ўринлари яратади, даромадларни оширади ва иқтисодиётга катта фойда келтиради;
- исломий молиявий хизматлар миллий иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб қилиш ва иқтисодий очиқликни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутади.

Хайдаров З.Ш. *- СамИСИ "Банк иши" кафедра доценти в.б., и.ф.н.*

БАНКЛАРАРО КРЕДИТ РЕСУРСЛАР БОЗОРИ: ФОИЗ СТАВКАЛАР ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада банклараро кредит ресурслар бозоридаги фоиз ставкаларни шакллантиришларни масалаларини ёритиб берган.

Калит сўзлар: Банклараро кредит ресурслар бозори,фоиз ставкалари, пул бозори, капитал бозори, бозорни сегменти, маркет-мейкерлар, доимий ва сузувчи фоиз ставкалари, ўртага статистик фоиз ставкалари

Анотация: В данной статье рассмотрены вопросы формирования процентных ставок на рынке межбанковских кредитных ресурсов**.**

Ключевые слова: Межбанковский кредитный ресурс, процентные ставки, денежный рынок, рынок капитала, сегмент рынка, маркет-мейкеры, среднестатические процентные ставки.

Abstract: This article discusses the issues of interest rates formation in the interbank credit resources market**.**

Keywords: Interbank credit resource, interest rates, money market, capital market, market segment, market makers, average static interest rates

Банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкасини белгилаш уларнинг асосий фаолиятида самарадорликни белгилайди ва натижада уларнинг молиявий асосларининг барқарорлигига, капитал маблағларини тўплаш орқали таъсир қилади. Шунинг учун кредит фоиз ставкаларини белгилаш банкларнинг алоҳида энг муҳим қарорларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, банк кредитларининг фоиз ставкаларини қандай белгилаганлиги, молиявий тизимда марказий роль ўйнаганлиги сабабли, пул кредит сиёсатининг самарадорлигининг муҳим ҳал қилувчи омилидир. Шу сабабларга кўра, банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкасини аниқлаш, самарадорлигини таҳлил қилиш, банк операцияларини мониторинг қилиш ва пул сиёсатини тушуниш учун фойдалидир. Кўпгина мавжуд тадқиқотлар банкларнинг фоиз ставкасини белгилашдаги хатти- ҳаракатлари фоиз ставкасини ўтиш истиқболидан ўрганиб чиқилади ва бу кредит фоиз ставкаларининг, бозор фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирини текширади. Шунингдек, банкларнинг кредитлар бўйича фоиз ставкалари, бозор фоиз ставкалари ўзгаришларига аста-секин жавоб беришга қодир эканлигини эътироф этади, бу эса кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг боғлиқлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

Бозорни банкларараро кредитлар ўртача фоизлари ставкалари бўйича маълумотлар билан таъминлашнинг йўлларидан бири банкларараро бозорлар пул маблағлари миллий кўрсаткичларини қабул қилиниши ҳисобланади. Банкларараро пул бозори кўрсаткичлари халқаро банк амалиётида кенг қўлланилади. Уларнинг ичида энг таниқлиси Буюк Британия банклари уюшмалари томонидан эълон қилинадиган ЛИБОР фоиз ставкасидир. Ушбу ставкалар бўйича банклар бошқа банклардан пул маблағларини қарзга оладилар. Шундай ставкалар Франкфурт молия бозорлари иштирокчилари (ФИБОР), Токио (ТИБОР), Гонконг (ХИБОР) ва бошқаларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари шунга ўхшаш ставкалардан Россия ва Қозоғистон молия бозорларида ҳам фойдаланилади.

Молиявий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат: банкларарo кредитлар ўртача статистик фоиз ставкаларини аниқлаш бўйича маркетинг тадққиқотлари ўзига хос умумлаштирувчи натижалар ҳисобланади; пул маблағларини жойлаштиришнинг узоқ муддатлари бўйича фиксинг тавсия этилади; халқаро андозадаги кўрсаткич ҳисобланади; банкларарo пул бозорида кенг тарқалган; уларни ҳисоблаш механизми очиқ ва ҳамма учун тушунарли; ҳисоблар тизмига кирувчи банклар юқори кредит рейтингига эга.

Ўзбекистонда пул маблағлари банкларарo бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, банкларнинг қарз берувчи банклар ҳақида керакли ва ишончли маълумотларга эга бўлишлари зарурияти мавжуд бўлиб, банкларарo шартномалар хулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган.

Таклиф қилинаётган кўрсаткичлар Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (Уюшмаси) томонидан ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва улар келажакда қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари кўрсаткичлари (индекслари) вазифасини ўтайди. Ҳисобланган кўрсаткичлар тижорат банкларига бепул тақдим этилади. Индекс ҳисоблари базасига (маркет-мейкерлар) кирувчи банклар, Ассоциация (Уюшма)ни Марказий банк билан келишилган ҳолда уларни банкларарo бозорда мавқеи ва фаоллик даражаси асосида танланади. Ушбу банклар Марказий банк меъёрларига риоя қилишлари ва бозор балансини тузишлари лозим. Банклар ҳар бир иш кунида Ассоциацияга (Уюшмага) ўзларининг котировкасини тақдим этадилар ва Ассоциация (Уюшма) банкларни фиксингини миллий валюта сўм бўйича чоп этади. Бунда банкларни эълон қилинган ставкалар бўйича пул маблағларини сотишлари ёки сотиб олишлари шарт эмас.

Ўртача статистик фоиз ставкаларини ҳисоблашни унификация (бир хил) қилиш учун пул маблағлари банкларарo бозори кўрсаткичларини шакллантиришни ягона услуби ишлаб чиқилиши зарур. (кейингиларда услуб дейилади). Банкнинг банкларарo бозор миллий кўрсаткичларда иштирок этиши бевосита унинг обрўйига ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлади. Маркет-мейкерлар дастлаб пул маблағлари банкларарo бозори кўрсаткичларини шакллантириш ҳақида Меморандум имзолашлари лозим. (кейингиларда меморандум дейилади). Меморандумда ҳар бир банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади. Улар бошқа банклар ва маркет- мейкерлар фаолияти манфаатларига зид бўлмаслиги ёки бундай ҳолатлардан ўзларини тийишлари зарур. Меморандум меъёрларини бузган иштирокчилар маркет-мейкерлар рўйхатидан чиқарилади. Ушбу ҳужжатларнинг мавқеини ошириш

учун уларни дастлаб Марказий банк ва тижорат банклари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида жаҳондаги заёмларнинг 80%и еврозаёмлар ҳиссасига тўғри келди. Еврозаёмларнинг асосий устунлиги шундаки, улар кредитор ва қарздорлар учун ҳам валюта заёми мавқеига эга бўлади. Заёмларнинг бу турлари Буюк Британия, АҚШда тарқалган. Яна бошқа бир фарқи анъанавий хорижий заёмлар бирор мамлакат миллий бозорида чиқарилса, еврозаёмлар эса бир пайтда бир неча давлатларда тарқатилади. Еврооблигация, одатда, 7 йилдан 15 йил муддатга чиқарилади. 80-йилларда 30 ва ҳатто 40 йил муддатли облигациялар чиқарилди. Асосий заём чиқарувчилар бўлиб, давлат, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари фаолият кўрсатган.

Еврозаёмлар, одатда, йирик банклар томонидан чиқарилган. Бу йирик банклар еврозаёмларни халқаро консорциумлар ва синдикат ташкилотлари сифатида чиқардилар.

Консорциумлар фаолиятига банклар, ҳар хил молия-кредит институтлари: пенсия фондлари, суғурта ва инвестицион компанияларни жалб қилинади.

Жаҳон молия бозорида ҳар хил турдаги оддий ёки “доимий”, “сузувчи” фоиз ставкали, нол фоизли (купон билан), конвертирланган облигациялар кабилар амал қилади. Бу облигацияларнинг 60% оддий облигациялар ташкил қилади ва бу бўйича облигация эмитенти заём муддати тугагунча мустахкам (ўзгармас) фоиз тўлайди. “Сузувчи” ставкали облигациялар ставкаси ва даромади ҳам бозор фоизлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда тебраниб туради.

Облигациялар бўйича сузувчи фоиз ставкалари Либор ставкасида ифодаланади.

Ўзгарувчи ставкали облигациялар фарқли равишда индексацияланган фоизли облигациялар ҳисобланади.

Фоиз ставкасининг макроиқтисодий даражада ҳаракат қилишдаги асоси бўлиб бозор жараёнларининг ривожланиши ва кредитга тўлов миқдорининг эркин ўзгариши шароитида хўжаликда ўртача фойда нормаси ҳисобланади. Фойда нормасидан у ёки бу томонга ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни умумий ва махсус омилларга бўламиз. Умумий омилларга қарз маблағаларига талаб ва таклифнинг ўзгариши, Марказий банк сиёсати, пул қадрсизланиши даражаси.

Актив операциялар бўйича фоиз ставкасини аниқловчи хусусий омилларга қуйидагилар киради; ссуда ҳажми ва уни қайтариш муддати; таъминот ва унинг характери; ссуда капиталининг ҳажми; карз олувчининг кредитга лаёқатлиги ва бошқалар.

Ссуда фоизларидан фойдаланиш механизми бир томондан фоиз моҳиятини товар ишлаб чиқариш сифатида бошқа томондан фоиз сиёсатини ошириш мақсадида аниқлайди.

Банкларнинг фоиз сиёсати бугунги кунда банк ликвидлигини таъминлаш ва уни оптимал бошқаришга қаратилиши керак. Ссуда фоизининг дифференцасияси актив операциялар бўйича қўйилмалар ликвидлигига боғлиқ ҳолда бўлиши лозим. Миллий иқтисодиётда банк фоизининг ролини ошириш, унинг бевосита таъсир доирасини кенгайтириши иқтисодий жараёнларни тизимлаштиришга ёрдам беради.

Депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, уларнинг суммаси, уларни тўлаш вақти даври, тўлаш шартлари ва бошқалар мижоз билан банк ўртасида келишиб олинади ва тузиладиган шартномада акс эттирилади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалар кредитнинг муддати, қарз олувчи томонидан тавсия қилинган гаров ҳолати ва қиймати, унинг ликвидлилигига, кредит ресурслари бахосига, кредит рискнинг даражасига қараб тижорат банки томонидан мустақил белгиланади ва у кредит шартномада акс эттирилади. Кредит бўйича фоизлар муддати келганда мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, мижознинг асосий талаб қилиб олингунча бўлган депозит варағидан график бўйича ундириб олинади.

Фоиз даражаси кредит битими томонлари ўртасидаги кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда шартнома орқали аниқланади.Марказий банк доимий равишда тўғридан-тўғри ссуда фоиз нормасини маъмурий бошқарувидан унинг даражасини қайта молиялаштириш фоиз ставкасини ўзгартириш ва мажбурий резервлар нормасини маневрлаш орқали тартибга солишнинг иқтисодий усулларига ўтаяпти.

Ссудалар бўйича фоиз ставкалари тижорат банклари томонидан кредит келишувининг аниқ шартларини ҳисобга олиб ўрнатилмоқда, яъни ссудаҳажми ва уни тугаш муддати, таъминот мавжудлиги, маблағларни жалб қилишдаги харажатлар, кредитни расмийлаштириш ва назорат бўйича харажатлар, қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва бошқалар.

Банк пассив операциялари бўйича фоиз бўш пул маблағларини вақтинча омонатларга жалб қилиш стимули сифатида ошиб бормоқда.Фоизларнинг ўтказилиши ва ундирилиш тартиби шартномада белгиланади. Амалиётда ссуда кунлари санаси яқинлашиши билан оддий фоизлар ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Хозирги вақтда фоизларни тўлаш манбаси кредит қўйилмаларининг йўналишидан келиб чиқиб турличадир. Қисқа муддатли ссудалар бўйича тўловлар маҳсулот таннархига қўшилади, узоқ муддатли ва муддати ўтган кредитлар бўйича харажатлар корхона солиққа тортилган фойдасига олиб

борилади.Замонавий механизмнинг хусусияти бевосита фоизлар бўйича даромад ва харажатларнинг банк якуний моддий манфаатлари билан бевосита боғлиқлиги ҳисобланади.Банк ссуда капиталининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари умумий суммасининг жойлаштирилган маблағлар хажмига нисбатан ифодалайди.

Ссуда капиталининг таннархи, яъни банк харажатлари 2 асосий элементлардан таркиб топган: ресурсларни шакллантириш бўйича харажатлар; банк фаолиятини таъминловчи харажатлар.

Биринчи гуруҳ харажатларга – жалб қилинадиган депозитлар (муддатли ва талаб қилиб олингунга қадар депозитлар)га тўловлар, Марказий банкнинг ресурсларига фоиз, банклараро ссудалар бўйича, қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга бошқа операцион ва банк маъмурий бошқрув харажатлари киради. Жумладан:қимматликлар ва ҳужжатларни ташиш учун транспорт ижараси харажатлари;бланкалар магнит ленталар ва бошқа нарсаларни сотиб олиш учун харажатлар;ҳисоблар маркази хизматларига харажатлар; амортизация харажатлари; банк ходимларига иш ҳақи харажатлари;биноларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари.

Амалиётда ссуда капиталининг таннархи актив операциялар бўйича фоиз даражасини аниқлашда уларни берган вақтдан бошлаб фоизлар ҳисоблаш бошланади. Ссуда фоизининг юқори чегараси бозор шароитидан келиб чиқиб белгиланади. Қуйи фоиз даражаси банкнинг жалб қилиш ва фаолиятини таъминлаш бўйича харажатлари орқали аниқланади. У кредитлаш ресурсларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир алоҳида олинган битимда фоиз нормасини ҳисоблашда тижорат банклари қуйидагиларни ҳисобга оладилар: базавий фоиз ставкасининг даражаси, бу маълум даврга таъминланган ссудалар бўйича банкнинг энг кредитга лаёқатли мижозлари учун ўрнатилади; алоҳида ҳар битим шароитидан келиб чиқиб рискни қўшиш.

Базавий фоиз ставкаси қуйидаги формула орқали аниқланади: базавий фоиз ставка = $С_1$+ $С_2$+ П; (1) Бу ерда: $С_1$ - режалаштирилаётган даврга барча кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси; $С_2$ -банкфаолиятини таъминлаш бўйича режалаштирилаётган харажатларнинг жойлаштирилаётган маблағлар ҳажмига нисбати;

П–банк ссуда операцияларининг режалаштирилган фойдалилик даражаси.

Кредит ресурсларининг ўртача реал баҳоси ($С_1$) ўртача тортилган формула бўйича ҳисобланиб алоҳида ресурс тури баҳоси ва унинг банк умумий жалб қилинган ресурслар суммасидаги улушидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ўз навбатида алоҳида банк жалб қилган ресурснинг ўртача ҳақиқий баҳоси мазкур ресурс бозоридаги номинал баҳоси ва мажбурий заҳира нормасига корректировка асосида аниқланади. Рискни ҳисобга олган ҳолатда қуйидаги мезонлардан келиб чиқиб гуруҳланади: қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги; суда бўйича таъминот ва унинг характери; мижознинг банк билан мустаҳкам алоқаси; фоизларни ҳисоблаш усуллари; қарз олувчининг кредит муддатига риоя қилишлиги.

Маълумки ссуда фоизи банк даромадини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди ва жалб қилинган маблағларга тўловлар унинг харажатлари таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Банк фоиз маржаси банк актив ва пассив операциялари бўйича ўртача фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ муҳим маъно касб этади.

Қуйидагича аниқланади:

$$М_{факт} = \frac{Д_п - Р_п * 100\ \%}{А_д}$$

Бунда: $М_{факт}$ - фоиз маржасининг амалдаги ҳажми; $Д_п$ - фоизли даромадлар;

$Р_п$ - фоизларни тўлаш бўйича харажатлар;$А_д$ - фоиз кўринишида даромад келтирувчи активлар.

Фоиз маржасининг таҳлили қуйидаги йўналишларда олиб борилади: амалдаги фоиз маржасини базавий билан солиштириш усули фоиз маржасини ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб кредит қуйилмалари ва уларнинг манбаларини ҳажми ва таркиби, тўловлар муддати қўлланиладиган фоиз ставкалар характери ва бошқалар билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда пул маблағлари банкларараро бозорида ўртача статистик фоиз ставкаларини ўрнатиш тажрибаси мавжуд эмас. Бундан ташқари, банкларнинг қарз берувчи банклар ҳақида керакли ва ишончли маълумотларга эга бўлишлари зарурияти мавжуд бўлиб, банкларараро шартномалар хулосалари бўйича меъёрларни унификация (бир хил) қилиш йўлга қўйилмаган. Таклиф қилинаётган кўрсаткичлар Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (Уюшмаси) томонидан ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва улар келажакда қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари кўрсаткичлари (индекслари) вазифасини ўтайди. Ўртача статистик фоиз ставкаларини ҳисоблашни унификация (бир хил) қилиш учун пул маблағлари банкларараро бозори кўрсаткичларини шакллантиришни ягона услуби ишлаб чиқилиши зарур.

Каримова А.М. *- PhD, и.о.доц., СамИЭС*

ФИНАНСОВО КРЕДИТНАЯ ПОДДЕРЖКА ТУРИСТСКОЙ ОТРАСЛИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Аннотация: Туризм является одним из приоритетных направлений развития экономики и культуры республики. Сегодня со стороны государства туризму уделяется огромное внимание, но несмотря на это в сфере существует множество не решенных проблем. В данной статье рассмотрены основные направления государственной политики в сфере туризма, а также даны предложения внедрение которых позволит наиболее эффективно использовать имеющийся потенциал страны.

Ключевые слова: экономика, туризм, частным бизнес, туристская деятельность, туристские ресурсы, турбизнес, турпродукт

В современных условиях развития уровень благоприятствований государственной политики в отношении туризма являются важнейшими факторами, оказывающими огромное влияние на доходность сферы туризма. На сегодняшний день хотя туризм превратился в один из ведущих секторов экономики его потенциал используется недостаточно полно. Соответственно, в связи с этим ссужаются возможности пополнения доходов бюджета страны. Проблемы, которые являются преградами для развития сферы, можно избежать при наличии эффективного работающего механизма финансово кредитной поддержки туристской отрасли.

Все туристы стремятся получить как можно больше услуг, сделать покупки по своему усмотрению, причём на развлечения и магазины тратят ежедневно значительно больше, чем в повседневной жизни. Собственно, свободная трата денег и является расслаблением и удовольствием для многих людей.

Несмотря на это правительством страны уделяется большое внимание развитию сферы туризма. Расширение сферы услуг, включая отрасль туризма, определено как один из важнейших приоритетов развития социально-экономического развития страны. В стране созданы все условия для того, чтобы сфера туризма стала одной из важных составляющих социально-экономического комплекса страны.



Рис. 1 Основные направления государственной политики в сфере туризма

Следует отметить, что большой потенциал нашей страны в сфере туризма долгие годы не использовался эффективно и в полной мере. Не были созданы благоприятные экономические и организационно-правовые условия для развития туризма, работа в сфере была пущена на самотек – отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев.

В целях создания высоко эффективного, современного и конкурентоспособного туристического комплекса в Республике Узбекистан сформирована прочная нормативно-правовая база, основу которой составляет Закон «О туризме[6]». Целью закона является правовое регулирование отношений в сфере туризма, развитие рынка туристских услуг, а также защита прав и законных интересов и субъектов туристской деятельности. Исходя из закона основными направлениями государственной политики в сфере туризма являются: (см.: рис.1)

[6]Закон «О туризме» Республики Узбекистан. От 20 августа 1999 г.

В настоящее время сфере туризма со стороны государства уделяется большое внимание, в 2019 году были приняты важные для сферы туризма нормативные акты: Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан»[7] а так же Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4095 «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли[8]». В данных нормативных актах определены основные стратегические направления развития сферы туризма. В частности, Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5611 утверждена Концепция развития сферы туризма в период до 2025 года[9] с ежегодным принятием плана конкретных мероприятий по реализации Концепции.

Но не смотря на принятие ряда нормативных актов, на сегодняшний день в стране существуют ряды проблем, препятствующие развитию сферы туризма, таких как:

- малочисленность стран с упрощенным визовым режимом;
- отсутствие и не профессиональное оказания качественных туристских услуг в гостиницах, транспортных услуг, услуги на объектах питания и тд;
- нехватка гостиничных комплексов, а также гостиниц с международным классом обслуживания;
- неразвитость и плохое состояние сетей санитарно-гигиенических узлов;
- неразвитость и плохое обслуживание операторов, а также отсутствие мобильной сети и интернета за пределами города;
- отсутствие маркетинговой компании занимающийся изучением данной сферы туризма;
- отсутствие развития (совершенствования) современной инфраструктуры гостеприимства с привлечением международных сетей;
- нехватка профессионально-квалифицированных кадров в сфере туризма.

Решение этих проблем на основе развития государственного регулирования и поддержки деятельности сферы туризма позволит наиболее эффективно использовать имеющийся туристский потенциал страны.

[7] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 5.01. 2019 года

[8] Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4095 «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли» от 05.01.2019 года

[9] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5611 «Концепция развития сферы туризма в период до 2025 года»

Для обеспечения эффективной туристской деятельности нужны финансовые ресурсы. Именно эффективное использование финансовых ресурсов может способствовать:

– увеличению субъектов туристкой деятельности - то есть гостиниц, пансионатов, мотелей, предприятий общественного питания, транспорта, учреждений культуры, спорта и тд.;

– увеличению оказания туристских услуг - услуги субъектов туристской деятельности по размещению, питанию, информационно-рекламному, транспортному, а также другие услуги, которые направлены именно на удовлетворение потребностей туриста.

Наряду с этим, небольшие туристские предприятия, ныне занимают важное место в экономике страны, что способствует не только дополнительному поступлению средств в доходы бюджета, но и создает дополнительные рабочие места. Ибо развитие малых туристских предприятий способствует:

1) дополнительному поступлению средств в доходы бюджета страны;
2) обеспечению занятости населения;
3) созданию новых рабочих мест;
4) малые туристские предприятия не требуют крупных стартовых инвестиций для качественного обслуживания туристов;
5) способствует формированию конкурентной среды и устанавливают рыночное равновесие.

Несмотря на это, благое дело по развитию туристского рынка, качество и уровень оказания туристских услуг на сегодняшний день все еще отстают от туристских предприятий рыночно развитых стран. Остаются нерешенными многие задачи по совершенствованию туристской отрасли и превращения ее в локомотив для ускоренного комплексного развития каждой территории и сопряженных с ними отраслей.

Недостаточное развитие туристской индустрии и сопутствующей инфраструктуры вызвано также дефицитом гостиниц с современным уровнем комфорта и средней ценовой категорией, несовершенной инженерной, транспортной и социальной инфраструктурой в туристской местности, недостаточно комфортной туристской информационной средой, неконкурентоспособностью туристского продукта, вследствие высоких тарифов на проживание и авиаперелет, ограниченного и низкого сервиса и т.п.

Для устранения вышеуказанных качественных явлений необходимо создать благоприятные условия для интенсивного и эффективного развития въездного и внутреннего туризма. Итак, для совершенствования туристской отрасли необходимо развернуть компанию по их кредитной поддержке,

особенно развивающихся туристских предприятий. Все это создаст огромный вклад в формирование новых рабочих мест, повышение благосостояния населения, рост валютных и налоговых поступлений.

Гайбуллаев Рахим Мурадович –
СамИСИ кафедра профессори в.б., и.ф.д.,
Мардонов Саидмурод -
СамИСИ магистранти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИНИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Аннотация: Мақолада тижорат банклари томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлашда ипотека кредитлари орқали молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга узоқ муддатга фоизли тўловлар асосида кредит тарзидаги маблағлар ажратилиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек мамлакатда ипотека кредитини бериш назарияси ва амалиётининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ҳамда уларни келгусида ривожланиши бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, ипотека кредити, гаров, уй-жой, кўчмас мулк, субсидия, кредит таъминоти.

Аннотация: В статье показана финансовая поддержка коммерческих банков в предоставлении жилья за счет ипотечных кредитов и выделение кредитов в виде долгосрочных процентных платежей. Также освещаются особенности теории и практики ипотечного кредитования в стране и предлагаются предложения по их дальнейшему развитию.

Ключевые слова: коммерческие банки, ипотечный кредит, ипотека, жилье, недвижимость, субсидия, залог по кредиту.

Annotation: The article shows the financial support of commercial banks in the provision of housing through mortgage loans and the allocation of loans in the form of long-term interest payments. It also highlights the specifics of the theory and practice of mortgage lending in the country and offers suggestions for their further development.

Keywords: commercial banks, mortgage loan, mortgage, housing, real estate, subsidy, loan collateral.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг тобора трансформациялашуви шароитида муҳим тамойиллардан бири сифатида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириб бориш давр тақозасидир. Республика

аҳолисининг бир зайлда ўсиб бораётганлигини демографик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кундаги энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири аҳолининг ўсиб бораётган уй-жой эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда ипотека кредитларининг аҳамияти ўзига хос ўрин тутмоқда. Бу ўринда энг авалло, ипотека кредитларининг моҳиятини ёритиш ҳам ўринлидир.

Ипотека кредитлари тўғрисида иқтисодий адабиётларда ҳамда мазкур йўналишга хос қатор олимлар нуқтаи-назарларида турлича талқин қилишлар учраб туради. Жумладан, айрим олимлар одатда "ипотека" терминини икки маъносини тушунтирадилар. Уларнинг фикрига кўра, "ипотека" бу ҳуқуқий муносабат ҳамда қимматли қоғоздир. Ипотеканинг ҳуқуқий муносабат шакли - бу қўзғалмас мулкни ипотека кредити олиш мақсадида гаровга қўйиш бўлса, унинг қимматли қоғоз шакли эса кўчмас мулкни гаров ҳолида ушлаб турувчининг(кредиторнинг) қўлидаги қарз инструменти тушунилади ва у молия бозорида эркин муомала қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бироқ ипотека бу фақатгина қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятларини кўчмас мулк гарови асосида таъминлаш усулидир, яъни кредиторнинг ўз пул маблағларини қарздор томонидан гаровга қўйилган кўчмас мулк қийматидан ундириб олиш ҳуқуқидир.

Бунда ипотека бу қарздорнинг мулкий таъминоти бўйича мажбурият шакли бўлиб, бунда кўчмас мулк мулкдор(қарздор) ихтиёрида қолади, кредитор эса қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолдагина ушбу мулкни сотиш ҳисобига ўз қарзини ундириш ҳуқуқини олади деб таъкидланади. Юқоридагиларга кўра, шуни таъкидлаш мумкинки, ипотека - бу кўчмас мулк объектининг шундай гаровики, унда гаровга қўйилаётган мулк кредитор қўлига берилмайди, балки қарздор ихтиёрида қолади ва у ушбу мулкдан доимий равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ипотека кредити – бу кўчмас мулк, бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонларини гаровга олган ҳолда кўчмас мулкларни сотиб олиш, уларни янгидан барпо этиш ёки таъмирлаш, ерларни ўзлаштириш мақсадларида ажратиладиган узоқ муддатли ссуда ҳисобланади. Умуман олганда, ипотека кредити бу банклар томонидан кўчмас мулк гарови асосида қўзғалмас мулкни харид қилиш ёки қуриш учун бериладиган узоқ муддатли банк кредитидир. Шу билан бирга, ипотека кредити истеъмол кредитининг бир тури, деган нуқтаи назар ҳам мавжуд, чунки истеъмол кредитининг мақсади аҳолининг эҳтиёжларини қондириш бўлиб, улардан бири уй-жойга бўлган эҳтиёждир. Шу билан бирга, ипотека кредитларининг узоқ муддатли характерга эгалиги, кўчмас мулк гарови, катта суммаси, жорий

эҳтиёжлар учун бериладиган истеъмол кредитларидан фарқли ўлароқ, уларни алоҳида тоифага ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Шундай экан, кўриниб турибдики, ипотека ўз маъносига кўра, кўчмас мулк билан боғлиқ банкларнинг узоқ муддатли кредити ҳисобланади.

Уй-жой бозоридаги ҳолатни тартибга солиш ҳамда аҳолининг банк кредитларига бўлган талабини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрда "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ айрим шахсларга, шу жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига субсидиялар тўланиши белгиланди .

Шунга кўра, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартда "Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 182-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли Фармони билан айрим ўзгартиришлар киритилган. Янги тартиб доирасида 2020-2021 йилларда жами 3283 нафар фуқарога 111 млрд. сўм миқдорида субсидия тўлаб берилган бўлиб, шундан 62%и бошланғич бадал тўлови учун, 38%и кредит фоиз тўловлари учун амалга оширилган. 2021 йилнинг ўзида тўланган субсидиялар қарийб 45 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 36 млрд. сўм фақат фоиз харажатларини қоплашга, жумладан унинг 89%и (32 млрд.сўм) 2020 йилда ажратилган кредит фоизларига фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йўналтирилган.

Бугунги кунда ипотека кредитлари "Ипотека банк", ТИФ Миллий банки, "Қишлоқ урилиш банк", "Асака банк", "Халқ банки", "Ўзсаноатқурилишбанк" каби кўплаб банклар томонидан берилмоқда. Айтиш керакки, ҳар бир банкнинг ипотека кредити бўйича бир нечта дастурлари мавжуд бўлиб, талабгор уларнинг ўзига мосини танлаб олиши мумкин. Банклар томонидан таклиф этилаётган ипотека кредити муддатлари 10 йилдан 15 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Имтиёзли даврлар 12 ойдан 36 ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Бошланғич тўлов 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бундан

ташқари, дастлабки тўловнинг миқдорига қараб фоиз ставкалари ўзгариши мумкин. Яъни, бошланғич тўлов қанча кўп миқдорда амалга оширилса, фоиз миқдори шунча кам бўлади. Кредит миқдори эса БҲМнинг 2500- 3000 бараваригача бўлган суммани ташкил этади.

Таҳлил ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтда тижорат банклари аҳолига ипотека кредити ажратишда 17 фоиздан 23 фоизгача миқдорда фоиз ставкаси белгиламоқда. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юқори фоиз ставкалари аҳолининг кам даромадли қатламининг ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди. Маълумот ўрнида келтиришимиз мумкинки, “Халқ банки” 20 фоиз; “Ипотекабанк” Тошкент шаҳри учун 18фоиз; республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари учун 17фоиз; “Ҳамкорбанк” 18фоиз; “Асакабанк” кредит маблағлари ҳисобидан қуриладиган уйлар учун 16–20фоиз, бошқа уйлар учун 18–21 фоизлик ставкада кредит ажратмоқда.

Шу ўринда жаҳон мамлакатлари ипотека кредитлари иш амалиётига назар ташланса, бу кўрсаткич бўйича АҚШда йиллик ўртача 3,5-7 фоиз, Германияда йиллик ўртача 1,5-3 фоиз, Японияда йиллик ўртача 1,5-2 фоиз, Швецияда йиллик ўртача 2 фоиз ставкасида ипотека кредитлари тақдим этилишини кўриш мумкин.

Бу ўринда аҳолига ажратиладиган ипотека кредити муддатларининг қисқалиги ушбу турда кредит олишга бўлган талабнинг камайишга сабаб бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4701-қарорининг 5-бандида жисмоний шахсларга ипотека кредитлари 20 йил муддатга берилиши назарда тутилган.

Жаҳон мамлакатлари ипотека кредитлари ажратилиши муддатлилигига эътибор қаратилса, хорижий мамлакатларда банклар ипотека кредитини 1 йилдан 30 йилгача, айрим ҳолатларда 50 йилгача (масалан, Словакияда 1 йилдан 30 йилгача, АҚШда 5 йилдан 30 йилгача, Германияда 30 йилгача, Швеция ва Японияда 50 йилгача) бўлган муддатга беради. Канадада ипотека кредитининг муддати кредит олувчи тўлайдиган дастлабки бадал миқдори билан боғлиқ. Банкка тўланадиган дастлабки бадалнинг энг кам миқдори сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 5 фоизи бўлиб, сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 20 фоизидан кам бўлса 25 йил муддатга, 20 фоизидан ортиқ бўлса 30 йилгача бўлган муддатга тақдим этилади.

Умуман олганда, жаъми кредит портфелидаги ҳажмида ипотека кредитларининг улуши таҳлилига эътибор қаратсак, Ўзбекистонда банклар

кредит портфелининг қолдиғи (банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар бўйича қарзлар қолдиғи) 2021 йил 1 декабр ҳолатига 320,8 трлн. сўмни (29,6 млрд . доллар) ташкил этди. Йил давомида бу кўрсаткич 50 трлн сўмга ёки 18,5 фоизга ўсди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон банклари кредит портфелининг кредитлар тури бўйича тақсимланиши. млрд.сўмда

Кўрсаткичлар номи	**01.12.2020й.**	**01.12.2021 й.**	**Ўсиши, %**
Жаъми	270716	320813	18.5
Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	54080	68125	26.0
Ипотека кредитлари	27374	34408	25.7
Микроқарзлар	5930	9183	54.9
Истеъмол кредитлари	12451	13141	5.5
Тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кредитлар	8325	11393	36.9
Юридик шахсларга берилган кредитлар	216636	252688	16.6
Кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларга берилган кредитлар	198975	233584	17.4
Лизинг ва факторинг	1521	2422	59.2
Банклараро кредитлар	1769	1703	-3.7
Микрокредитлар	10765	10421	-3.2
Синдикация кредитлари	3606	4558	26.4

Кредитларнинг асосий қисми юридик шахсларга тўғри келади — 252,6 трлн сўмни (78,7%) ташкил этди. Йил давомида уларга ажратилган кредитлар ҳажми 16,6 фоизга ошди.

Жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми 68,1 трлн. сўмни ташкил этди , бу ўтган йилга нисбатан 26 фоизга кўпдир. Ушбу маблағларнинг ярми ипотека кредитлаш учун йўналтирилган - 34,4 трлн сўмни ташкил этади.

2021 йилда тижорат банклари томонидан 59,5 мингдан зиёд фуқарога қарийб 9,8 трлн сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган. Охирги 5 йилда эса аҳолига жами 35,6 трлн сўм миқдорида шу турдаги кредитлар берилган. Шунингдек, ипотека кредитлари қолдиғи 35,8 трлн сўмга етган.

2021 йилда тижорат банклари томонидан 59 570 нафар фуқарога қарийб 9,8 трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 700 млрд. сўмга кўпроқ ҳисобланади. Шунингдек, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, ипотека кредитлари қолдиғи 35,8 трлн сўмга етган.

Ҳудудлар кесимида энг кўп кредит Тошкент шаҳри (2,67 трлн. сўм), Самарқанд (883,6 млрд. сўм), Андижон (780,8 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг кам ипотека кредитлари эса Жиззах (252,6 млрд. сўм) ва Сирдарё вилоятида (259,7 млрд. сўм) ажратилган. Ажратилган кредитларнинг 7,35 трлн. сўми ёки 78 фоизи бирламчи бозордаги уйларга, 2,44 трлн. сўми ёки 22 фоизи иккиламчи бозордаги уйлар учун йўналтирилган. Ушбу кредитларнинг 42 фоизи хотин-қизлар ҳисобига тўғри келади.

2021 йилда якунида ипотека кредитлари бўйича қолдиқлар 25,2 фоизга, яъни 30,8 трлн. сўмга ошган, муаммоли ипотека кредитлари қолдиқлари ҳам 4 баробардан кўпроққа ўсиб, 480 млрд. сўмга етди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ипотека кредитларини олиш бўйича рейтингда (ипотека олиш индекси 0,28) 111 давлат ичида 104-ўринни, МДҲда эса охирги поғонани эгаллади. Қайд этилишича, рейтингга Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон киритилмаган.

Ўтказилган тадқиқотлар доирасида хулосо қилиш мумкинки, Ўзбекистонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган мажмуий чора-тадбирлар ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган барча фармон, қарорлар бу соҳа учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга аҳолининг ипотека кредитларидан фойдаланиши ва молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммолар ечимида қуйидаги таклифлар ўринлидир деб ҳисоблаймиз:

– ривожланган ипотека кредитлари амалиётига хос равишда узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартибини жорий қилиш;

– ипотека кредити олиш ва у билан боғлиқ ташкилий масалаларни тартибга солишда банк мижозлари учун ипотека брокерлари иш фаолиятига доир ҳуқуқий меъёрларни амалиётга жорий этиш;

– тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари учун амалдаги белгиланган фоиз ставкаларини қайта кўриб чиқиш аҳоли талабидан келиб чиқиб белгилаш;

– илғор хориж амалиётини ҳисобга олиб ҳамда тақкослама тарзда Ўзбекистонда аҳолининг тўлов қобилиятини инобатга олиб ипотека кредитлари учун дастлабки бадал миқдорини камайтириш;

– ипотека бозори субъектлари ўртасида эркин рақобатни шакллантириш учун кредит ажратувчи муқобил ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш.

Бектемиров А. *– СамИСИ «Инвестиция ва инновациялар» кафедраси мудири, проф. в.б., и.ф.д.,*
Маликова Д.М. *– СамИСИ «Банк иши» кафедраси ассистенти,*
Бўтаев Ж.Э. *– СамИСИ магистранти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада омонатнинг моҳияти, тижорат банклари учун депозит операцияларининг аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари таркиби ва динамикаси таҳлили, шунингдек банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар келтирилган.

Аннотация: В статье представлена сущность депозита, значение депозитных операций для коммерческих банков, анализ состава и динамики привлеченных депозитов коммерческих банков Республики Узбекистан, а также приведены предложения по укреплению депозитной базы банков.

Abstract: The paper presents the essence of the deposit, the importance of deposit operations for commercial banks, analysis of the composition and dynamics of attracted deposits of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, as well as proposals for strengthening the deposit base of banks.

Калит сўзлар: депозит, омонат, молиявий хизмат, тижорат банклари, онлайн-депозит

Ключевые слова: депозит, вклад, финансовые услуги, коммерческие банки, онлайн-депозит

Keywords: deposit, savings, financial services, commercial banks, online deposit

Ўзбекистон Республикаси банк тизими бугунги кунда банк хизматларининг анъанавий соҳалари – кредитлаш, депозит операциялари, ҳисоб-китоб ва касса каби хизматларини кўрсатувчи 33 та тижорат банкидан ташкил топган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар ҳам кўрилиши лозим.

Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш учун эса биринчи навбатда, юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитларини янада ошириш, шунингдек, банкларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши ҳисобига банк тизимига қўшимча ресурсларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ[10].

Депозит деб қуйидаги шартларнинг барчасига мувофиқ бўлган, қўйилган пул маблағларига айтилади:

- мижознинг талабига биноан ёки муддат ўтганидан кейин фоизлар ёхуд бошқа даромадлар билан ёки уларсиз ёхуд омонатчи ёки унинг ваколатли вакили ва пул маблағларини қабул қилувчи банк ўртасида, келишилган шартлар асосида қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари;
- субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта хизматларига тааллуқли бўлмаган пул маблағлари;
- пул маблағларини қабул қилувчи банкнинг тегишли ҳужжати билан ёзма шаклда тасдиқланган пул маблағлари[11].

Банк фаолиятининг ривожланиши ва муваффақиятининг асосини омонатлар ташкил қилади. Омонатлар банк балансининг алоҳида моддаси бўлиб, банк фаолиятини бошқа бизнес шаклларидан яққол ажратиб туради. Юртимизда фақат банкларгина пул маблағларини омонатларга, яъни депозитларга жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Банкларнинг депозит базасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарасини тижорат банкларининг депозит ва депозит сертификатлари маблағлари қолдиғи бўйича ҳам кузатишимиз мумкин. Жумладан, тижорат банклари депозитлари қолдиғи 2021 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра жами 111 035 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг шу санасига ушбу кўрсаткич 1,3 баробарга ошиб 149 561 млрд. сўмни ташкил этди. Бундай натижага асосан 1 йилдан юқори бўлган муддатга жойлаштирилган депозитлар салмоғининг 14 916 млрд. сўмга ҳамда талаб қилиб олингунча

[10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони

[11] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ-580-сонли Қонуни

депозитларнинг 13 187 млрд. сўмга ошиши ҳисобига эришилганлигини кўришимиз мумкин.[12]

Шу ўринда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2022 йил 1 февраль ҳолатига жисмоний шахсларнинг депозитлари 36 671 млрд. сўмни, юридик шахсларнинг депозитлари қолдиғи эса 112 890 млрд. сўмни, омонатлар таркибидаги талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 39 фоизни ташкил этади. Тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларнинг муддати ликвидлиликни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Банклар учун жалб қилинган маблағларни жойлаштиришда, жалб қилинган маблағларнинг барқарорлиги ва муддати аниқ бўлиши мақбул. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул агрегатлари тўғрисидаги эълон қилинган маълумотларига кўра 2022 йил 1 март санасига банклардан ташқаридаги нақд пуллар 25 955 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Яъни ҳанузгача аҳоли қўлида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида нақд пул маблағлари йиғилиб қолмоқда, яъни муомаладаги нақд пулларнинг кенг маънодаги пул массасидаги улуши 20,3 фоизни ташкил этмоқда[13]. Бунинг сабаби сифатида бир қанча омилларни кўрсатишимиз мумкин, жумладан, инфляция суръатларининг ошиши, аҳолининг банкларга бўлган ишончсизлиги, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги, омонатларнинг муддатлари ва бошқалар.

Кўпгина давлатларда онлайн-омонатларга жойлаштирилган маблағларнинг салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Онлайн омонатлар асосан жисмоний шахслар учун банкка ташриф буюрмасдан мобиль банкинг тизими орқали депозит очиш имкониятини яратиб беради. Ўзбекистонда ҳам 2018 йилнинг бошидан бошлаб мазкур турдаги инновацион хизмат – онлайн-омонатлар жорий этилди.

Онлайн-омонатларнинг бир қанча афзалликлари мавжуд, жумладан,

- жамғарма кассага келиб омонат ҳисобварағи очиш, пулни кассага топшириш, шунингдек омонатни расмийлаштириш учун ортиқча вақт сарфланмайди;
- омонатга ҳисобланган фоизли даромадни бошқа пластик картага, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш учун йўналтириш;
- омонатга пул маблағи қўйишда омонатнинг шартлари билан мобиль банкинг дастури орқали танишиш ва электрон офертани тасдиқлаш;
- омонатларга ҳисобланган фоизли даромадлар ва бошқа барча кирим-чиқимлар бўйича мобил телефонига SMS хабар келади ва бошқалар.

[3] https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/608103/ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида

[13] https://cbu.uz/oz/statistics/dks/614401/- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан аҳолининг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хулоса сифатида, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига банклар томонидан депозитларга жалб қилинган маблағлар миқдори сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш учун аввало, уларга манфаатли фоизлар тўланиши ва янги банк хизмати турларини жорий этиш муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашда қуйидаги омилларни инобатга олиш лозим:

- мижозларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича банк сирини тўлиқ таъминлаш;
- банклар депозиторлар олдида мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаши керак.

Банкларнинг депозитлари ҳажмини, айниқса, муддатли депозитлар улушини ошириш ва жалб қилинган ресурсларни оқилона бошқарилишига эришиш банк ликвидлигини таъминлаш ва банк фаолияти самарадорлигини оширишга замин яратади.

Хамракулова О.Д. – *и.о. проф. кафедры*
«Инвестиции и инновации» СамИЭС

КРЕДИТОВАНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В работе рассмотрены вопросы кредитования семейного предпринимательства в Узбекистане, а также предложены рекомендации по данному вопросу.

Ключевые слова: малый бизнес, предприниматель, семейное предпринимательство, кредитование, проценты по кредиту.

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekistonda oilaviy tadbirkorlikni kreditlash masalalari, bu boradagi tavsiyalar ko‘rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: kichik biznes, tadbirkor, oilaviy biznes, kreditlash, kredit foizlari.

Abstract: The paper considers the issues of lending to family businesses in Uzbekistan, as well as recommendations on this issue.

Keywords: small business, entrepreneur, family business, lending, loan interest

Углубление экономических реформ в Узбекистане предусматривает решение многих проблем, среди которых важное место занимает развитие предпринимательской деятельности, в том числе семейного бизнеса. «В целях определения приоритетных направлений реформ…определены условия по ускоренному развитию предпринимательства».

По своей сути семейное предпринимательство является разновидностью малого бизнеса. Основными признаками семейного предпринимательства являются: использование в качестве первоначального капитала имущества и денежных ресурсов семьи, а также привлечение заёмных средств под залог семейного имущества; использование в хозяйственной деятельности труда членов семьи; потребительское начало в хозяйственной деятельности, т.е. производство для собственных нужд и для рынка.

Семейное предпринимательство может функционировать в различных сферах. Оно занимает невостребованные средним и крупным бизнесом экономические ниши. Опыт различных стран показывает, что семейный бизнес насчитывает более 200 видов деятельности. Это мелкооптовая и розничная торговля, бытовое обслуживание, мелкий ресторанный бизнес, транспортное обслуживание населения, фермерство, прокат культурно-бытового и хозяйственного инвентаря, мелкий ремонт и строительство жилья, дач, гаражей, хозяйственных и культурно-бытовых построек, бухгалтерские работы и аудит, народные промыслы. В рамках домашнего хозяйства возможна организация интеллектуального труда для специалистов, научных работников и молодёжи, владеющей компьютерной техникой.

В развитых странах семейные предприятия играют ключевую роль в экономическом росте и увеличении рабочих мест. В США, например, семейными являются более 80% всех предприятий, они обеспечивают около 60% общей занятости и создают около 80% новых рабочих мест. В Великобритании семейный бизнес составляет 75% от количества всех фирм в стране, производя около 50% национального продукта, за счёт семейного бизнеса обеспечивается занятость половины населения страны. В странах ЕС семейные фирмы составляют 85 процентов. Причем, в составе малых предприятий преобладают семейные (68%), т.е. они составляют экономически активную часть малого бизнеса.

Среди экономических проблем, непосредственно связанные в дальнейшим развитием семейного предпринимательства в Узбекистане важное место занимает кредитование данного субъекта малого бизнеса. Необходимо отметить, что пандемия коронавируса пагубно повлияла не только на развитие экономики в целом, но и на темпы дальнейшего развития семейного бизнеса. Принятые меры в стране на законодательном уровне, а также средств выделенных на кредитование во стороны банковской сферы позволили стимулировать его развитие.

Так, в течение 2020 года коммерческие банки выделили 6,1 трлн сумов льготных кредитов на развитие семейного предпринимательства в Узбекистане. Средства направлены на реализацию более чем 214 тыс. проектов. Свыше 2,4 трлн сумов (41%) получили юрлица и индивидуальные предприниматели, а остальные 3,6 трлн сумов (59 %) – самозанятые. На развитие женского предпринимательства поступило более 1,6 трлн сумов, еще 1,8 трлн сумов получено на реализацию проектов молодежи. В разрезе регионов больше всего кредитов получили индивидуальные предприниматели из Наманганской (792 млрд сумов), Самаркандской (428 млрд сумов) и Ферганской областей, а меньше всего – Джизакской области (102 млрд сумов) и Ташкента (29 млрд сумов). Основная часть кредитов выдана на развитие птицеводства, садоводства и ремесленничества (30% всех кредитов), животноводства (22%), производства товаров (18%), строительство тепличных хозяйств (17%), открытие швейного дела (8%), а также на проекты в сфере услуг (5%). В стране упростили получение кредитов на семейный бизнес. Для реализации программы «Каждая семья – предприниматель» трем банкам Узбекистана – «Агробанку», «Микрокредитбанку» и «Народному банку» выделено 1 трлн сумов.

Важным импульсом в дальнейшем развитии семейного предпринимательства стало Постановление Президента РУ «О дополнительных мерах по развитию семейного предпринимательства и расширению источников доходов населения» (от 20.12.2021 года).

В данном документе на новом уровне были определены:

- порядок предоставления ресурсов : ресурсы целевых фондов и Фонда реконструкции и развития для финансирования проектов размещаются в коммерческих банках по ставке 10 процентов годовых; льготные кредиты по ставке 14 процентов годовых ;
- отдельным специализированным банкам: АКБ «Агробанк», АКБ «Халк банки» и АКБ «Микрокредитбанк» предусмотрено обеспечить с 1 марта 2022 года выделение кредитов в рамках программ посредством Единой электронной платформы программ развития семейного предпринимательства полностью в цифровом формате.

- в срок до 1 февраля 2022 года предусматривалось обеспечение интеграции Единой электронной платформы с информационными системами Министерства внутренних дел, Министерства занятости и трудовых отношений, Министерства финансов, Государственного налогового комитета, коммерческих банков и иных соответствующих организаций.

- кредиты в рамках программ выделяются в приоритетном порядке на проекты, направленные на обеспечение самозанятости граждан, включенных в «железную тетрадь», «женскую тетрадь» и «молодежную тетрадь», доходным трудом или обеспечение их занятости постоянным трудом (создание рабочих мест).

В 2022 году на программы поддержки семейного предпринимательства, профессиональное обучение безработных и молодежи, реализацию проектов в сфере услуг в Узбекистане направят 13 трлн сумов ($1,2 млрд). Банки будут предоставлять льготные кредиты по ставке 7% для занятия сельским хозяйством на приусадебных участках. По данным Госкомстата на 1 января 2021 года, в Узбекистане насчитывалось 45 954 зарегистрированных семейных предприятия, из них 43 122 были действующими.

Однако при создании этих благоприятных условий по кредитованию семейного предпринимательства есть проблемы, которые связаны с глубинными проблемами, заложенными внутри его. Так, например, дает о себе такой фактор как квалификация самих работников занимающихся этим видом бизнеса: отсутствие знаний о переработке и созданию конкурентоспособной сельскохозяйственной продукции, способах её хранения и транспортировки; переход на производство инновационных видов продукции, содействие внедрению современных технологий и инноваций в семейном предпринимательстве.

В этом связи. мы предлагаем:

- рекомендовать в каждом регионе приоритетные направления развития семейного предпринимательства с учётом местных условий для усиления государственной поддержки этого направления;
- расширение финансовой поддержки семейного бизнеса через государственные и частные банки, специальные фонды и различные государственные программы;
- содействие инновационной направленности семейного бизнеса в целях производства и переработки новой и конкурентоспособной продукции, разработка мотиваций и льгот, стимулирующих предпринимателей переходить на производство инновационных видов продукции, содействие внедрению современных технологий и инноваций в семейном предпринимательстве;

● всемерное содействие государства расширению инвестиционного потенциала денежных переводов трудовых мигрантов, привлечение их к государственным и частным проектам на взаимовыгодной основе;

● повышение эффективности деятельности бизнес-центров, бизнес-инкубаторов в регионах, привлечение образовательных учреждений экономического профиля к проведению курсов по организации семейного бизнеса, тренингов с участием наиболее успешных семейных предпринимателей, организация стажировок в целях обмена опытом представителей семейного бизнеса;

● повышение эффективности работы информационных и консалтинговых центров в целях более полного и доступного информационного обеспечения семейного предпринимательства.

Қ.Ж.Мирзаев – *СамИСИ "Рақамли иқтисодиёт" кафедраси мудири, и.ф.д., профессор,*
М.Э.Аҳтамова – *СамИСИ мустақил тадқиқотчиси*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКДА ЭКОТУРИЗМ СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ВА КРЕДИТЛАШ

Аннотация. Мақолада **к**ичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига сармоя киритиш, бошланғич капитални шакллантириш учун қисқа муддатли кредитларажратиш, иқтисодиётда экотуризм улушини ошириш ва янги ишчи ўринлари яратиш мақсадида микромолиялашни кенайтириш зарурлиги ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, инвестиция, бошланғич капитал, узоқ муддатли кредитлар ,экотуризм, тижорат банклари.

Аннотация. В статье отражена необходимостьинвестиций в малый бизнес и предпринимательство, выделение краткосрочных кредитов для формирования стартового капитала, расширение микрофинансирования в целях увеличения доли экотуризма в экономике и создание новых рабочих мест.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, инвестиции, стартовый капитал, краткосрочные кредиты, экотуризм, коммерческие банки.

Annotation. The article reflects the need for investment in small businesses and entrepreneurship, the allocation of short-term loans to form start-up capital, the expansion of microfinance in order to increase the share of ecotourism in the economy and the creation of new jobs.

Key words: small business, entrepreneurship, investments, start-up capital, short-term loans, ecotourism, commercial banks.

Ҳозирги вақтда экотуризм энг тез ривожланаётган туризм корхоналаридан биридир. Кўпгина мамлакатларда дам олиш хизмати иқтисодиётнинг йирик ва мустақил тармоғи бўлиб, унда банд аҳолининг 10-15% иштирок этади. Айни пайтда Ўзбекистонда 500 дан ортиқ туристик ташкилот ва фирмалар фаолият юритмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун 150 курорт ва физиотерапия оромгоҳлари ташкил этилди. Уларнинг аксарияти шифобахш минерал сувлари, шифобахш балчиқлари ва табиий-иқлим шароитлари бўйича юқори қийматга эга. Шунинг учун, экотуризм соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини инвестициялаш ва кредитлаш, иқтисодиётни ривожлантириши, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириши учун муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда мазкур соҳа субектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 50 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисми кичик ва ўрта бизнесда банд бўлиб, миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмининг 27 фоиздан 99 фоизгача бўлмада, экотуризм хизматлари ҳам салмоқли ўринни эгалламоқда. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этиб, ривожланган давлатлар кўрсаткичлари даражасида. Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш лозимдир. Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги»** фармонида акс эттирилди. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш тараққиёт стратегиясининг асосий мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Республикамизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кўрсатилаётган банк хизматлари, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитлаш ҳажмини ошипишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, 2020 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2012 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, 9 трлн. 982 млрд. сўмни ташкил этди, шундан, 2 трлн. 366 млрд. сўмга тенг лойиҳалар микрокредитлар билан таъминланиб, бу кўрсаткич ҳам 2019 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсди. Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатга бир марталик мақсадли фоизсиз ссудалар ажратилади. Туризм соҳасидаги «стартап» лойиҳалар, инновацион бизнес ғоялари, ахборот дастурлари ва хизматларини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 млрд.сўм маблағ ажратилди. Бундаасосий эътибор, туризм хизматларини кўпайиши, кичик тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантиришгаузоқ муддатли кредитларажратиш ҳамда микрокредитлашни кенгайтириш орқали кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнини ошириш, янги ишчи ўринлари ташкил этишга қаратилди. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, хусусан, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизими томонидан амалгаоширилаётган ишлар юқори баҳолаб келинмоқда.Бу эса ўз навбатида, хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ортишигаолиб келади.

Ходжаев Эркин Норматович –
СамИСИ “Молия” кафедраси профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

ИСЛОМ МОЛИЯСИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Аннотация: Ушбу мақола мунозаради бўлиб, ҳозирги кунда ўқув жараёнига янги иқтисодий категорияларни киритиб, дунё илғор олий таълим муассасалари дастури асосида дарсликлар яратишга қаратилган. Мақолада ислом молиясини ўқитиш борасидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: ислом молияси, рибо, академик мустақиллик, ислом дарчаси, исломий банклар.

Аннотация.Данная статья является проблемной. В ней рассматривается включение в программу подготовки специалистов в области финансов и банковского дела. Включение в программу исламских финансов и исламских ценных бумаг.

Ключевые слова: исламские финансы, «рибо», академическая независимость, исламские окна, исламские банки.

Abstract. This article discusses problematic issues. It considers both the inclusion in the training program of specialists in the field of finance, bankingand in the program of Islamic finance and Islamic securities. Certain conclusion and suggestions have been made for solving special problems of this sphere.

Keywords. Islamic finance, "ribo", academic independence, Islamic windows, Islamic banks

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб молия ва банк иши таълим йўналиши бўйича таълим оладиган талабалар учун “Молия бозори” фани ўрнига “Молия бозори ва молиявий технологиялар” фани киритилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Тошкент Молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ишчи дастур асос қилиб олиниб, тасдиқланган.

Дастурда “Молия бозори” фанини ўқитишдаги асосий мавзулар сақланиб қолган ҳолда, яъни “Молия бозорининг иқтисодий асослари, вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, Ўзбекистон Республикасида молия бозори фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, молия бозорининг таркибий қисмлари” билан биргаликда бир қатор янги мавзулар киритилган. Булар криптовалюталар бозорининг ишлаш механизми, қимматбаҳо металлар ва тошлар бозори хусусиятлари ислом молияси ва ислом қимматли қоғозлар бозори, рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар роли, рақамли ва мобил ҳамёнлар, онлайн ва мобил банкинг, электрон валюта биржалари, робо-маслаҳатчи онлайн суғурта технологиялари каби киритилган янги мавзулар Республикамиз олий таълим муассасаларида амалда фойдаланилаётган дарсликларда ёритилмаган.

Ислом молияси ва криптовалюталар бозорининг ҳуқуқий асослари яратилмаган ва бизнинг республикамизда бу мавзуларни ўтиш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас.

Президентимиз томонидан қабул қилинган **“**Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор асосида эндиликда институтимизга академик мустақиллик берилди. Айниқса, академик мустақиллик борасида ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини

касбий стандартлар асосида тасдиқлаш ҳам эътиборга олинди. Бу эса халқаро рейтингда 500 таликка кирувчи ОТМларининг талабалари ўқиётган дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш имконияти юзага келади.

Юқорида айтилган гапларни эътиборга олиб шу масалалар юзасидан биз ўз фикримизни баён этмоқчимиз.

Авваламбор, ислом молияси ва ислом қимматли қоғозлар бозори ҳақида.

Ислом молияси банк ва мижоз, пулдан-пулни яратиш, фоиз асосида қарз бериш каби тушунчалардан йироқ бўлган тизимдир. Ушбу тизимда шерикчилик муносабатлари қўллаб-қувватланади. Пул фақат тўлов воситаси сифатида кўрилади ва ҳар қандай фоизли даромадлар "рибо", яъни ҳаром сифатида қаралади. Лекин ҳозирги кунда жаҳон амалиётига назар ташласак, ислом молияси тез ривожланиб бораётган соҳага айланмоқда. Ислом молия активлари 2007 йилда 951,0 млрд. АҚШ долларини, 2015 йилда 2,2 трлн. АҚШ долларини ва 2019 йилда эса 404, 1 трлн. АҚШ долларини ташкил этган[14].

Ислом молияси Қозоғистонда ва Россия Федерациясида тез ривож топмоқда. Қозоғистонда 2009 йил 12 февралда "Ислом банкчилиги ва ислом молияси тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Қонун қабул қилинганига 12 йил тўлган бўлсада, мамлакатдаги 28 банкдан иккитаси "Ал-Ҳилол" (Абу Даби тижорат банкининг шуъбаси) ва "Замин банк" (маҳаллий банк) ислом банки ҳисобланади. Россия Федерациясида ҳам ислом молияси маҳсулот ва хизматларига бўлган талаб мусулмон аҳоли сонига мутаносиб равишда ошиб бормоқда. Россия статистик идорасининг берган маълумотларига кўра мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизи, бошқача айтганда 14 млн. аҳоли мусулмонлардан иборат (2020 йил маълумотлари).

Россияда 1991 йил "БАДР-ФОРТЕ Банк" халқаро тижорат банки ташкил этилди. 1997 йилдан бошлаб ислом молиясининг тамойиллари асосида ишлай бошлади[15]. Бир гуруҳ тадбиркорлар томонидан 2010 йилдан ислом молияси тамойиллари асосида ишловчи инвестицион компанияларга асос солинди. Ҳозирги кунда улар шариатга мувофиқ молия тизимига алоқадор 30-35 та турли лойиҳа аҳолига тақдим этилмоқда. Айниқса, бу компаниялар Доғистон ва Татаристонда кенг фаолият юритмоқдалар.

2020 йилдан бошлаб Россиянинг Сбербанки ислом молияси соҳасида аҳамиятга эга ишларни амалга оширмоқда. Россия ва Қозоғистон мисолига асосан Ўзбекистонда ҳам ислом молияси учун йўл очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Ахир Ўзбекистон аҳолисининг 96 фоизи ислом динига эътиқод қилишини ҳисобга олсак, ислом банкларининг очилиши республика

[14]Банк, пул, кредит журнали. №3, 2021 йил. 42-бет.
[15]Байдаулет, Е.А. Исломий молия асослари / Е.А. Байдаулет. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019.

иқтисодиётини ривожланиши учун катта хизмат қилади. Шариат қоидалари асосида исломий банк ёки исломий дарчанинг фаолият юритиши йўлга қўйилса диний қарашлари сабаб анъанавий банклар хизматидан фойдаланмаётган жисмоний шахслар ислом молияси хизматларидан фойдаланиш хоҳишини билдирадилар. Бу эса ҳаракатсиз ресурс маблағларининг ҳаракатига, давлатга янада кўпроқ солиқ тушумлари тушишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатасида “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистонда ислом молия тизимини тадбиқ этиш истиқболлари ва ҳуқуқий асосларини яратиш масалалари ўрганиб чиқилмоқда[16]. Бизнинг фикримизча, ислом молиясини йўлга қўйиш, ислом банкларини очиш учун биринчи навбатда малакали мутахассисларни тайёрлаш лозим. Бу масалада бизнинг институтимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин, яъни Осиё тараққиёт банки билан алоқаларни ўрнатиб, банк иши соҳасидаги ўқитувчи ва талабаларимизни Малайзия, Индонезия, Эрон, Покистон ва Араб давлатлари банкларида амалиёт ўташини ташкил этиш талаб этилади. Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Вазирлар Маҳкамаси ва Ислом тараққиёт банки ҳамкорлигида бошланғич капитали 100,0 млн. АҚШ доллари бўлган “Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси” ташкил қилиниши кутилмоқда.

Институт раҳбарияти ҳозирча ислом молияси ва банки бўйича мутахассислар олий таълим тизимида тайёрланмаётганлигини ҳисобга олиб, бўлажак жамғарма билан алоқаларни ўрнатиши лозим. Айниқса, бу борада кадрлар тайёрлашда институтимизнинг мусулмон мамлакатлардаги олий таълим муассасалари билан алоқа боғлаб, ўқитувчи ва талабаларнинг амалиёт ўташини ташкил этиши ва ислом молияси бўйича мутахассислар тайёрлаши мақсадга мувофиқ бўларди. Умид қиламизки, профессор-ўқитувчиларимиз ва тадқиқотчиларимиз ҳам бундай савобли ишга қўл урсалар, Ўзбекистонда ислом иқтисодиёти ва молияси ўз ривожини топади.

[16]Халқ сўзи, 21 апрель 2021 йил.

Гайбуллаев Рахим Муродович *– СамИСИ*
кафедра профессорив.б., и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМИЙ МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲАМДА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛГАНЛИК АҲВОЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада ислом банкларининг Ўзбекистон Республикасида шакллантиришнинг хуқуқий базасини яратишга оид масалалар ўрганиб чиқилган. Мамлакатда ислом банкларини жорий этишга қаратилган қонунлар ҳали ишлаб чиқилмаган ҳолда, аммо ташкилий даражадаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ёки қатор келишувларга эришилганлигига қарамай, мамлакатда ислом банклари иш фаолияти ёки “исломий дарча”ларга оид амалий ишлар ҳозирча йўлга қўйилмаганлиги таҳлил қилинган. Бу каби ишларни амалга оширишда эса Ўзбекистонда исломий молия хизматлари фаолиятига тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: банк хизматлари; ислом банклари; исломий молия хизматлари; исломий банклар тўғрисида қонунлар; анъанавий банклар; меъёрий-хуқуқий база.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы создания правовой базы для формирования исламских банков в Республике Узбекистан. Хотя законы о внедрении исламских банков в стране еще не разработаны, но, несмотря на принятие организационных положений или ряда соглашений, в стране до сих пор не реализована практическая работа по исламскому банкингу или «исламским окнам». При проведении такой работы также были отмечены основные проблемы, препятствующие деятельности исламских финансовых институтов в Узбекистане.

Ключевые слова: банковские услуги; исламские банки; исламские финансовые услуги; законы об исламских банках; традиционные банки; нормативно-правовая база.

Annotation: This article examines the issues of creating a legal framework for the formation of Islamic banks in the Republic of Uzbekistan. Although the laws on the introduction of Islamic banks in the country have not yet been developed, but despite the adoption of organizational regulations or a number of agreements, the country has not yet implemented practical work on Islamic banking or "Islamic windows". In carrying out such work, the main problems hindering the activities of Islamic financial services in Uzbekistan were also mentioned.

Keywords: banking services; Islamic banks; Islamic financial services; laws on Islamic banks; traditional banks; regulatory framework.

Жаҳон банк тизимида йилдан-йилга ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган ислом молиявий хизматларининг улуши дунё молия бозорида тобора ортиб бориб, ўзида инновацион молиялаштириш механизмларини жамлаган соҳа сифатида муҳим молиявий манбалардан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар исломий банклар тўғрисида қонунлар йўқлиги ёки исломий молиялаштиришнинг банк-кредит ва бошқа молиявий кўринишларини ҳуқуқий асосларини амалдаги қонунларда ҳам мавжуд эмаслиги ҳамда бу соҳани тартибга солиб турувчи муайян қонуности меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги туфайли ислом банклари ҳақида маълумот жуда оз ва етарли эмасдир.

Шунинг учун ҳам республикамиз аҳолиси исломий банк ҳақида етарли маълумотга эга эмас ва улар банк хизматларидан фойдаланишда исломий банк амалиётига дуч келмаганлар.

Айнан шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатида таъкидланганидек, “мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди”.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан бошлаб ислом молиявий хизматларини кўрсатиш тизимини шакллантириш борасида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-№4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўриш таъкидланган;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадирлари тўғрисида”ги 05.03.2019 йилдаги ПҚ-4224-сонли Қарори 2-бандида Ўзбекистон Республикасининг ИТБ гуруҳи ва АМГ билан узоқ муддатли шериклигининг асосий йўналишлари ҳамда вазифаларидан бири сифатида давлат-хусусий шериклиги механизмларини, жумладан вақф-жамғармаларни ташкил этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш дастурларини биргаликда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда татбиқ қилиш белгиланган.

Мазкур масала бўйича қонунчилик борасида, айнан шу кунлари, аниқроғи 2022 йил 17 март куни Олий Мажлис Сенатининг 24 ялпи мажлисида “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қонун қабул қилиниши

натижасида микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турларининг кенгайтирилиши, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга, шу жумладан исломий молиялаштиришга оид хизматларга бўлган талаби қондирилишига эришилади. Албатта, бу қонуннинг қабул қилиниши исломий банк хизматлари ва молиялаштириш учун дастлабки қадамларни ташлашга имконият яратади.

Шунингдек, 2021 йил 2-сентябрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 46-йиллик йиғилиши дастури доирасида мамлакатга ташриф буюрган Ислом тараққиёт банки президентини қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали шерикликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди ва 2022-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорликнинг янги дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш ҳамда ИТБнинг Тошкент шаҳрида ваколатхонасини ишга тушириш, молиялаштириш воситалари самарадорлигини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Келишувларга мувофиқ, ташкил этиладиган Ўзбекистон Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси фаолияти хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар фаровонлигини оширишнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилишига умид билдирилди. Ташкилий ишлар олиб бориш учун Ўзбекистонда ислом банк иши ва молиялаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича комиссия тузилди.

Аммо, бу каби ташкилий даражадаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ёки қатор келишувларга қарамай, мамлакатда ислом банклари иш фаолияти ёки “исломий дарча”ларга оид амалий ишлар ҳозирча йўлга қўйилмаган. Бу каби ишларни амалга оширишда эса Ўзбекистонда исломий молия хизматлари фаолиятига тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни ҳам келтириб ўтиш зарур, булар:

- тегишли меъёрий-ҳуқуқий базанинг йўқлиги;
- ҳисоботларда исломий молия операцияларини акс эттиришнинг умумэътироф этилган стандартларнинг йўқлиги ;
- бухгалтерия стандартларига мослаштирилган дастурий таъминотнинг етишмаслиги ;
- исломий молия бўйича билимга эга малакали мутахассисларнинг йўқлиги.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар ечимида нафақат банк муассасасида анъанавий банк хизмати кўникмасини, балки энг муҳими шу муассаса ходимларининг исломий банк хизматлари билан боғлиқ дунёқараши, ёндошуви ва касб маҳоратини ўзгартириш лозим.

Шу билан биргаликда, мамлакатда банк ва молия соҳасидаги амалдаги қонунларга ислом молиявий хизматлари, тамойиллари ва субъектларига оид ҳуқуқий меъёрларни киритиш зарур. Хусусан, “Фуқоролик кодекси”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақоза этилади.

Хайдаров З. Ш. *– СамИСИ “Банк иши” кафедра доценти в.б., и.ф.н.*

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРНИ ВА ПАСИВЛАРИНИ БОШКАРИШ: ТЕЗКОР ВА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон тижорат банкларида активларини ва пасивларини бошқаришда тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш масалалари ёриталган.

Калид сўзлар: Активлар ва пассивлар,тезкор ва стратегик режалаштиришни принциплари, стратегик режалаштиришни босқичлари, стратегик режалаштиришни кўрсатгичлари

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования оперативного и стратегического планирования в управлении активами и пассивами в коммерческих банках Узбекистана**.**

Ключевые слова. Активы и пассивы, принципы оперативного и стратегического планирования, этапы стратегического планирования, показатели стратегического планирования**.**

Annotation. This article discusses the issues of improving operational and strategic planning in asset and liability management in commercial banks of Uzbekistan.

Keywords. Assets and liabilities, principles of operational and strategic planning, stages of strategic planning, indicators of strategic planning.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида ги қарорига мувофиқ Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни

ресурс базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ўрта муддатли истиқболда ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларида стратегик режалаштиришни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банкларини ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни мавжудлиги банкларда стратегик режалаштиришни такомиллашмаганлигидан далолат беради. Хусусан, республикамиз тижорат банкларида баланслашмаган ликвидлилик муаммосини чуқурлашганлиги кузатилмоқда. Бунинг устига, тижорат банклари депозит базасини етарлилиги таъминланмаган. 2022 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларини умумий ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг салмоғи 59,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, банкларнинг депозитбазасини етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки, тижорат банкини депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинадиган депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш деганда стратегик режалаштиришда кўзда тутилган режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тушунилади.

Тижорат банкларида стратегик режалаштириш деганда банкни қуйидаги фаолият йўналишлари бўйича бошқариш стратегияларини муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш жараёнлари тушунилади: активларни бошқариш; ресурсларни бошқариш; рискларни бошқариш; персонални бошқариш; маркетинг.

Тижорат банкларида тезкор режалаштириш банк фаолиятини боқшариш жараёнида аниқланган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ва ушбу ўзгаришларни салбий таъсирига барҳам бериш чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банки фаолиятини ҳар бир йўналиши бўйича стратегик режалаштириш ишлаб чиқилган бўлиши ва унинг пировард мақсади банк активларини даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Тижорат банклари фаолиятида рискларнинг чуқурлашиб кетаётганлиги сабабли Базел қўмитаси тижорат банклари фаолиятидаги кредит риски ва операцион рискни баҳолаш ва бошқариш бўйича талаблар ва ёндашувларни 2004 йилда қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Натижада, кредит рискини баҳолаш бўйича янги “стандартлашган ёндашув” деб номланган янги ёндашув

ва операцион рискни бошқариш бўйича янги базавий индикатив ёндашув ишлаб чиқилди.

Банкларда тезкор ва стратегик режалаштиришни такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. Стратегик режалаштириш жараёнида молиявий активларни амортизация қилинадиган қийматини тўғри аниқлаш ва уларни қадрсизланишини аниқ баҳолаш мақсадида самарали фоиз ставкаси усулини режалаштириш жарёнига жорий қилиш лозим.

Самарали фоиз ставкаси шундай фоиз ставкаки, у молиявий инструмент бўйича кутилаётган давр мобайнидаги барча пуллик тушумлар ва тўловларни ҳисобланган суммасини уларни дастлаб тан олинган соф баланс қийматига келтириш имконини беради (дисконтлаш йўли билан).

Самарали фоиз суммасини ставкасини ҳисоблаш учун ҳар бир тегишли ҳисобот даврида самарали фоиз ставкаси актив ёки мажбуриятнинг ўтган ҳисобот даврини сўнггидаги амортизацияланган қийматига кўпайтирилади. Мазкур давр учун ҳисобланган самарали фоиз билан активни фоизли купони ўртасидаги фарқ суммаси мазкур даврдаги амортизация суммаси ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлардаги қоидаларига кўра, барча молиявий мажбуриятлар дастлабки тан олингандан сўнг самарали фоиз ставкасини қўллаган ҳолда амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланиши керак. Бироқ, мазкур қоидалар қуйидаги турдаги молиявий мажбуриятларга нисбатан қўлланилмайди: адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар ва мазкур турдаги молиявий мажбуриятлар шу даврдаги фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади; молиявий активни узатаётганда (тан олиниши тўхтамайдиган ҳолатда) юзага келадиган молиявий мажбуриятлар; бозор ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаларида бериладиган кредитлар бериш бўйича битимлар бўйича юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

Иккинчидан. Тижорат банкларини молиявий барқарорлигини режалаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида, авваламбор, қимматли қоғозлар эмитентларини молиявий ва мулкий ҳолатини таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш орқали банкларни корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш зарур ва ундан кейин банкларни Марказий банкнинг облигацияларига қилинган инвестициялари ҳажмини ошириш орқали уларни жорий ликвидлилик даражасини ошириш лозим; учинчидан, банкларни “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги ортиқча пул маблағларини иқтисодиётни турли тармоқларига мансуб бўлган корхоналарни қимматли қоғозларига инвестиция қилиш лозим.

Ушбу таклифимизни амалиётга татбиқи натижасида: тижорат банкларини қимматли қоғозлардан оладиган даромадлари миқдори кўпаяди; юқори

ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳисобидан тижорат банкини жорий ликвидлилик даражаси ошади; банкларни қимматли қоғозлар портфелини ликвидлилик ва диверсификатсия даражаси ошади.

Учинчидан. Тижорат банклари даромадларини тезкор режалаштиришда асосий эътибор тижорат банкларини кредитлардан олинадиган фоизли даромадларини ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим: кредитларни брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; кредитлар фоиз ставкаларини кескин тебрашини олдини олиш лозим; муддати ўтган кредитларни брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичини меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонтижорат банклари даромадларини тезкор режалаштиришда асосий эътибор тижорат банкларини кредитлардан олинадиган фоизли даромадларини ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим: кредитларни брутто активлар ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур; кредитлар фоиз ставкаларини кескин тебрашини олдини олиш лозим; муддати ўтган кредитларни брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичини меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Ф.М.Даминов *- СамИСИ катта ўқитувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ ЭКОТИЗИМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада тижорат банкларида рақамли экотизимни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари акс эттирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, молиявий хизматлар бозори, рақамли технологиялар, рақамли экотизим

Анноатация: в даной статье отражены проблемы и пути их устранения связанных с формированием цифровой экосистемы коммерческих банков

Ключевые слова: коммерческие банки, рынок финансовых услуг, цифровые технологии, цифровая экосистема.

Ўзбекистон банк тизими олдига қўйилган стратегик вазифалардан бири иқтисодий муносабатлар ва молиявий хизматлар бозорида рақамлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Молиявий технологияларни

жорий этиш ва уларни ривожлантириш мамлакатимиз фуқаролари ва бизнес субъектлари учун хизматлар ва сервисларнинг сифати ва оммабоплигини таъминлаш, рақобот муҳитини шакллантириш, шунингдек, бизнес жараёнларни оптималлаштириш имкониятини беради.

Рақамли технологияларни ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси", 2020 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5992-сонли Фармони билан қабул қилинган "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони билан тасдиқланган "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Қайд этилган вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларнинг муҳим йўналишларидан бири рақамли технологияларни молиявий хизматлар бозорига жорий этиш борасида кузатилаётган тренд ва тенденцияларни тадқиқ этиш асосида тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Жаҳоннинг нуфузли тадқиқот марказлари томонидан эълон қилинган маълумотлар таҳлили молиявий хизматларни тақдим этишнинг анъанавий механизмларини тубдан ўзгартираётган қуйидаги терд ва тенденциялар мавжудлигидан далолат беради:

- мижозларнинг кутилмалари ва ҳатти-ҳаракатларининг трансформацияси;
- технологик компаниялар ва молия ташкилотлари базасида рақамли экотизимларнинг ривожланиши;
- хизматларнинг персоналлашуви, маълумотлар алмашуви ва таҳлилига оид механизмларни шакллантириш ва ривожлантириш (жумладан, очиқ API орқали);
- иқтисодий муносабатлар ва молиявий хизматлар бозорига рақамли технологияларнинг кенг кўламли кириб келиши;
- операцион ва информацион хавфсизликни таъминлаш борасидаги рисклар даражасининг ошиб бориши.

Мазкур тренд ва тенденцияларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Мижозларнинг кутилмалари ва ҳатти-ҳаракатлари трансформацияси. Рақамли технологияларнинг кескин ривожланиши молиявий хизматлар истеъмолчиларининг кутилмалари ва ҳатти-ҳаракатларини жиддий таъсир ўтказди. Фақат 2020-2021 йиллар давомида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 23 фоизга, мобил банк иловалари орқали ўз

операцияларини амалга оширувчилар 30 фоизга ошган. Бугунги кунда инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи хизматларни масофадан олиш имкониятининг яратилиши истеъмолчиларни қизиқтирувчи асосий масалага айланиб бормоқда. Истеъмолчилар қулай, оддий ва тезкор ишловчи сервисларга устуворлик беришади. Шунингдек, шахсий маълумотларнинг хавфсизлиги ва шаклланган брендга бўлган ишонч истеъмол тажрибасининг муҳим элементлари ҳисобланди.

2. Технологик компаниялар ва молия ташкилотлари базасида рақамли экотизимларнинг ривожланиши. Истеъмолчиларнинг жорий талаби ва кутилмаларидаги ўзгаришлар бир ойна режимида барча турдаги хизматларни таклиф этувчи экотизимлар таркибида молиявий ва номолиявий хизматлар синергияси юз бермоқда. Бунинг натижасида мобил иловалар орқали банк махсулотлари билан бир қаторда товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, темир йўл билетларини харид қилиш каби номолиявий хизматларни олиш имконияти яратилди. Бошқача айтганда мобил иловалар истеъмолчи ҳаётининг диярли барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Халқаро McKinsey компаниясининг прогнозига кўра, 2025 йилга келиб жаҳон ЯИМ нинг 30 фоизи (диярли 60 трлн.АҚШ доллари) экотизимларга тўғри келади.

Одатда экотизимлар марказида йирик ИТ-компаниялар ёки банклар туради. Хусусан, бозор капиталлашуви бўйича энг йирик 10 компаниядан 7 таси (Alibaba, Alphabet, Amazon, Apple, Facebook, Microsoft ва Tencent) хусусий рақамли экотизимга эга. Тижорат банклари ҳам рақамли экотизимларни шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратишмоқда. Халқаро PwC консалтинг компанияси томонидан ўтказилган сўровномада қатнашган банк раҳбарларининг 61 фоизи томонидан фаолият муваффақияти мижозларнинг турли-туман талабларини қаноатлантириш учун рақамли экотизимларга асосланган бизнес моделга ўтиш билан боғлиқлиги қайд этилган.

3. Хизматларнинг персоналлашуви, маълумотлар алмашуви ва таҳлилига оид механизмларни шакллантириш ва ривожлантириш. Банк секторида янги иловалар ва хизматларнинг пайдо бўлиши, давлат томондан тартибга солиш қоидаларининг ўрнатилиши ва очиқ банк API лари ёрдамида кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кенгайиши очиқ банкинг операцияларининг ошиб боришига олиб келди. Прогнозларга кўра 2026 йилга келиб, очиқ банкинг операциялари ҳажми 43,15 млрд. АҚШ долларига тенг бўлади (йиллик ўсиш суръати 24,4 фоиз).

4. Иқтисодий муносабатлар ва молиявий хизматлар бозорига рақамли технологияларнинг кенг кўламли кириб келиши. Яқин истиқболда айнан рақамли технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги алоҳида олинган компаниялар ва мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини белгилаб

берувчи асосий омилга айланади. Рақамли транформацияланиш истеъмочилар ҳаётига интернет ва мобил алоқа воситаларининг кириб келиши даражасини ошириб юбормоқда. Хусусан, 2020 йил якунида жаҳон аҳолисининг 64,7 фоизи интернет, 53,3 фоизи мобил алоқа воситалари билан қамраб олинган. Ўтказилган сўровномалар 2022-2025 йилларда хизматларни рақамлаштириш йўналишидаги устуворлик мобил технологияларга (респондентларнинг 73 фоизи), очиқ API га (64 фоиз), булутли технологиялар (58 фоиз), сунъий онг (64 фоиз), ва чат-ботларга берилишидан далолат беради. Шу билан бир қаторда, рақамлаштириш жараёнлари тартибга солиш ва нзорат органлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тартибга солиш (RegTech) ва назорат (SupTech) технологиялари молиявий харажатлар ҳажмини камайтириш, рисклар даражасини пасайтириш, тартибга солиш ва назорат фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятининг кенгайтиради.

5. Операцион ва информацион хавфсизликни таъминлаш борасидаги рисклар даражасининг ошиб бориши. Молиявий хизматлар бозорининг барча иштирокчилари у ёки бу даражада операцион рисклар таъсири доирасида фаолият юритади. Аммо рақамли технологиялар ушбу рискларни янада кучайтириши мумкин. Бу сунъий онг, тақсимларган реестр технологияларинг қўлланилиши ва масофадан кўрсатилаётган сервислар миқдорининг ошиб бориши билан изоҳланиши мумкин. Шу билан бир қаторда информацион технологиялар ва бизнес-жараёнларнинг мураккаб архитектураси рақамли экотизимларни операцион риск манбасига айлантириши мумкин. Бундан ташқари молия ташкилотлари фаолиятида назорат остида бўлмаган ИТ компаниялар томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотдан фойдаланиш, ИТ хизмат бозорида монопол таъминотчиларнинг пайдо бўлиши тизимли рискларни юзага келтириши эҳтимоли жуда катта.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, рақамлаштириш жараёнлари банк хизматларининг оммабоплиги таъминлаш, уларни диверсификациялаш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, турли табиатга эа бўлган рисклар даражасини ошириши мумкин. Банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясида айнан шу хусусиятлар ўз аксини топиши лозим бўлади.

Нозимов Элдор Анварович *– ассистент*
кафедры "Инвестиции и инновации" СамИЭС

МЕСТО ЦИФРОВОГО БАНКИНГА В СОВРЕМЕННОЙ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ И УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: Статья показывает место цифрового банкинга в финансовой экосистеме. При поддержке новейших технологий банки работают над выявлением новых ниш для бизнеса, разработкой индивидуальных услуг, внедрением инновационных стратегий, освоением новых рыночных возможностей и увеличением прибыли. Приведены важные, на наш взгляд, мнения ученых в области цифрового банкинга как с точки зрения банков, так и со стороны клиентов, приведены элементы нормативно-правовой базы Узбекистана, регулирующие цифровую экономику и способствующие её развитию, а также основные преимущества и недостатки цифровизации.

Ключевые слова: цифровой банкинг, большие данные, блокчейн, майнинг, смарт-контракты, крипто-валюты, крауд-фандинг.

Abstract: The article shows the place of digital banking in the financial ecosystem. With the support of the latest technologies, banks are working to identify new niches for business, develop individual services, implement innovative strategies, develop new market opportunities and increase profits. We emphasized important, in our mind, opinions of scientists in the field of digital banking, both from the point of view of commercial banks and from the side of customers. The article provides the elements of the legislative framework of Uzbekistan which regulates the digital economy and contributes to its development, and underlines the main advantages and disadvantages of digitalization.

Key words: digital banking, big data, blockchain, mining, smart contracts, crypto-currencies, crowd-funding.

На сегодняшний день невозможно представить банковскую индустрию без цифровизации данных. Мы все меньше и меньше посещаем здания банков, а банки со своей стороны стараются всячески этому способствовать. Мы можем в онлайн режиме разместить средства во вклад, провести он-лайн конвертацию без дополнительной бюрократии. Все эти моменты способствуют сокращению затрат со стороны банков и клиентов, а также способствуют снижению уровня коррупции.

Целью нашей статьи является изучить важность исследований в области цифровизации экономики, в нашем случае мы будем говорить о банках, и

показать состояние нормативно-правовой базы Узбекистана, необходимой для эффективности данного процесса.

Задачами нашего исследования мы поставили:

Изучить научную литературу и мнения отдельных ученых в области использования цифровых технологий в банках;

Выделить основные на наш взгяд преимущества и недостаки цифрового банкинга;

Изучить готовность нормативно-правовой базы Республики Узбекистан в области цифровой экономики;

Привести выводы по проведенной работе и разработать предложения.

Электронная обработка значительно снижает стоимость транзакции. У банков есть возможность представлять счета клиентов в электронном виде. Стоимость доставки счетов в электронном виде значительно ниже, чем, если бы счет был в бумажном виде доставлен по почте. Электронное предъявление счета стоит на 40% меньше, чем доставка бумаги. Такая экономия может предложить как клиентам, так и банкам более низкую стоимость банковских услуг, и при этом предоставлять эффективные и разнообразные услуги.

Банкам гораздо проще знать потребительские интересы, используя социальные сети. Зная спрос на определенные банковские продукты у клиентов проще эти продукты разработать и предложить. Банки предлагают «центр» финансовых услуг, включая представление и оплату счетов, финансовое планирование, финансирование недвижимости, страхование, кредитование и брокерские услуги.

Посредством приобретения лояльности клиента, который становится зависим от банка в отношении многих финансовых инструментов, можно предложить больше пакетов банковских услуг и получить более высокий доход в расчете на одного клиента.

Банки приобретают новую роль, своего рода роль финансового портала, который позволяет клиентам пользоваться продуктами и услугами банка, избегая бюрократии, сокращая время проведения операции, и снижая зависимость от человеческого фактора.

Итак, цифровой банкинг означает полную оцифровку банков и всей их деятельности, программ и функций. Это касается не только оцифровки банковских услуг и продуктов - интерфейс, который видят клиенты, но также и автоматизации внутренних процессов. Цифровой банкинг - это автоматизация каждого шага банковских отношений, который выходит далеко за рамки онлайн, офф-лайн, мобильной и интернет банковской платформы.

Цифровой банкинг - это полная трансформация в цифровую среду, интерфейс, бэкэнд и все, что между ними, как для клиентов, так и для

сотрудников. Hoffman Thomas 1999 говорит о том, что цифровой банкинг опирается на big data, аналитику и использует все новые технологии для повышения качества обслуживания клиентов. Банк может считаться цифровым, только если у него оцифрованы все имеющиеся функции - от разработки продукта до обслуживания клиентов.

Основные преимущества цифрового банкинга:

1. Сокращение расходов. Банки вынуждены снижать свои расходы, чтобы оставаться конкурентоспособными. Если банк не переходит на оцифровку, то должен, например, продолжать инвестировать в дорогостоящее устаревшее аппаратное и программное обеспечение, чтобы поддерживать эти системы в актуальном состоянии;

2. Вероятность увеличения доходности: у традиционных банков нет полного обзора своих клиентов. Им не хватает интеллектуальных систем для сбора информации о клиентах и систем для ориентации на клиентов. Изучение предпочтений клиентов посредством социальных сетей, мессенджеров ведет к созданию банковского продукта в соответствии с интересами клиентов. Чем больше доля банка на рынке, тем выше вероятность повышения его прибыли;

3. Привлечение и сохранение клиентов, а также опережение конкурентов: Fintechs и другие новички потрясли банковское сообщество. В результате растет спрос на улучшенное обслуживание клиентов и персонализированные услуги, а продукты и услуги известных банков становятся дороже. Цифровой банкинг позволяет улучшить качество обслуживания клиентов и снизить затраты, что необходимо для того, чтобы предугадать и предупредить спрос клиентов;

4. Изучение преимуществ новых технологий позволяют спрогнозировать такие новые технологии, как аналитика данных, блокчейн и когнитивный банкинг, которы окажут влияние на бизнес-модели банковских операций. Однако устаревшие системы ограничивают способность банков быстро реагировать на эти события. Необходима полная оцифровка, чтобы изучить преимущества этих технологий и рассчитать позиции банка на будущее.

Ожидания клиентов меняются, вводится новое регулирование и растет конкуренция со стороны технологических компаний. Эти изменения должны стимулировать банки на создание своего цифрового пространства.

Основные недостатки цифрового банкинга:

1. Система безопасности. Цифровые банки подчиняются тем же законам и правилам, что и традиционные банки. Сложное программное обеспечение для шифрования предназначено для защиты информации вашей учетной записи, но ни одна система не является идеальной. Stafford Barbara, 2001 говорит о том,

что аккаунты могут быть подвержены фишингу, хакерским атакам, вредоносным программам и другим несанкционированным действиям;

2. Виды услуг. Некоторые цифровые банки могут не предлагать все комплексные финансовые услуги, такие как страховые и брокерские счета, которые предлагают традиционные банки. Традиционные банки иногда предлагают специальные услуги постоянным клиентам, такие как предпочтительные ставки и инвестиционные консультации без дополнительной оплаты. Кроме того, такие услуги, как нотариальное заверение и банковская подпись, недоступны в Интернете. Они необходимы для многих финансовых и юридических операций. Однако, на сегодняшний день пользователи социальных сетей могут снизить ставку кредитования по банку, набрав для банка определенное количество лайков. Система идентична накопительным картам в магазинах. Набрав, к примеру 10 тысяч лайков банк может снизить ставку кредитования на 0,2 %, набрав 20 тысяч – на 0,5% и т.д. в соответствии с программой лояльности конкретного банка.

3. Отношения с клиентом. Зачастую банк зная своего клиента, его кредитную историю, специфику его бизнеса, может принимать благоприятные для клиента решения. Система же цифрового банкинга такие возможности исключает.

4. Сложность или значимость сделки. Зачастую для выполнения крупной транзакции либо принятия серьезного решения, требуется непосредственная встреча с клиентом. Традиционный банк может проводить встречи и вызывать экспертов для решения конкретного вопроса. Сложные международные операции, вопросы международного финансирования, синдикатов могут быть невозможными в цифровых банках.

Данным Постановлением также предусмотрено внедрение с 1 января 2021 года технологий "блокчейн" в деятельность государственных органов, при ведении государственных реестров, классификаторов и иных баз данных, в систему корпоративного управления крупных коммерческих организаций с преобладающим участием государства в уставном фонде, в клиринговых операциях, при осуществлении платежей, торговом финансировании (аккредитив), а также кредитовании проектов. С 1 октября 2018 года предусмотрен порядок, в соответствии с которым деятельность в области оборота крипто-активов, включая создание крипто-бирж по торговле крипто-активами, подлежит лицензированию. Постановление предусматривает принятие Закона "О цифровой экономике и блокчейн-технологиях", предусматривающий:

основные понятия в сфере технологий "блокчейн" и принципы ее функционирования;

полномочия государственных органов, а также участников процессов в сфере технологий "блокчейн";

меры ответственности в случае использования технологий "блокчейн" в незаконных целях.

Исследование демонстрирует, как банки могут использовать цифровой банкинг для улучшения качества услуг клиентам, привлечения, удержания, изучая опыт и уровень удовлетворения различных потребностей клиентов, а также и улучшить финансовые показатели за счет повышения рентабельности, экономии затрат, рентабельности активов, соотношения затрат и доходов, выручки и роста продаж.

Исследование информирует об отношении потребителей к цивровым банкам, которым необходимо рассматривать пути увеличения прибыли. Это подчеркивает тенденцию к росту инвестиций в инновационнах технологии цифровозации. Это показывает, как инновации в цивровизации позволяют банкам внедрять дополнительные услуги, дифференцировать продукты, увеличивать продажи, повышают конкурентоспособность банков и позволяют реагировать на растущие потребности клиентов с помощью цифровых устройств.

В исследовании подчеркиваются операционные риски и риски безопасности циврового банкинга, которые влияют на бренд и репутацию банков, доверие клиентов, качество обслуживания.

На наш взгляд необходимо расширять исследования в области цифровизации. Узбекистан густонаселенная страна с населением 34,5 млн на начало 2021 года. Существуют регионы отдаленные от финансовой инфраструктуры. Чтобы охватить эти регионы необходмо в первую очередь наличие бесперебойного интернета, что позволит банкам развивать цифровые услуги и обучать клиентов ими пользоваться. Также на наш взгляд необходимо повышать финансовую грамотность населения, чтобы потребители цифровых банковских продуктов не стали жертвами финансовых или кибер преступлений.

Алиева С.С. *– доцент СамИЭС, к.э.н.*
Расулов Ш.Ж. *- докторант СамИЭС*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация. Статья посвящена изложению сущности и значения понятия инновации, инновационная деятельность, а также представлению информации об источниках финансирования инновационной деятельности, видах работ, относящихся к инновациям. Показано, что проблемы финансирования инновационной деятельности является важным фактором, препятствующим развитию инновационной деятельности предприятий.

Ключевые слова: инновации, разработка, инновационная деятельность, финансирование инновационной деятельности, инновационные проекты.

Аннотация. Мақола инновациялар, инновацион фаолият тушунчасининг моҳияти ва маъносини ёритишга, шунингдек, инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари, инновациялар билан боғлиқ иш турлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишга бағишланган. Инновацион фаолиятни молиялаштириш муаммоси корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муҳим омил сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: инновациялар, ишланмалар, инновацион фаолият, инновацион фаолиятни молиялаштириш, инновацион лойиҳалар.

Abstract. The paper is devoted to the presentation of the essence and meaning of the innovation concept, innovation activity, as well as the presentation of information about the sources of financing the innovation activity, types of work related to innovation. It is shown that the problem of financing innovative activity is an important factor hindering the development of innovative activity of enterprises.

Key words: innovations, development, innovation activity, financing of innovation activity, innovation projects.

Прежде чем говорить о финансировании инновационной деятельности, мы должны определить, что такое сама инновация и что такое инновационная деятельность. Термин «инновация» происходит от латинского «novatio», что означает «обновление», «изменение», и приставки «in», которая переводится как «в направлении». Если объединить их, придем к слову «в направлении изменения». При этом следует заметить, что в Законе Республики Узбекистан понятие «инновации» определяются, как «введенная в гражданский оборот или используемая для собственных нужд новая разработка, применение которой на

практике обеспечивает достижение значительного социально-экономического эффекта». То есть это означает, что для получения статуса инновации, разработанное новшество обязательно должно иметь положительный результат от внедрения.

Итак, инновация – это успешно реализованное новшество. Надо обращать внимание на слово «успешно реализованное», потому что инновация – это не всякое новшество, а только такое, которое серьезно повышает эффективность действующего субъекта. Инновация – это использование достижений человеческого разума (новых идей, открытий, изобретений, усовершенствование более эффективных технологий, новые источники энергии, создание новых средств защиты и т.п.) для повышения эффективности деятельности хозяйствующих субъектов. Инновация все время продолжается в каждой сфере жизни. Именно результат инвестирования в разработку и получение нового знания, который должен удовлетворять нужды и потребности человека, – это и есть инновация. Чтобы назвать какое-нибудь новшество инновацией, должно пройти несколько процессов: инвестиция – разработка – процесс внедрения – получение улучшенного качества.

Условие любой разработки инновации – чтобы мы могли бы их назвать без никаких «но», просто - «улучшения».

Когда речь идет об инновации, придется узнать об инновационной деятельности. Инновационная деятельность – это система научных, технологических, организационных, финансовых и коммерческих действий и, в том числе, комплекс знаний, технологий и оборудования. Результатом инновационной деятельности являются новые или дополнительные товары и услуги, или товары и услуги с более улучшенным качеством.

Инновационную деятельность можно назвать частью развития общества. В соответствии с Законом Республики Узбекистан инновационная деятельность представляет собой «деятельность по созданию новых разработок, а также обеспечению их передачи и реализации в сферу производства». Все созданные товары и услуги были в свое время инновациями. И продолжение инновационной деятельности во всех сферах жизни изменяется день за днем. Поэтому обществу и каждой его ячейке необходимо осваивать все более эффективные способы и продукты своей деятельности.

Инновационная деятельность предприятий складывается из различных видов работ по созданию и распространению инноваций (см.: рис. 1).

Исходя из приведенного выше понятийного подхода к инновациям, мы имеем возможность говорить об инновации и инновационной деятельности. Итак, мы должны иметь представление не только о финансировании инновационной деятельности предприятий, но и иметь представление об

особенностях финансирования. Финансирование инновационной деятельности – это вложение денег на получение новшества, которое принесет удовлетворение потребности людей. Поэтому основные источники финансирования инвестиционной деятельности являются определяющими направления вложения инвестиций (см.: рис. 2).



Рис. 1. Виды работ, относящиеся к инновациям

Финансирование инновационной деятельности за счет бюджетных средств формируется для особой цели, которая стоит перед государством, и для поддержки инновационной деятельности субъектов, включая предпринимательские субъекты. «Широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений» предусмотрено Стратегией развития Нового Узбекистана, в частности, посредством «освоения технологий производства инновационной продукции в районах, трансформируемых в инновационные зоны, создающие качественную продукцию, до 50% более дешевую по сравнению с существующими аналогами, с добавленной стоимостью, в 2-3 раза превышающей стоимость сырья, в том числе реализация всего 195 проектов стоимостью 165,9 миллиардов сумов».

Финансирование инновационной деятельности за счет внебюджетных средств осуществляется в соответствии с целями деятельности хозяйствующих субъектов, которые вкладывают деньги в развитие и производство новых товаров (услуг), или инновационных продуктов. Отсюда следует иметь в виду, что процесс инновационной деятельности сам по себе нескончаемый и носит

цикличный характер. Это, независимо от условий вложения инвестиций, создает ряд проблем в рамках источников финансирования. Особенно при финансировании из бюджета. Здесь уместно также отметить, что, если бюджет страны профицитный, то можно будет говорить о бюджетном финансировании инвестирования. А если дефицитный, тогда финансирование может носить односторонний характер финансирования инвестиций. А насколько последнее будет связано с инновацией, сказать будет очень трудно.



Рис. 2. Источники формирования средств, направляемых на финансирование инновационной деятельности предприятий

Итак, многочисленные проблемы есть, и решение их является архиважным. Проблема финансирования инновационной деятельности является также важным в инвестировании инновационной деятельности предприятий. Потому что при финансировании инновационных проектов реализация последнего будет связана с высоким уровнем финансового риска и неопределенностью коммерческого результата от реализации инновационного проекта даже при наличии гарантии источников их финансирования.

Поэтому инвесторы часто избегают инвестирования инновационной деятельности. Когда деньги вкладываются с криком, употребляется фраза «венчурное финансирование». Венчурное финансирование инновационной деятельности – это доверие к будущему новшеству и его несколько кратных прибылей, чем первоначальное вложение.

В инновационной деятельности финансирование очень важно, потому что для каждого новшества придется тратить определенные суммы. Во многих развитых странах в мире пользуются доходностью инновационной деятельности, и для этого они подготавливают специалистов по инновациям.

Ж.Р.Зайналов *- СамИСИ и.ф.д. профессори,*
Жумаев З. *– СамИСИ магистранти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада банкларнинг рақобатдошлиги даражасини ошириш ҳамда банкларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлари: банк, депозит, базел, ликвидлик, даромад.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы повышения уровня конкурентоспособности банков и превращения банков в систему, основанную на передовых банковских практиках.

Ключевые слова: банк, депозит, база, ликвидность, доход.

Abstract: This article discusses the issues of increasing the level of competitiveness of banks and the transformation of banks into a system based on advanced banking practices.

Key words: bank, deposit, base, liquidity, income.

Банкларнинг рақобатдошлиги даражасини ошириш ҳамда банкларни илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган[17].Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини ошириш вазифалари қўйилган.[18] Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари молиявий ресурсларини шакллантириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради. Тижорат банкларининг ресурс базаси макроиқтисодий омил сифатида уларнинг ликвидлигини таъминлашга ва тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга бевосита таъсир қилади. Банк ресурслари даромад ресурсларга нисбатан иккиламчи бўлиб, аниқ тармоқдаги молиявий ресурсларнинг манбаси, шаклланиши ва

[17] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон Қарори.
[18] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

жойлашиши хусусида тадқиқот юритишни талаб этади. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда асосий эътибор банк баланси пассивидаги маблағларнинг манбаларига қаратилади. Ушбу маблағлар иккита йирик гуруҳга мажбуриятлар ва капиталга бўлинади. Мажбуриятлар банк томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан, капитал эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан шаклланади. Ушбу маблағларнинг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилиши тижорат банкларининг самарали ишлашини ва иқтисодий жиҳатдан бақувватлигини таъминлайди.Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив-пассив ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

1. Қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;

2. Фойда ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;

3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;

4. Депозит операцияларни амалга ошириш.[19]

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида банкларнинг ўз маблағлари юзага келади ва қолган охирги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади. Банк капитали таркибида устав капиталининг ташкил топиши ва барқарорлиги жиҳатидан муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Банк капиталини бошқаришда асосий эътибор уларнинг барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шаклланишига ва етарлилигига қаратилади.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмоқда. Хусусан, тижорат банклари активларининг умумий суммаси 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2019 йилдагига нисбатан 23,3 фоизга ошиб қарийб 80,4 трлн. сўмни ташкил этди[20]

[19] Монетар сиёсат. www.cbu.uz.
[20] Монетар сиёсат. www.cbu.uz.

Айни пайтда банк активларини бошқариш механизмини такомиллаштиришда Базел III тавсиялари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, унга мувофиқ, банклар ликвидлилигига иккита янги талаб киритилмоқда:

- Банкларнинг 30 кунгача бўлган жорий мажбуриятларининг ликвид активлар билан 100 фоиз қопланишини назарда тутувчи талаб;
- Узоқ муддатли ликвидлик меъёри. Унга мувофиқ, банкларнинг бир йилгача бўлган активлари барқарор пассивлар билан 100 фоизга таъминланган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, янги Базел қоидаларида таваккалчиликка тортилган активлар бўйича капитал етарлилигига ҳам қўшимча талаблар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3270 сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ тижорат

банкларнинг устав капиталининг минимал миқдорлари 2018 йил 1 октябрдан -100,0 млрд сўм миқдорида белгиланди.

Шунингдек, устав капиталининг минимал миқдори 100,0 млрд сўм миқдорида шаклланмаган бўлса, 2019 йилнинг 1 январигача устав капиталининг минимал миқдорини 100,0 млрд сўм миқдорида шакллантириш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, республикамиз банк тизимида олиб борилаётган босқичма-босқич ва аниқ мақсадларни ўз ичига олган ислоҳотлар Ўзбекистонда банк тизимининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бугунги кунда молия-банк тизимда олиб борилаётган ислоҳотларни мақсадга мувофиқлиги ва амалийлигини таъминлаш натижасида мамлакатимиз банк тизимининг молиявий барқарорлиги таъминланди ҳамда уларга бўлган ишонч янада ортмоқда.

Тижорат банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг мухим омили ҳисобланади. Зеро, иқтисодётни модернизациялаш шароитида банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлилигини ошириш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва реал секторнинг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.[21]

[21] Ахмедов м.у. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион фаоллигини ошириш масалалари./ банклар ва молия бозорлари. Иқтисод ва молия / экономика и финансы № 10, 2011 й

Туракулова Шахло Азизовна *– СамИСИ, студент*
Кипчакова Санобар Бахриддиновна –
Старший преподаватель СамИЭС

РОЛЬ ЗЕЛЕНЫХ БАНКОВ В УСКОРЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В СТРАНЕ

Аннотация. В статье рассматриваются проводимые реформы в банковско-финансовой системе, в том числе зеленая экономика. Также отмечена роль зеленых банков в экономике Узбекистана.

Ключевые слова. Макроэкономические показатели, зеленая экономика, зеленые банки.

На современном этапе радикальных преобразований в стране одной из важнейших задач сегодня является достижение высоких темпов экономического роста на основе либерализации, модернизации и диверсификации экономики, укрепления макроэкономической стабильности и устойчивого социально-экономического развития регионов.

Однако ускоряющаяся индустриализация и рост населения значительно увеличивают потребность экономики в ресурсах, а также усиливают ее воздействие на окружающую среду и приводят к увеличению выбросов различных ядовитых газов. В то же время существуют взаимосвязанные проблемы и потребности в обеспечении эффективной, ресурсоэффективной и экологически чистой экономики в условиях изменения климата в нашей стране. Кроме того, низкий уровень энергоэффективности, нерациональное использование природных ресурсов, медленное обновление оборудования и технологий, отсутствие инновационных решений по развитию «зеленой» экономики в стране препятствуют реализации приоритетов и задач устойчивого развития. Преодоление таких проблем и недостатков требует разработки долгосрочной стратегии обеспечения внедрения «зеленых» технологий в стране и реализации системных мер по переходу к «зеленой» экономике.

4 октября 2019 года Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4477 «Об утверждении Стратегии перехода Республики Узбекистан к «зеленой» экономике на 2019-2030 годы» поставлен ряд задач обеспечить переход Республики Узбекистан к зеленой экономике. В постановлении подробно рассматриваются вопросы поддержки «зеленых» инвестиций, финансирования и кредитования проектов по переходу к «зеленой» экономике, стимулирования банковской системы в связи с ними.

В международной практике «зеленые» проекты — это инвестиционные проекты, связанные с производством товаров, услуг или работ. Основная часть проектов будет реализована по следующим направлениям:

• Охрана окружающей среды и сохранение биоразнообразия;

• Энергосбережение;

• Совершенствование системы переработки, утилизации и утилизации промышленных отходов;

• Развитие экологически чистых и возобновляемых источников энергии;

• Строительство экологических зданий и сооружений и др.

Сегодня в развитых странах, в том числе в Российской Федерации, финансирование «зеленых» проектов должно осуществляться за счет интеграции в «зеленую» банковскую систему, и этот «зеленый» банк должен работать через собственные продукты (кредитные линии).

На наш взгляд, в условиях Узбекистана переход к «зеленой» экономике, создание институциональной среды, сочетающей государственное и частное финансирование «зеленых» секторов, а также внедрение «зеленой» банковской системы в эффективно контролировать инвестиции в высокорисковые проекты.

Сегодня в условиях перехода к «зеленой» экономике в Узбекистане осуществляется ряд мер по внедрению «зеленой» банковской системы в банковский сектор страны. Однако, за исключением автоматизации и удаленного внедрения ряда банковских услуг, ни один банк до сих пор не работает на полностью «зеленой» банковской основе. На наш взгляд, целесообразно создать новую структуру для внедрения «зеленой» банковской системы или передать полномочия «зеленого» банкинга существующим финансовым институтам

В Узбекистане есть некоторые вопросы, которые необходимо решить в процессе обеспечения полноценной работы банков на принципах «зеленого» банкинга, усиления их роли в переходе к «зеленой» экономике и финансирования «зеленых» проектов:

• Отсутствие общего понимания категории «зеленого» финансирования. Различия в трактовке понятия «зеленое» финансирование в разных странах ограничивают инвестиционные возможности для иностранных инвесторов и международных финансовых институтов.

• Трудности в оценке внешних факторов. Оценить положительные внешние эффекты «зеленого» финансирования довольно сложно. Причина в том, что третьи стороны видят преимущества этого финансирования. Например, затраты на строительство проекта возобновляемой энергии могут быть намного выше, чем простой альтернативы. При отсутствии мер по

снижению загрязнения окружающей среды рентабельность проекта будет слишком низкой для привлечения частных инвестиций.

• Сложности в оценке кредитных и рыночных рисков при «зеленом» финансировании. Многие банки не разработали методологию выявления кредитных и рыночных рисков, которые могут возникнуть в связи с «зелеными» проектами. Это, в свою очередь, повышает риск финансирования «зеленых» проектов.

• Проблемы финансирования долгосрочных проектов в банках, высокие инвестиционные риски и изменения в режимах государственного регулирования инвестиций.

• Информационная асимметрия. Многие инвесторы заинтересованы в инвестировании в «зеленые» проекты, но отсутствие у них экологической информации увеличивает стоимость поиска таких проектов и снижает их привлекательность. Например, если у инвестора нет информации об экологических показателях какого-либо хозяйствующего субъекта, он не сможет выявлять и финансировать «зеленые» компании или управлять экологическими рисками.

В последние годы многие страны используют налоги, субсидии и другие финансовые инструменты для решения экологических проблем. Хотя такие усилия увеличат «зеленые» инвестиции, государственного и частного капитала будет недостаточно.

На наш взгляд, роль государства и правительственных механизмов в преодолении некоторых из вышеперечисленных проблем в ускорении «зеленого» финансирования должна заключаться в следующем:

1. Государству следует разработать нормативную базу для инвесторов в сфере «зеленого» финансирования. При этом необходимо определить базовые нормативы и тарифы для «зеленых» проектов. Необходимо гармонизировать международные стандарты с национальными стандартами.

2. Целесообразно разработать концепцию «зеленого финансирования» в целях ускорения процесса перехода к «зеленой» экономике в Узбекистане, финансирования «зеленых» проектов и повышения эффективности «зеленых» инвестиций. Он включает в себя создание национальных стандартов и «дорожных карт» для «зеленого» финансирования.

3. Создать механизм поддержки «зеленых» проектов государственными органами. Введение субсидий и налоговых льгот для инвесторов по финансированию «зеленых» проектов.

4. Предоставление банкам полномочий по предоставлению гарантий и страховой системы для поощрения инвестиций в «зеленые» проекты.

5. Государство должно оказывать помощь инвесторам и «зеленым» банкам в оценке внешнего воздействия финансирования «зеленых» проектов. При этом государство определяет меры экспертизы проектов с учетом экологической составляющей.

6. При финансировании «зеленых» проектов необходимо сделать «зеленые» банки единственным центром власти во всех процессах, связанных с «зеленым» финансированием.

7. В целях координации деятельности «зеленых» банков и повышения их эффективности необходимо наладить регулярное сотрудничество с ведущими мировыми банками с отлаженной системой «зеленого» финансирования.

На основании вышеизложенного можно сделать вывод, что переход к «зеленой» экономике в стране потребует значительных финансовых затрат и усилий. Для решения задачи повышения роли «зеленых» банков во внедрении «зеленого» финансирования в стране необходимо обеспечить объединение государства, экологических международных организаций, банков и других организаций бизнеса.

Гайбуллаев Рахим Мурадович –
СамИСИ кафедра профессорив.б.,
Исабеков Акмалбек –
СамИСИ магистранти

БАНКЛАРДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИ БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг кредит портфелига оид назарий қарашлар, Ўзбекистонда тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари, сифат жиҳатдан бошқариш усулларини таҳлил этиш ва шу тариқа кредитлаш тизимини ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, кредит, кредит портфели, баҳолаш, кредит риски, ликвидлик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические взгляды на кредитный портфель коммерческих банков, пути повышения эффективности управления кредитным портфелем коммерческих банков Узбекистана, анализ методов управления качеством и, соответственно, развития системы кредитования.

Ключевые слова: коммерческие банки, кредит, ссудный портфель, оценка, кредитный риск, ликвидность.

Abstract: This article examines the theoretical views on the loan portfolio of commercial banks, ways to improve the efficiency of loan portfolio management of commercial banks in Uzbekistan, the analysis of quality management methods and thus the development of the lending system.

Keywords: commercial banks, credit, loan portfolio, valuation, credit risk, liquidity.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тобора глобаллашуви ва трансформациясининг ҳозирги шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиб боришининг етакчи омили сифатида тижорат банкларининг кредитлари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбаси бўлиб иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатда халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунлари қабул қилинди.

Чунки, кредит бериш банк фаолиятининг анъанавий тури ҳисобланиб, бу кўпчилик банкларнинг даромадлилиги ва барқарорлигини таъминлайдиган асосий операция ҳам бўлиб ҳисобланади. Банкнинг ўз кредит портфелини қанчалик самарали баҳоланиши унинг бозордаги ўрнига, демак мижозлар эҳтиёжи ва банк хизматларига бўлган талабга ҳам боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, банкларнинг кредитлаш фаолияти самарадорлиги қуйидаги омилларга ҳам боғлиқ:

- ташқи, яъни, банкнинг ўзига боғлиқ бўлмаган (банкнинг ташқи шароитлари, ресурсларнинг мавжудлиги, уларнинг нархи, давлат пул-кредит сиёсати, мижозларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар);

- ички, яъни, банк имконияти мавжуд ва таъсир қилиши керак бўлган омиллар (банкнинг ташкилий тузилиши, кредит стратегияси ва кредит сиёсати, банкда кредит жараёнини ташкил этиш ва бошқалар).

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, тижорат банкларининг кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллар қаторида муҳим ўринни ички омиллар эгаллайди. Хусусан, Европа банкларида кредит йўқотишларининг 67.0 фоизи айнан банкнинг ички омиллари сабабли юзага келади, ташқи омиллар эса бундай йўқотишларнинг 33 фоизини ташкил этади.

Россия банки раҳбари Э.Набиуллинанинг сўзларига кўра, Россия банкларининг қулашига олиб келадиган ҳозирги сабаблар биринчи навбатда, иқтисодий асослар билан боғлиқ. Бу сабабларга қуйидагилар киради:

- кредит таваккалчилигининг камайтирилиши;
- мумкин бўлган йўқотишлар учун заҳираларни камайтириб кўрсатиш;
- гаров қийматини ортиқча баҳолаш;
- капитални шакллантириш схемаси;
- тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш.

Тижорат банкининг кредит портфелини бошқариш ва кредит рисклари, банклар томонидан амалга оширилаётган кредит сиёсатининг баланси масалалари банкларнинг кредит фаолиятини ўрганишда устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ушбу мақола доирасида биз банкнинг кредит портфелининг таҳлилини бошқариш имкониятларини ошириш, кредит рискини олдини олишдаги ролини кўриб чиқамиз.

Қатор иқтисодчи олимлар тадқиқотларида кредит портфелини бошқаришга оид ёндошишлар пайдо бўла бошладики, В.В Ильин ва В.Н. Жуковлар таъкидлашича, “замонавий иқтисодий адабиётларда банк активларини бошқариш портфел тушунчаси кенг тарқалди”.

Шундай экан, энг авалло, портфел сўзининг тушунчасига эътибор қаратсак, портфел сўзига А.Б. Борисов "хўжалик, молиявий фаолият шакллари ва турлари, тегишли ҳужжатлар, маблағлар, буюртмалар, объектлар йиғиндиси" деб талқин беради. Шу билан бирга, банклар томонидан берилган кредитлар жами ҳам портфел тушунчасига киради. Ўз навбатида, амалиётчилар кредит портфелини қарз олувчиларга берилган кредитларнинг, шу жумладан муаммоли кредитларнинг умумий тўплами сифатида ҳам тушунадилар. Кредит портфелини аниқлашда Ғарбий Европа иқтисодчи олимлари ёндашувлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига, шунингдек, кредит портфелини "даромадли активлар тўплами" деб тушунадиган Базел II келишувининг

тавсияларига асосланади. Ёки, америкалик иқтисодчи Д.М.Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб таърифлайди.

Бу борада, Ўзбекистонлик иқтисодчи олима Ш.З.Абдуллаеванинг фикрига кўра, “банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир”.

И.В. Ларионова ўз изланишларида кредит портфели тузилишининг ягона мезонини, яъни кредит рискини кўриб чиққан бўлса, О.И.Лаврушин, Н.И.Валенцев, М.З. Собиров учта асосий мезонни ажратади: риск (кредит риски), рентабеллик ва ликвидлик.

Бунинг моҳияти эса, активларни турли кўринишларда тузилма ҳолига келтириш ва уларни ягона портфель сифатида бошқаришдан иборат. Бу эса, банкларга кредит портфелини мониторинг қилиш, кредитлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш имконини беради. Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, кредит портфели - бу банк томонидан мақсадли шакллантирилган ва бозор конъюнктурасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда банкнинг ривожланиб бориши ва ўз мақсадига эришиш йўлида қарз олувчиларга берадиган кредитларининг тизимли мажмуидир. Кредит портфели деганда, шунингдек, таваккалчилик ва рентабелликни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган, умуман бошқариладиган ва банкнинг кредит сиёсати амалга оширилаётган кредитлар мажмуини тушуниш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, кредит таваккалчилигининг олдини олишда кредит портфелининг роли юқоридир. Шунга кўра, рисксиз кредит операциялари мавжуд эмаслиги сабабли, амалда кредит рискининг ҳолатини кўриб чиқамиз.

2020-2021 йилларда Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш ҳажмини қуйидаги маълумотларда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон банклари кредит портфелининг кредитлар тури бўйича тақсимланиши. млрд.сўмда

Кўрсаткичлар номи	01.12.2020 й.	01.12.2021 й.	Ўсиши, %
Жаъми	**270716**	**320813**	**18.5**
Жисмоний шахсларга берилган кредитлар	**54080**	**68125**	**26.0**

Юридик шахсларга берилган кредитлар	**216636**	**252688**	**16.6**

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда банклар кредит портфелининг қолдиғи (банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар бўйича қарзлар қолдиғи) 2021 йил 1 декабр ҳолатига 320,8 трлн.сўмни (29,6 млрд.доллар) ташкил этди. Йил давомида бу кўрсаткич 50 трлн.сўмга ёки 18,5 фоизга ўсди.

Кредитларнинг асосий қисми юридик шахсларга тўғри келади ва 252,6 трлн.сўмни (78,7%) ташкил этди. Йил давомида уларга ажратилган кредитлар ҳажми 16,6 фоизга ошди.

Халқаро амалиётда одатда жами кредитлар таркибида юридик шахслар улушининг юқори (Қирғизистонда 79.0 фоиз, Беларусда 73.0 фоиз, Россияда 69.0 фоиз, Молдовада 64.0 фоиз, Арманистонда 57.0 фоиз, Қозоғистонда 53.0 фоизни) бўлиши кузатилди.

Муддатлар кесимида жисмоний ва юридик шахсларга берилган кредитларнинг қарийб 43.0 фоизи 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга тўғри келмоқда. Жисмоний шахслар учун 15 йилдан юқори бўлган муддатга ажратилган кредитларнинг салмоғи ошиб бориши кузатилиб, 2021 йил якунига кўра қарийб 36.0 фоизга етди. Бу ўз навбатида, сўнгги йилларда ипотека кредитлари ҳажмининг ошиши билан изоҳланади.

5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга берилган кредитлар юридик шахсларга ажратилган жами кредитларнинг 26.0 фоизини ташкил этмоқда. Жисмоний шахсларга ажратилган муддати 1 йилгача бўлган кредитларнинг улуши паст, яъни 8 фоизни ташкил этаётганлиги кредит олувчиларнинг инфляция бўйича кутилмалари юқорилигини кўрсатади.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар қолдиғининг ЯИМга нисбати 2018 йилдан бошлаб сезиларли ўсиб келмоқда. Молия хизматлари оммабоплигини кенгайиши ҳамда давлат дастурлари доирасида аҳолининг кенг қатламига молиявий кўмаклар берилаётганлиги жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жадаллашувига туртки бўлди. 2021 йилда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати 9,5 фоизни, аҳоли иҳтиёридаги даромадларига нисбати 14,4 фоизни ташкил этди.

2021 йилда жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми 68,1 трлн. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 26.0 фоизга кўпдир. Ушбу маблағларнинг ярми ипотека кредитлаш учун йўналтирилган - 34,4 трлн. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМга нисбати Россия, Қозоғистон, Арманистон, Грузия каби мамлакатларга нисбатан

пастроқ даражада шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда чакана кредит бозори ҳали тўйинмаганлиги билан изоҳланади.

Жадвал маълумотлари шуни ҳам кўрсатадики, 2020 йил 1 декабрдан 2021 йил 1 декабргача бўлган даврда жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми юридик шахсларга берилган кредитлар ҳажмига нисбатан кўпроқ ўсганлигини кўрсатади (жисмоний шахслар учун 26,0 фоизга, юридик шахслар 16.6 фоизга). Бу эса, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш босқичида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларига эга эканлиги ҳамда тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини тобора ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тижорат банклари амалиётида кредит портфелининг энг кенг тарқалган мезонлари сифатида кредит фаолиятининг хавфлилиги ва кредит портфелининг "муаммоли кредитлари" эканлиги аниқланди.

Ҳозирги иқтисодий трансформация даврида кредит портфелининг "муаммоли" мезонининг аҳамияти кўпинча биринчи ўринга чиқади, чунки кредит портфелининг "муаммоли қисми"ни ўз вақтида ташҳислаш, муддати ўтган кредитлар ва ёмон кредитлар сонини камайтиришга имкон беради ва бу билан портфелдаги кредитлар ва банкнинг мумкин бўлган йўқотишларини олдини олади.

2021 йилда муаммоли кредитларнингжами кредитлардаги улуши сезиларли ўсди ва 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 5,2 фоизни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, 2020 йил март ойидан бошлаб қатъий карантин чоралари жорий қилиниши натижасида иқтисодиётнинг реал секторидаги фаолликнинг пасайиши банк активлари сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Маълумотларга кўра, кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда муаммоли кредитларнинг умумпортфелдаги улуши 2021 йил 1 июль ҳолатига 16.8 трлн. сўмни ташкил этмоқда ёки жаъми кредитлардаги улуши 5,6 %га етган. Таҳлилдан маълум бўлдики, муаммоли кредитларнинг 14.7 трлн. сўми ёки 87.6% ли улуши давлат улушидаги банклар иш фаолиятида шаклланган. Бу ўринда хулоса қилиш мумкинки, хусусий банклар амалиётида банк мижозларига кредитлар берилишида анчагина эҳтиёткорона ёндошилиб, кредитлар берилишида банк рискларини яхши ўрганган ҳолда амалга оширилиб келинганлиги кўринади.

2021 йилнинг III чораги якунлари бўйича муаммоли кредитлар улушининг паст даромадли ривожланаётган мамлакатлар бўйича ўртача 9.0 фоизни, МДҲ ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича ўртача эса 6.0 фоизни ташкил этди. Пандемия бошланиши ва қатъий карантин чекловлари қўлланилиши таъсири остида муаммоли кредитлар улуши динамикасида юзага

келган ўсиш аксарият давлатларда 2020 йилнинг якунига қадар давом этди. Бироқ, регуляторлар томонидан тақдим этилган банк кредитлари бўйича тўловларни маълум муддатларга кечиктириш ва бошқа шу турдаги имкониятлар муаммоли кредитлар улуши кескин ошишини секинлаштирди.

Умуман олганда, таъкидлаш лозимки, юридик ва жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарзларининг кўпайиши иқтисодиётдаги умумий инқироз ҳодисаларини акс эттиради. Юридик шахслар бўйича муддати ўтган қарзларнинг ўсиши аҳоли томонидан истеъмолнинг қисқариб бориши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Натижада эса, тадбиркорлар зарар кўради ва уларнинг тўлов қобилияти ёмонлашади.

Шундай қилиб, кредит рискларини камайтириш мақсадида тижорат банклари уларни бошқариш усулларидан фойдаланиши, шунингдек, кредит рискларини доимо мониторинг қилиб боришлари зарур.

Бу ўринда, хавфни камайтиришнинг мумкин бўлган қуйидаги усулларини санаб ўтамиз.

Бу усул энг аввало, қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолашни, шунингдек, унинг кредит рейтингини белгилашни ўз ичига олиши керак. Кейинги усул - кредитларни ҳажми ва турлари бўйича, шунингдек, қарз олувчилар гуруҳлари бўйича диверсификация қилишдир. Кредит хатарларини камайтиришнинг яна бир усули - Марказий Банкнинг белгилаб қўйган стандартларидан ошмайдиган йирик кредитларни фақат консорциум асосида беришни ҳисобга олиш керак. Кредит ва депозитларни суғурталаш ҳам рискни камайтириш усули ҳисобланади. Кейинги усул - кредит ресурсларини уларни жалб қилишнинг шарти уларнинг ҳажмларига мувофиқ жойлаштиришни талаб қилувчи банк қоидаларига қатъий риоя қилишдир. Хатарларни камайтиришнинг яна бир муҳим усули бу аллақачон берилган кредитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун зарур бўлган захираларни шакллантиришдир.

Банк кредит портфелининг таваккалчилик даражасини баҳолашни амалга ошириш бир қатор хусусиятларга эга. Шундай қилиб, умумий риск, биринчи навбатда, портфелнинг алоҳида сегментларининг кредит риски даражасига, шунингдек, кредит портфели ва унинг алоҳида сегментлари таркибини диверсификация қилишга боғлиқ. Кредит таваккалчилигини баҳолаш усуллари умумий хусусиятларга эга, лекин шу билан бирга улар кредит рискининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Банклар кредит портфели тузилмасининг шундай хусусиятига эришиши ва уни шу ҳолатда сақлаб туриши керак, бу эса уларга кредит рискининг мақбул даражаси ва баланс ликвидлиги билан энг юқори даромадлиликни таъминлаш имкониятига эга бўлишига замин яратади.

Шундай қилиб, кредит портфелининг сифатини баҳолаш мезонлари бўлиб кредит риски даражаси, ликвидлик даражаси ва рентабеллик даражаси ҳисобланади.

Тижорат банкларида муаммоли кредитларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитларни тўлашда сезиларли кечикишлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Бу эса, Ўзбекистон тижорат банкларининг умумий кредит портфелининг сифатига таъсир этиб, уларнинг ривожланишини секинлаштиради. Шу муносабат билан банкларга кредит портфелининг сифатини мунтазам равишда баҳолаш ва унинг тузилмасини яхшилашга ёрдам берадиган усуллардан доимо фойдаланиш тавсия этилади. Кредит портфелининг сифатини баҳолаш усуллари, шунингдек баҳолаш даврийлиги тўғрисидаги маълумотлар банкнинг кредит сиёсатини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларида ҳам белгиланиши тавсия этилади.

Маликова Дилрабо Муминовна –
СамИЭС, ассистент кафедры
«Банковское дело»

НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация: Мақолада тижорат банкларида иқтисодий хавфсизлик тушунчаси талқини, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг зарурати, тижорат банклари иқтисодий хавфсизлиги тизимининг мақсади ва вазифалари келтирилган.

Аннотация: В статье дана трактовка понятия экономической безопасности коммерческих банков, необходимость обеспечения экономической безопасности, цели и задачи системы экономической безопасности коммерческих банков.

Abstract: The article presentsthe interpretation of the concept of economic security of commercial banks, the importance of ensuring economic security, goals and objectives of the system of economic security of commercial banks.

Калит сўзлар: банк тизими, иқтисодий хавфсизлик, тижорат банки, молиявий барқарорлик, фаолият самарадорлиги

Ключевые слова: банковская система, экономическая безопасность, коммерческий банк, финансовая устойчивость, эффективность функционирования

Keywords: banking system, economic security, commercial bank, financial stability, performance efficiency

Банковский сектор как неотъемлемая часть финансовой и экономической системы оказывает существенное влияние на процессы, происходящие в рамках как национальной, так и глобальной экономики.

Анализ банковского сектора показывает, что по итогам 2021 года большинство показателей имеют положительную динамику. Совокупные активы банковского сектора увеличились на 21,5%. Объем кредитов увеличился на 17,1%. При этом объем привлеченных средств в депозиты от юридических лиц и физических лиц увеличился на 36,1%.

Капитал коммерческих банков относительно аналогичного периода 2020 года также возрос на 21,5%, и составил в совокупности 70,9 трлн сум. Чистая прибыль банковского сектора составила 3,9 трлн сум (на 31,1% меньше, чем в 2020 г.), уменьшение данного показателя характеризуется тем, что в 2021 году оценка возможных убытков по кредитам и лизингу увеличилась на 92,3% по отношению к предыдущему году и составила 12,2 трлн сум. Общее количество действующих банковских учреждений (головных офисов и филиалов) увеличилось в 2021 году еще на 9 единиц, и составило более 905 единиц[22].

Пространственная и организационная структура банковского сектора во всем мире меняется под влиянием технологических инноваций и регулирующих влияний со стороны отдельных государств и международных регулирующих органов. Коммерческие банки – основной элемент структуры банковского сектора.

Коммерческий банк – это «юридическое лицо, являющееся коммерческой организацией, осуществляющее в совокупности операции по открытию и ведению банковских счетов, проведению платежей, привлечению денежных средств во вклады (депозиты), предоставлению кредитов от своего имени, определяемые в качестве банковской деятельности»[23].

Экономическая и национальная безопасность государства напрямую зависят от стабильности ее банковского сектора.

Для коммерческих банков важнейшими условиями эффективной и безопасной работы являются повышение прибыльности, обеспечение возврата кредитов, снижение банковских рисков и поддержание ликвидности.

В Узбекистане интерес к теоретическим вопросам экономической безопасности возник сравнительно недавно. В отечественной научной

[22]На основании данных и материалов с официального сайта Центрального банка Республики Узбекистан - https://cbu.uz/ru

[23]Закон Республики Узбекистан от 5 ноября 2019 года №ЗРУ-580 “О банках и банковской деятельности”

литературе встречается большой перечень различных определений экономической безопасности. Термин “экономическая безопасность” в законодательных актах приводится впервые в Законе Республики Узбекистан “О внешнеэкономической деятельности” №77-II от 26.05.2000 г., где отмечается, что “обеспечение экономической безопасности Республики Узбекистан относится к полномочиям Кабинета Министров Республики Узбекистан”[24].

Экономическая безопасность, с точки зрения системного подхода, имеет множество элементов, которые находятся в определенной взаимосвязи и образуют структуру. Такими компонентами являются финансовая, экономическая, информационная, инвестиционная, инновационная, ценовая, организационная и другие виды безопасности.

Согласно нормативно-правовому законодательству Республики Узбекистан, под государственной безопасностью понимается “состояние защищенности конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности и иных государственных интересов Республики Узбекистан от внешних и внутренних угроз, обеспечивающее ее устойчивое развитие и реализацию конституционных прав и свобод граждан»[25]. Безусловно, нормативно-правовые документы послужили базой для определения стратегий национальной безопасности в современных условиях с самых различных позиций, чем можно объяснить различие формулировок.

Кроме того, в процессе функционирования коммерческие банки взаимодействуют с бюджетной и налоговой системой, выступая тем самым финансовыми посредниками при распределении и перераспределении финансовых ресурсов всех субъектов финансовых отношений. Соответственно, нестабильность банковской системы порождает колебание устойчивости всех взаимодействующих с ней контрагентов. Из этого следует, что проблема экономической безопасности не может существовать локально, на уровне отдельно взятой организации или вида экономической деятельности.

Экономическая безопасность банковской системы, которая запускает механизм перераспределения финансовых ресурсов, является одной из ключевых предпосылок безопасности экономической системы государства.

По нашему мнению, экономическая безопасность коммерческих банков – это состояние защищенности деятельности банка от различных внешних и внутренних угроз, обеспечение которой осуществляется в целях организации стабильного и эффективного функционирования коммерческого банка.

[24]Закон Республики Узбекистан от 26 мая 2000 года №77-II “О внешнеэкономической деятельности”
[25]Закон Республики Узбекистан от 5 апреля 2018 года №ЗРУ-471 “О службе государственной безопасности Республики Узбекистан”

В заключение следует отметить, что главная цель обеспечения экономической безопасности банковской деятельности заключается в достижении устойчивого и максимально эффективного функционирования коммерческих банков на данный момент времени и с учетом перспективной динамики развития, что достигается при решении следующих задач по обеспечению безопасности банковской деятельности:

- достижение достаточного уровня финансовой устойчивости, конкурентоспособности и экономической независимости коммерческого банка;
- защита законных прав и интересов банка, а также сотрудников банка;
- защита информационных ресурсов коммерческих банков и сведений, составляющих банковскую тайну;
- обеспечение сохранности материальных ценностей;
- формирование условий для безопасной работы сотрудников банка;
- контроль за эффективностью функционирования системы безопасности и ее техническое оснащение.

Каримова А.М. *- PhD, и.о.доц., СамИЭС*

ОСОБЕННОСТИ БАНКОВСКОГО КРЕДИТОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ СФЕРЫ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

Анотация: в данной статье рассматриваются особенности кредитования субъектов предпринимательской деятельности сферы туристических услуг, а также субъекты нуждающиеся в финансово-кредитной поддержке. Даны предложения, способствующие решению существующих проблем оказывающие влияние на доступность банковского кредитования.

Ключевые слова: банк, кредит, кредитные риски, кредитная поддержка, льготное кредитование, туризм, туристические услуги,

Уровень развития, масштабы и структура сферы услуг занимают сегодня особое место в оценке экономического статуса страны. Опыт развитых стран мира свидетельствует о том, что сфера услуг является одним из основных факторов всестороннего развития экономики страны. Доля сферы услуг в ВВП многих цивилизованных странах колеблется в пределах 70-75%. Следует отметить, что, основная часть занятых в экономике населения приходится на данную сферу, и этот показатель в США составляет 80%, в Японии – более

70%. Существенная часть услуг, в частности, 99% бытовых услуг оказывается субъектами малого бизнеса. В свою очередь, до 90% расходов малых предприятий финансируется за счёт кредитов и инвестиций коммерческих банков (в крупных корпорациях этот показатель составляет около 30%).[26]

Проведенные исследования в области сферы туристических услуг свидетельствуют о том, что одной из значимых проблем, с которыми сталкивается большинство предприятий является нехватка денежных средств. И в случае возникновения недостатка собственных средств у них, возникает потребность в дополнительном источнике, способствующий осуществлению различных потребностях, требующие дополнительных вложений. В данной ситуации кредитная поддержка дает возможность пополнения счета субъекта, за счет средств выданных со стороны коммерческих банков.

Для банковской сферы кредитование туристической деятельности способствует не только получению дохода в отдельном сегменте кредитования, но также дает возможность диверсифицировать кредитные риски, и увеличить объемы дополнительных доходов.

Характерными особенностями кредитования субъектов предпринимательства сферы туристических услуг являются:

во-первых, предоставление денежных средств юридическим и физическим лицам, осуществляющие предпринимательскую деятельность в области сферы туристических услуг;

во-вторых, кредиторами могут быть, как банки, так и другие финансово-кредитные институты;

в-третьих, как правило, происходит льготное кредитование, что требует особой системы контроля расходуемых с этой целью бюджетных средств и оценки результативности их использования.

Рассмотреть более подробно субъекты туруслуг, нуждающиеся финансово-кредитной поддержки, можно рассмотреть ниже. (см.рис.1)

[26] Хамраева С.Н. Динамика развития сферы услуг в Узбекистане. https://conf.ztu.edu.ua/wp-content/uploads/2018/12/549.pdf



Рис.1. Субъекты туристической отрасли нуждающиеся в финансово-кредитной поддержке

Исходя из схемы делаем заключение о том, что сфера является многообразной, и оказывая ей финансово-кредитную поддержку, мы одновременно развиваем и другие отрасли экономической деятельности, что гласит о важности кредитования данной сферы.

Сегодня спрос на финансирование и кредитование субъектов предпринимательской деятельности сферы услуг растёт день за днём. Однако, несмотря на столь стремительное развитие системы кредитования, ныне существует множество проблем, с которыми сталкиваются большинство предприятий сферы туристических услуг.

Предприятия сферы туристических услуг составляют особую группу риска для коммерческих банков. в свою очередь развитие данного характера предприятий во многом зависят от взаимоотношений с обслуживающим банком. Доступ к банковскому кредиту и укрепление собственного капитала являются двумя основными задачами руководителей данных предприятий. И при недостаточности собственного капитала, а также низком уровне самофинансирования предприятия зависят от политики банка, и колебаний процентных ставок.

Как правило, банки занимают осторожную позицию, по отношению к предприятиям занимающихся туристическими услугами, рассматривая данный рынок как рискованный. Что серьезно затрудняет доступ к банковскому кредиту на благоприятных для предприятий условиях. Возможность получения

кредитов в крупных банках по рыночным ставкам не всегда удовлетворяет интересам предпринимателей. Высокая процентная ставка и банковские сборы находятся в ряду основных причин неудовлетворенности туристических предприятий услугами банков.

Исследовав практику деятельности предприятий, и проведя анализ основных проблем финансирования, с которыми сталкиваются предприятия туристических услуг в ходе своей деятельности считаем целесообразным выделить следующие группы факторов, оказывающие влияние на доступность банковского кредитования:

1) достаточность нормального источника погашения, означающий, что предприятие туристических услуг имеет основания рассчитывать на получение выручки от реализации продукции, которая позволяет после уплаты налогов покрыть основную сумму долга и проценты;

2) условия, позволяющие хозяйствующему субъекту оставаться стабильным не смотря на воздействие неблагоприятных обстоятельств, и обеспечивать обязательства в случае недостаточности источников погашения;

3) кредитная история заемщика, под которой понимается информация о том, как хозяйствующий субъект в прошлом расплачивался по своим обязательствам;

4) возможность получения льготного финансирования, поскольку существенное влияние на доступность получения кредита оказывает политика государственных и региональных органов власти;

5) транзакционные издержки, которые несет хозяйство в связи с получением кредита. Для крупной организации эти издержки в расчете на сум предоставленных средств значительно ниже, чем для мелкой.

Таким образом по результатам проведенного исследования можно сделать следующие выводы.

– банковское кредитование субъектов предприятий сферы туристических услуг имеет большое значение для активизации спроса со стороны потребителей туристических продуктов (услуг), а также для развития предприятий внутреннего и въездного туризма;

– необходимость изменения существующих подходов к организации банковского кредитования субъектов туристского рынка обоснована повышением конкуренции между банками в сегменте потребительского кредитования, потребностью предприятий туризма в ресурсах, удорожанием стоимости турпродукта и его компонентов;

– преобразование ряда условий банковского кредитования для субъектов рынка туристских услуг является экономически целесообразным на фоне растущей динамики объема показателей рынка туристских услуг;

– повышение доступности кредитов для потребителей турпродуктов (услуг) именно в направлении внутреннего туризма обеспечит рост таких показателей, как объем количества размещенных лиц в коллективных средствах размещения, субъектов общественного питания, доходов компаний турагентов, и других объектов развлекательной индустрии;

– интеграция банковского кредитования в разработку и последующую реализацию туристических продуктов (услуг) компаний туроператоров/турагентов позволит увеличить количество продаваемых путевок, а банку, соответственно, обеспечит рост процентных доходов.

– микропредприятия туризма имеют специфические проблемы, связанные с невозможностью обеспечения кредита по требованию банка (отсутствие залога, стабильных финансовых показателей и т.д.), в связи с чем необходимо развивать различные формы частно-государственной поддержки на основе опыта зарубежных стран.

З.Д.Ниёзов *– и.ф.н. доц.в.б., СамИСИ,*
А.М.Каримова *- PhD, доц.в.б. СамИСИ*

ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЯНГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада чакана банк хизматларининг муҳимлиги ва ривожланаетган иқтисодиетда уларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг фармонларига биноан, ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари куриб чиқилган. Бундан ташқари чиқарилган қарорлар асосида Самарқанд вилоятида барарилган ишлар бўйича таҳлиллар олиб борилган.

Калит сўзлар: банк, кредит, субсидия, чакана банк хизматлари, хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, томорқа, самарали дастур

Тижорат банклари фаолиятидаги асосий мезон мижозлар эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлиб, мунтазам банк хизматларини такомиллаштириб боришни талаб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда рақобат шароитда банкларнинг бош мақсади – мижозларини сақлаб қолиш ва кенгайтиришдан иборат. Бунинг учун банклар мижозларининг реал эҳтиёжларини қондиришга ва замонавий хизматларни тақдим этишга киришиши лозим.

Маълумки, чакана банк хизматлари ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, хусусан, асосий истеъмолчилар сифатида жисмоний шахслар майдонга чиқади, операциялар ҳажми кичик бўлсада, корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга нисбатан харажатлар юқорироқ бўлади, чунки корпоратив мижозларнинг ходимлари ҳам бир вақтнинг ўзида банкнинг чакана банк хизматларидан фойдаланади ва ўзининг шахсий талабларини қондириш учун банкнинг чакана банк хизматларидан кенг фойдаланиши мумкин бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш» туғрисидаги Қарорига биноан банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини кенгайтириш тавсия этилган. Бундай имкониятлардан фойдаланишни қулай механизми эса махаллабай ишлаш тизимини йўлга қўйилишини амалга оширишда банкларнинг вазифалари муҳим бўлиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Призидентининг “Махаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқаритиш бўйича давлат сиёсатининг уствор йўналишлари тўғрисида”ги фармонига биноан, ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

- маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;
- маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш;
- доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;
- маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

- маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш;
- маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;
- аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда кўмаклашиш;
- маҳалладаги бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш”.

Янги тизимни йўлга қўйиш 2021 йил декабрдан жойларда хоким ёрдамчилигига номзодлар рўйхати тузилиб улар билан ўқишлар, амалий ишлар, махаллалардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда, мақсад ва вазифалар белгиланди.

Жумдадан, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2022 йил 11 январдаги фармоишига кўра 1120та махалла фуқаролар йиғинларида ишга қабул қилинган 1120 нафар ёрдамчиларнинг 241 нафари шу пайтгача рахбарлик лавозимида, 135 нафари ўринбосар сифатида 741 нафари бўлим мудири, бош мутахасис бўлиб фаолият олиб борган мутахасислардан иборат тизим яратилди.

Шунингдек улар орасида 166 нафари тадбиркор, 39 нафари хотин-қизлар махаллаларда ишни бошлаган.

Ҳоким ёрдамчилигига тайинланган шахсларнинг аксарияти банк молия иқтисод сохаси вакиллари бўлиб уларнинг аввалги иш жойидаги лавозимни икки йилгача муддатда сақлаб қолинади ва бу даврда ушбу лавозимга бошқа шахслар муддатли мехнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилинган.

2022 йилда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи иш билан банд қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича ажратиладиган 196 млрд., 953 млн. сўм субсидияларнинг мақсадли параметрлар бўйича махалла кесимида тақсимлаганда ҳар бир махалла учун 175,8 млн.сўм субсидиялар орқали қанчадан - қанча янги иш бандлиги, махсулот ишлаб чиқариш, даромад олишнинг янги манбаи яратилади.

Камбағалликни қисқартиришда маҳаллабай ишлашнинг устворлиги шундаки, оилавий тадбиркорликнин ривожлантириш учун ажратилаётган моддий ёрдам, субсидиялар, имтиёзли кредитлардан мақсадли ва нисбаттан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Маҳаллабай тизимда уйма-уй юрган холда адолатли ёндашувли тизим доимий иш билан банд бўлмаган фуқаролар, улардаги мавжуд кўникма, билим ва маҳоратни рўйобга чиқаришнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланади.

Бугунги кундадаги маҳаллалардаги оилавий ажримлар сони кўп ёки камлиги ҳам маҳаллабай фаолият ва жамоатчилик назоратини нечоғлик йўлга қўйилганлигини билдиради, бу ҳолат уйма - уй юриб, бундай оилаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати, келишмовчиликлар сабабларини яқиндан ўрганиш имкониятини оширади.

Маҳаллаларда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари ўзаро мулоқот қилиши, фикр алмаши имкониятига эга эканлиги, ишларни ўзаро мувофиқлаштириш орқали ташкил этилиши, бу йўналишда синовдан ўтган самарали дастур ишлаб чиқиш имконияти вужудга келади ва кутилмаган ижобий натижаларни эришишига олиб келади.

Ф.М. Даминов *- СамИСИ, катта ўқитувчи*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ: АМАЛИЙ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур ишда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни ташкил этиш борасидаги стратегик муаммолар таҳлил этилган

Калит сўзлар: интеграция, тизимли фикрлаш, олий таълим, тижорат банклари, стратегик муаммолар

Аннотация: в данной работе проанализировано стратегические проблемы интеграции высшего образования и субъектов экономики

Ключевые слова: интеграция, системное мышление, высшее образование, коммерческие банки, стратегические проблемы

Фикримизча, замонавий шароитда интеграцион жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини аниқлашда бир қатор хусусиятлар эътиборга олиниши лозим. Хусусан, 2021 йилги Бутунжаҳон иқтисодий форуми олдидан профессор К.Шваб ва Т.Маллерет томонидан тайёрланган “COVID-19: The Great Rese” номли китобида қайд қилинишича: “...иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳадаги ўзаро тобеълик муҳим концептуал самарага эга: у “тизимли фикрлаш” қобилиятини биринчи ўринга чиқаради. Чунки якуний аҳамиятга бўлгани тизимли алоқадорликдир, исталган муаммони бошқа муаммо ва рисклар ажратилган ҳолда уларнинг ечимини топиш ёки баҳолаш бирор маънога эга эмас ва фойдасиз”. “Тизимли фикрлаш”нинг зарурлиги иқтисодчилар томонидан 2008 йилдаги кредит инқирозини... олдиндан кўра билмаганлиги билан асосланади. Албатта, аксарият экспертлар якунда тадқиқотларнинг тор соҳаларига ихтисослашиб боради. Шунинг учун улар воқеъликни тўлиқ кўриш имкониятини берувчи кўплаб нуқталарнинг бирлаштириш жараёнларига эътиборни жамлай олмайдилар. Бу эса қарорларни қабул қилувчилар учун ниҳоятда муҳим муаммоли масала”.

“Давосс манифести 2020: тўртинчи саноат инқилобида компаниянинг универсал мақсади” номли ҳужжатда қайд этилишича: “Компания ўз фаолиятида жамиятга хизмат қилади, ўзи ишлаётган ҳамжамиятларни қўллаб-қувватлайди ва солиқларнинг адолатли қисмини тўлайди. Бу маълумотларни хавфсиз, этик нормаларга риоя қилган ҳолда самарали ишлатилишини таъминлайди. У келажак авлод учун атроф муҳит ва моддий табиатнинг бошқарувчиси сифатида фаолият юритади. У бизнинг биосферани ҳимоя қилади ва ўзаро ҳамкорликдаги, ўз-ўзини тикловчи, циркуляр иқтисодиётни қўллаб-қувватлайди. У инсонлар ҳаёти фароворлигини таъминлаш учун

билимлар доирасини кенгайтириб, инновациялар ва технологияларни тўхтовсиз ривожлантириб боради”.

Т.Седлачек ўзининг “Яхшилик ва ёмонлик иқтисодиёти” номли китобидақайд этишича, “доимий (иқтисодий) ўсиш замонавий функционал жамиятнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди. Интенсификация бугунги кунда оддий воқеъликка айланган. Гарчи бир неча чораклар давомида ЯИМ кўрсаткичи кўпаймаса, буни биз аномал ҳолат деб ҳисоблаймиз...”. Ўз мулоҳазаларини давом эттирган ҳолда, “ЯИМнинг ўсиши тўғрисидаги баҳслар одатда бирор маънога эга бўлмайди. Ҳақиқатда унга (ЯИМ ҳажмига) қарз (фискал сиёсат, бюджет дефицити ва профицити) ёки фоиз ставкаси (монетар сиёсат) ёрдамида таъсир ўтказиш жуда оддий тадбир. ЯИМнинг ўсиш суръатларига нисбатан бюджет дефицит суръатларининг ўсиши бир неча бор катта бўлган ҳолатда ЯИМ тўғрисидаги статистик маълумотлардан қандай маъно бор? Қарз гирдобига чўкиш ҳисобига олинган бойликни ўлчашдан маъно нима?”[27]

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Д.Норт томонидан қайд этилишича, “Бошқа иқтисодий шароитлар, бошқа норасмий меъёрлар ва ҳаракатга келтирувчи омилларга учун мос келувчи қонунларни қабул қилувчи мамлакатлар, ушбу қонунлар кучириб олинган мамлакатларга нисбатан бошқа ривожланиш йўналишларига эга бўлишади. Ғарб бозорларининг сиёсий ва иқтисодий қонунларини собиқ СССР республикалари шароитига ўтказиш, уларнинг муваффақиятли фаолият юритишини таъминлаб бермайди, уларда ўтказилаётган хусусийлаштириш иқтисодий муаммоларни бартараф этиш воситаси ҳисобланмайди”. Шунингдек, маълум мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлик сабабларини таҳлил этган ҳолда, “...бундай ҳолатда сиёсий ва иқтисодий раҳбарият бир қатор имкониятларга эга, аммо уларнинг аксарият қисми... жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган моддий бойликларда ўз ифодасини топмайди” деб таъкидлаб ўтган[28].

Шаклланаётган трансформацион жараёнларда таълим соҳасининг янги иштирокчилари пайдо бўлмоқдаки, исталган кўринишдаги таҳлилда диққат эътибор марказида бўлиши лозим[29]. Ушбу иштирокчиларни бир мамлакатнинг вакиллари деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки таклиф этилаётган махсулотлар жаҳондаги барча олий таълим муассасалари томонидан қўлланилиши мумкин. Хусусан, улар жумласига таълим онлайн платформаларини яратувчи

[27] Седлачек Т. Экономика добра и зла. В поисках смысла экономики от Гильгамеша до Уолл-стрит. - М.: АД Маргинем Пресс, 2016. – 544 с.

[28] Д.Норт. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. Пер. с англ.А.Н. Нестеренко; предисл. и науч. ред. Б.З. Мильнера. - М.: Фонд экономической книги.Начала., 1997. -с. 25.

[29] Образование для сложного общества https://drive.google.com/file/d/0B9ZvF6mQ5FMbSTFKVmhodU5rNTNiTXpUZ2QwZktiR0pzSmJR/view

компаниялар (Open EdX), глобал ижтимоий ҳаракатлар (ижтимоий тадбиркорликнинг инновацион усулларини тарғиб қилувчи Ashoka Foundation), глобал технологик компаниялар (Google, Microsoft, Intel ва бошқалар), етакчи университетлар (Массачуес технология институти, Берклидаги Калифорния университети, Кембриж университети, Сингапур миллий университети)ни киритиш мумкин. Мазкур иштирокчилар жаҳондаги таълим тизимларига ўз таъсири доирасини кенгайтириб бормоқда.

Амалга оширилган таҳлил асосида қайд этиш мумкинки, олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш моделларининг ўзгариши (хусусан, Университет 3.0 модели) бизнес субъектлари, давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни талаб қилади. Демак, олий таълим муассасалари ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, таълим ва илмий тадқиқотларни амалга оширишда айнан шу интеграцион алоқаларнинг жорий ва истиқболдаги ҳолатини эътиборга олишлари лозим бўлади. Аммо таълим жараёни ёки илмий тадқиқотларни олиб боришда аниқ белгиланган ихтисослик йўналиши, шунингдек, эмпирик ва шу турдаги бошқа ретроспектив тадқиқот усулларга таяниш, уларнинг сифат даражасини пасайиши билан бир қаторда буюртмачиларнинг узоқ муддатли талабларига мос келмаслигига олиб келади. Хусусан, Давос шаҳрида ўтказилган бутун жаҳон иқтисодий форуми экспертлари замонавий шароитда деярли барча олий таълим муассасалари фаолиятига хос бўлган асосий муаммоларни қуйидагича талқин этишган: “...замонавий олий таълим тизими талабаларга аниқ ихтисосликни беришга йўналтирилган, аммо бугунги кунда янги бозор ва креатив иқтисодиётга тезкор мослашиш имкониятини берадиган “универсал” ихтисосликка эга бўлган мутахасисларга бўлган талаб юзага келган ва мазкур талаб сўнгги йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясини намоён қилмоқда”[30]

[30] https://business-swiss.ch/2018/01/ve-f-2018-davos/ маълумотлари асосида

II ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация: мақолада тараққиёт стратегиясини таъминлашда инвестициялар-нинг ўрни ва роли очиб берилган. Бунда инвестициянинг турлари, асосий 4 та йўналишлари (микроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт, макроиқтисодиё, глобал иқтисодиёт) қараб чиқилган ва буларнинг йўналишлари назарий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестиция, хусусий инвестиция, стратегия, тараққиёт стратегияси,Давлат хусусий шериклик инвестицияси, инвестиция дастури.

Аннотация: В статье раскрывается роль и место инвестиций в обеспечении стратегии развития. Рассмотрены виды инвестиций, 4 основных направления (микроэкономика, мезоэкономика, макроэкономика, глобальная экономика) и данные направления обоснованы теоретически.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, частные инвестиции, стратегия, стратегия развития, инвестиции государственно-частного партнерства, инвестиционная программа.

Abstract: The article reveals the role and place of investments in providing the development strategy. The types of investments, 4 main directions (microeconomics, mesoeconomics, macroeconomics, global economy) are considered, and these directions are theoretically substantiated.

Keywords: investments, foreign investments, private investments, strategy, development strategy, public-private partnership investments, investment program.

Мамлакатимизда инвестициялар учун қулай ва жозибадор шароит яратишга қаратилган амалий ишларимизни янада жадаллаштириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Улардан бири 2022 йилда 24 март куни биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ўтказилиши бўлди.Ушбу форумда мамлакатимиз Президенти нутқ сўзлаб, мамлакатимиз бозорига

инвестицияларнинг кириши ва эркин фаолият юритиши учун қулай шароит яратилганлигини исботлаб беришди. Натижада “иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробарга ошиб, охирги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 млрд. долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратишга муносиб ҳисса қўшди”[31]. Чунки мамлакатимизда ҳар йили 550-600 мингта ёш йигит қизлар меҳнат бозорига янгидан кириб келмоқда. Буларни иш билан таъминлаш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Шу туфайли ушбу масала мамлакатимиз ҳаётида муҳим тадбир сифатида сақланиб қолади.

Маълумки мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси қабул қилинган. Ушбу стратегиянинг асосий йўналишлари таркибида инвестицияларни жалб қилиш ва шу орқали мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш масаласи ҳам турибди. Шу туфайли “кейинги 5 йил ичида ялпи ички маҳсулотни 100 млрд. долларга, йиллик экспорт ҳажмини 30 млрд. долларга, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга етказиш кўзда тутилган”[32]лигини алоҳида таъкидлади. Ушбу кўрсаткичларга мамлакатимизда инвесторларга энг қулай ва жозибадор шароитларни яратиш, хорижий ҳамкор ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шерикликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш орқали эришиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Чунки заминимиз кўп асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган юрт эканлиги бошқаларга ишонч ҳосил қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, оширги пайтларда инвестиция масаласи мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Бу кун тартибидан доимий равишда тушмайдиган масалалардан бири сифатида давом этади. Ушбу ҳолат мазкур масаланинг назарий жиҳатларини ҳам тадқиқ қилишни тақозо филади. Шу туфайли, ушбу масаланинг назарий ечимига ҳам алоҳида эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Инвестиция (лот. investio — ўраш) деган маънони англатади. Замонавий ҳолатда инвестиция бирор соҳага капитал қўйиш тушунилади. Бу борада жуда кўплаб фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Буларга алоҳида тўхталмасдан ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан чекланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буни тўғри англаш учун биринчи галда инвестициянинг таърифини келтириш ўринли, деб

[31]Мирзиёев Ш.М. Инвесторлар учун қулай ва жозибадор шароит яратишга қаратилган амалий ишларимизни янада жадаллаштирамиз.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2022 йил 25 март. 60-сон. 1-3 бетлар.

[32] Ўша жойда. – 3-бет.

ҳисоблаймиз. **Инвестиция деганда, иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий ҳаётни яхшилаш мақсадида ўз мамлакатида ёки чет элларда турли соҳа ва тармокларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновацион тараққиёт-ни таъминлашга, тадбиркорлик ва бошқа стратегик лойиҳаларига узок, ўрта ва қисқа муддатли капитал киритиш (қўйиш) тушунилади.** Инвестиция лойиҳаларига маблағ қўювчилар, яъни инвесторлар давлат, компания, корхона, чет эллик фуқаролар, аҳоли ва бошқалар бўлиши мумкин. Буларни умуман олганда тўрт гуруҳга бўлиш ўринли (1-жадвал).

1-жадвал

Инвестициянинг турлари ва уларнинг изоҳи

Т/р	Инвестиция-ларнинг турлари	Инвестицияларнинг изоҳи
1.	Давлат инвестицияси	Ушбу инвестициядавлат бюджети ва молия манбалари ҳисобидан киритилади
2.	Хорижий инвестиция	хорижий давлатлар, банклар, компаниялар, тад-биркорлар томонидан киритилади
3.	Хусусий инвестиция	хусусий, корпоратив хўжалик ва ташкилотлар, фукаролар маблағлари, шу жумладан, шахсий ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қўйилади
4.	Давлат хусу-сий шериклик инвестицияси	Битта объект ёки дастурга бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам хусусий мулкка асосланган субъектлар томонидан қўйиладиган инвестициялар киради.

Инвестициянинг асл мақсади инвестор учун келажакда наф олишни кўзда тутган бўлади.Инвестициянинг ҳаракати макон ва замон билан боғлиқ. Уни бирорта маконга қўйилади ва замон ўтиши билан у инвесторга фойда келтиради. Демак, Инвестиция капитални муайян муддатга банд қилиб, фойдага эришишни билдиради. Иқтисодий мазмуни жиҳатдан инвестиция соҳиби нуқтаи назаридан капитал. Бу турли фаолиятларга сафарбар этиладиган моддий ва номоддий бойликлардан иборат. Буларга пул маблағлари, қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, вексель каби), ер, бино, иншоот каби бойликлар киради. Ҳозирги пайтда интеллектуал мулк бўлган илмий кашфиётлар, ихтиролар ва бошқалар ҳам инвестиция сифатида ишлатилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инвестициялар кимнинг қўйишига қараб улар тўртта (шартли равишда) даражага бўлинар экан. Ҳар бир даражада инвестицияларни кимлар қўйишига қараб гуруҳларга бўлинади.

Инвестициянинг вақт (замон)га боғлиқ қиймати назариясига кўра улар турли маконга йўналтиради. Бундан асосий мақсад капитал қийматини саклаб қолиш ёки бўлмаса капитал қийматини вақт мобайнида ўстириб боришддан иборатдир. Бунинг биринчи йўналиши қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг шакллари қуйидагилардан иборат: якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ), хусусий корхоналар (ХК), акциядорлик жамиятлари (АЖ), масъулияти чекланган жамия (МЧЖ), қўшимча масъулиятли жамият (ҚМЖ).



1-расм.Микроиқтисодиёт даражасида фаолият кўрсатадиган субъектларга қўйилади

Булардан ташқари ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳам турли йўналишларда (67 та) фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз фаолиятини юритишда бошлангич бадали – инвестиция бўлади. Инвестициясиз фаолиятни бошлаш ҳам, давом эттириш ҳам, уни ривожлантириб, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳам мумкин эмас. Шу жиҳатдан инвестиция иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи дейиш мумкин.

Инвестициянинг иккинчи мезоиқтисодиёт билан боғлиқ йўналиши қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).



2-расм.Вилоят миқёсидаги давлат ва давлат хусусий шериклик асосида фаолият кўрсатадиган субъектларга қўйилади

Инвестициянинг мезоиқтисодиёт даражасига, яъни вилоят миқёсидаги давлат ва давлат шериклиги асосида фаолият кўрсатадиган субъектларга қўйиладиган қисми бевосита маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда вилоят аҳамиятига эга бўлган инфратузилмаларни (йўллар, бино ва иншоатларни қурилиши, электр энергаяси, газ, сув таъминотини амалга ошириш кабилар) қурилиш ва жиҳозлар ваускуналарни

тегишли тарзда олиб келиб ўрнатиш кабилардан иборат. Айрим объектлар давлатнинг хусусий шериклиги асосида амалга оширилади. Бу ҳам объектив заруриятдан келиб чиқади. Чунки бирорта бўш бино давлат рўйхатида бўлиши мумкин. Бироқ ундан самарали фойдаланиш учун тадбиркор бўлгани маъқул. Айнан шу ҳолатда давлат хусусий шериклик асосида фаолиятни йўлга қўяди. Ер, бино, инфратузилмалар давлатники, ундаги жиҳозлар ва уни ишлатиш тадбиркорнинг ихтиёрида бўлади.

Инвестициянинг учинчи, макроиқтисодиёт даражаси билан боғлиқ йўналиши қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм.Мамлакат миқёсидаги давлат ва давлат хусусий (хорижий) шериклик асосида фаолият кўрсатадиган субъектларга қўйилади

Ҳозирги пайтда жаҳон тажрибасида инвестицияни молиялаштириш турли усул ва шаклларда олиб борилади. Бу биздаги шаклланган тартибдан кескин фарқ қилмайди. Уларда ҳам биздагидек, корхоналарга акцияларни жойлаштириш орқали уларни акциядорлаштириш, бюджет маблағлари, банк кредитлари, лизинг, бевосита чет эл инвестициялари, ипотека, бюджетдан ташқари махсус фондлар, амортизация ва хўжалик юритиш субъектларининг бошқа маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Аммо биздаги сингари уларда инвестициявий рисклар камроқ, деган хулосага келинган. Чунки ривожланаётган мамлакатларда инвестициявий рисклар анча катта бўлиши мумкин экан.

Инвестициянинг тўртинчи, глобал иқтисодиёт билан боғлиқ йўналиши қуйидаги расмда келтирилган (4-расм).



4-расм.Глобал иқтисодиёт даражасида турли хорижий давлатларга қўйиладиган инвестициялар

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиш даврида республика иқтисодиётида тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишда инвестициядан самарали фойдаланиб келинган эди. Бу жараённинг давом этиши таббий. Аммо қандай тезликда амалга ошириш лозимлиги, бироз

муаммо. Чунки Ўзбекистон Республикасида 1996 йилдан бошлаб республика ҳукумати ҳар йили давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитлари, чет эл инвестициялари ва ҳукумат кафолати билан олинган кредитлар ҳисобига аниқ қурилишлар дастурини ишлаб чиқиб, унинг бажарилишини таъминлаб келмоқда. Шунингдек, бевосита чет эл Инвестиция ва кредитлари ҳисобига қурилишлар дастуридан иборат бўлган Давлат Инвестиция дастури ҳам қабул қилиниб келинмоқда. Муҳими, мамлакатимиз ҳозирги кунларда иқтисодиётига Инвестиция киритишда давлат бюджети маблағлари, чет эл инвестициялари, корхоналарнинг ўз маблағлари ва аҳоли жамғармалари қатнашмоқда. Мамлакат аҳолисининг қимматли қоғозларга жамоавий Инвестицияни амалга оширадиган хусусийлаштириш инвестиция фандлари (ХИФ) ва компаниялари тармоғи ривож топиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инвесторлар учун қулай ва жозибадор шароитлар яратиш, хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шерикликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бошланган ва бу келажакда ҳам давом эттирилади. Чунки, мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда бошқа тадбирлар билан бирга катта ҳажмда инвестицияларни ҳам жалб қилишни тақозо қилади.

Тухлиев Искандар Суюнович –
СамИСИ профессори, и.ф.д.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДАЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Ўзбекистон туризм соҳаси инвестицион тизимининг молиявий таркиби, туристик хизматлар ижрочиларини имтиёзли ставкалар бўйича кредитлаш ва туризм соҳасида инвестицион хатардан суғурталаш ва қайта суғурталаш фондларини яратиш тавсия қилинган.

Калит сўзлар:туризм соҳаси инвестицион тизими, давлат бюджети маблағлари, ташқи молиявий манбалар, лизинг операциялари, солиқ имтиёзлари, субсидия ажратиш.

Аннотация: В статье рекомендуется финансовая структура инвестиционной системы туризма Узбекистана в условиях перехода к

цифровой экономике, кредитование поставщиков туристических услуг по льготным ставкам и соз-дание фондов инвестиционного риска и перестрахования в туризме.

Ключевые слова: инвестиционная система в сфере туризма, средства государственного бюджета, внешние источники финансирования, лизинговые операции, налоговые льготы, субсидии.

Abstract: The article recommends the financial structure of the tourism investment system of Uzbekistan in the context of the transition to a digital economy, lending to tourism service providers at preferential rates and creating investment risk and reinsurance funds in tourism.

Keywords: investment system in the field of tourism, state budget funds, external sources of financing, leasing operations, tax incentives, subsidies.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиянинг “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш”га бағишланган 3 нчи устувор йўналишида[33]“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш вазифаси белгиланган.Ушбу вазифаларнинг бажарилиши туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва инвестицияларни жалб қилишни тақозо этмоқда.

Туризм хизматлар бозорини такомиллаштиришнинг иқтисодий механизми жамоа, гуруҳлар ва хусусий манфаатларни мувозанатлаштириш, туристик маҳсулот бозорининг функциясини бажариш ва унинг ривожланишини таъминлайдиган хўжалик юритиш шакллари ва усулларининг иқтисодий жараёнлар мажмуини яратишдан иборат. Ўзбекистон туризм соҳаси инвестицион тизимининг молиявий таркиби ички манбаларнинг учта асосий гуруҳини қамраб олади, жумладан, давлат, қўшма ва хусусий манбалардир. Биринчи гуруҳга:

- мамлакат учун умумий ва давлат аҳамиятидаги объектлар рўйхатига киритилган туристик объектларни ривожлантиришга ажратилган давлат бюджети маблағлари;

[33]https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/2022-2026_yillarga_muljallangan _yangi_ uzbekistonning_taraqqiet_strategiyasi_tasdiqlandi

- минтақавий бюджетларнинг мақсадли маблағлари (вилоятлар, туманлар миқёсида) ва минтақалараро келишувга кўра ажратиладиган маблағлар;
- маҳаллий бюджетларнинг мақсадли маблағлари;
- туристик хизматлар соҳаси учун ишчи ва мутахассислар тайёрлашга ажратилган бандлик фондининг маблағлари.

Иккинчи гуруҳга ҳам давлат, ҳам хусусий маблағлар кириб, улар асосида тегишли фондлар шаклланиши мумкин. Ушбу фондларга йўналтирувчи маблағлар манбаи давлат бюджети маблағлари ҳамда туристик ташкилотлар ва корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобланади. Манбаларнинг учинчи гуруҳини туризмни ривожлантириш учун фирмаларга ажратиладиган, банк ссудалари, бизнесменлар ва тадбиркорларнинг хусусий маблағлари ҳамда хусусий шахслар маблағлари ташкил этади.

Бундан ташқари, ташқи молиявий манбалар ҳам мавжуд бўлиб, булар қаторига минтақани иқтисодий ривожлантиришга ёрдам берувчи дастурларнинг бир қисми сифатида халқаро ташкилотлардан (БМТ, ЮНЕСКО, БТТ ва бошқалар); халқаро молиявий институтлардан (масалан, Ривожлантириш ва Тараққиёт Жаҳон Банки, Халқаро Банк ва ҳоказо), минтақавий ва махсус ташкилотлардан (мисол учун, тоғли ҳудудларни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар, Ислом Банки) ҳамда хусусий халқаро молиявий ташкилотлар ва тизимлардан ажратиладиган кредитлар киради.

Даромадни ошириш ва молиялаштириш усуллари муаммосини ҳал қилиш нафақат қонуний маблағни олиб чиқишни қисқартириш, балки "хуфёна" маблағнинг кўпайишини чегаралаш, тартибга солишнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Умуман, тадбиркор туризмга сарфланган маблағининг юқори даромадли бўлишини аниқ кўргачгина, уни молиялаштиришга ҳаракат қила бошлайди.

Кирувчи ва ички туризм бозорида фаолият кўрсатаётган республика турфирмаларини ҳамда туристик хизматлар ижрочиларини имтиёзли ставкалар бўйича кредитлашдан ташқари, республика аҳолисининг Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларига туристик саёҳатларга чиқиши учун имтиёзли кредит бериш имкониятини излаш лозим. Туризм хизматлар бозорини шакллантириш механизми сифатида туристик корхоналарни кредитлашнинг лизинг шаклини жорий қилиш маъқул.

Ўзбекистон турмаҳсулоти бозорида рақобатбардош бўлиш учун туристик автобуслар паркини, меҳмонхона, ресторанлар жиҳозларини янгилаш, соғломлаштириш муассасаларида энг янги жиҳозларни ўрнатиш зарур бўлмоқда. Албатта, бугунги кунда барча туристик фирмалар, санаторийлар ёки

меҳмонхоналаримиз ҳам бундай қиммат харидлар учун бир хилда молиявий имкониятларга эга эмаслар.

Ғарбда эса бу каби масалалар лизинг операциялари ёрдамида анча муваффақиятли амалга оширилади. Бошқа кредит шаклларидан лизингнинг афзалликлари шундаки, лизинг олувчига тақдим этиладиган хизматларнинг кенг пакетини киритиш мумкин, масалан, транспорт хизматини ташкил этиш ва кредитлаш; лизинг объектларининг монтажи, техника хизмати ва суғурталаш; маслаҳат хизматлари (солиқ солиш, божхона жараёнлари); ташкилий, мувофиқлаштирувчи, алоқа хизматлари ва бошқалар.

Бундан ташқари, ижарачи келишувнинг мазмуни ва тузилишини аниқлашда бевосита иштирок этади, лизинг компанияси билан бирга кредитлашнинг асосий шартларини келишиб олади, жумладан, ижара муддати, ижара тўловининг миқдори ва даврийлиги каби масалаларни биргаликда хал қилади. Солиққа тортиш механизмини инобатга олсак, ҳозирги кунда туристик корхоналар давлат, вилоят ва маҳаллий бюджетлар орасида тақсимланадиган 20 дан ортиқ турдаги солиқ ва йиғимларнинг тўловчилари ҳисобланади. Бундай бюджетлар орасидаги тақсимланиш бугунги кунда минтақавий бошқарув ташкилотларнинг туристик корхоналар фаолиятини рағбатлантириш учун етарли миқдорда маблағ ажратишига имкон бермаяпти. Ички ва кирувчи туризм соҳасидаги корхоналар фаолиятини солиққа тортиш ҳақида республика қонунига имтиёзлар қабул қилиш зарур бўлмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қуйидаги солиқ имтиёзларининг мажмуи яратилиши лозим бўлмоқда:

- солиқ таътиллари – туристик корхонанинг солиқ тўлашдан маълум муддатга тўлиқ озод қилиниши;
- солиқ миқдорини камайтириш – тўлиқ белгиланган миқдор бўйича ҳисобланган солиқни тўлашдан имтиёзли ставкани қўллаш йўли билан қисман ёки тўлиқ озод қилиш;
- туристик транспорт ва жиҳозларининг тезлаштирилган амортизацияси, бу ўз навбатида, туристик корхоналарга даромад ва мол-мулкка солиқ солишда солиқ базасини камайтириш ҳамда жиҳозлар ва техникани янгилаш имконини беради;
- турмаҳсулотни сотишни ривожлантириш ва турмаҳсулотни сотишга кўмаклашувчи реклама ва бошқа тадбирларга фойдаси тегадиган солиққа тортилмайдиган фондлар яратиш.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли банк кредитининг қимматлиги ҳамда туристик корхоналар учун имтиёзли кредит олиш қийин бўлган шароитда, инвестицион лизингли фаолият бўйича имтиёзли солиқларни тиклаш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда лизинг предметидан фойдаланиш туфайли олинган

даромадни дастлабки икки йилга даромад солиғидан, лизинг шартномаларига кўра иш юритадиган ташкилотларни ҚҚС тўловидан озод қилиш мумкин.

Божхона назорати таъсири туризмнинг тадбиркорлик, автотуризм каби турларининг ривожланишини туристлар томонидан олиб кириладиган, олиб чиқиладиган товарларга бож тўловлари миқдорини камайтириш йўли билан рағбатлантиришдан иборат. Бугун Ўзбекистонда божхона тўловлари божхона чегарасидан ўтадиган шахслар, товарлар, транспорт воситалари ва бошқа предметларга ўрнатилган тартибда олинадиган бож пошлинаси, божхона тўловлари, ҚҚС, аксизлар, жами 11 турдаги тўловларни ташкил қилади.

Кирувчи туризмни рағбатлантириш мақсадида кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари аэропортларда "Duty Free" божсиз савдо дўконларини яратишмоқда, шахсий автотранспортда киришда туристлардан олинадиган бож тўловлари миқдорини камайтиришмоқда, мамлакатда харид қилинган туристик товарларга ҚҚСни божхонада қайтариб беришмоқда. Тарифга оид бошқарувнинг мақсади табиий маҳсулотлар, яъни газ, электр энергияси, авиация, темирйўл транспорти кабиларга тарифларни ўзгартиришдан иборат ва бу, ўз навбатида, республикадаги туристик корхоналар фаолиятини рағбатлантиради, натижада, бу туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг нархида ҳам ижобий акс этади.

Инвестициялаш жараёнида туризм соҳасидаги асосий тадбиркорлик хатарлари турлича кўринишга эга бўлиб, тижорат билан боғлиқ хатар бу бозорда туристик хизматларини сотиш, харидорнинг тўлов лаёқати, форс-мажор шарт-шароитлар хатарларини ўз ичига олади.

Молиявий кўринишга эга бўлган хатар, бу шартномани тузиш ва у бўйича аниқ ҳисоблашиш орасидаги даврда юз бериши мумкин бўлган валюта курсининг ўзгариши натижасида молиявий йўқотишлар эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, туристик корхона инвесторга берган молиявий мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида ҳамда турли туристик лойиҳаларга пул маблағларини сарфлашдаги хатолар натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳам хавфлидир. Туризм соҳасида инвестицион хатарларнинг олдини олишнинг давлат кафолатларини қуйидагича амалга ошириш мумкин: республика туристик корхоналарининг корпоратив қимматли қоғозлари эмиссиясининг бирламчи жойлашувини таъминлаш; республика мулкига тегишли бўлган мол-мулк билан хусусий ҳиссаси бўйича кафолатни таъминловчи гаров механизмини жорий қилиш; республика ихтиёрида бўлган туристик корхоналар аксиялари пакетининг кафолатли бошқарувчи инвесторларнинг ишончли (траст) бошқарувига топширилиши; туризм соҳасида инвестицион хатардан суғурталаш ва қайта суғурталаш фондларини яратиш; давлатнинг туристик корхоналарга кредит бериш жараёнида кафил сифатида катнашиши.

Тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти доирасида бажариладиган шахсий суғурталашнинг мақсади туристик корхона хизматчиларига маблағ тўлаш имконини яратиш, меҳнатга лаёқатини йўқотганида уларни моддий таъминлаш ҳамда уларга тиббий хизмат кўрсатишдаги харажатларни тўлаш кафолатини таъминлаш киради.

Турист ва унинг мол-мулкини суғурталашга, жумладан, ҳаёти ва соғлигини суғурталаш, бахциз ҳодисалардаги тиббий харажатлар, мол-мулкдан айрилиш, транспорт кечикиши, ёмон об-ҳаво, туристик хизматларни рисоладагидек бажарилмаганлиги ҳолатидаги тўловлардан ташқари, айрим сабабга кўра (ҳужжатларни, юкни йўқотиш), йўлланмада кўрсатилган вақтда "чиқиб кета олмаслик"дан суғурталаш жараёнларини ҳам қамраб олиши мумкин.

Сиёсий хатар, ҳарбий ҳаракатлар хавфи, террористик ҳодисалардан суғурталаш билан бутун дунёда, одатда, ихтисослашган давлат ташкилотлари ва агентликлари шуғулланишади, чунки тижорат билан боғлиқ суғуртачилар учун бундай масъулиятнинг имкони йўқ. АҚШда бу фаолият билан Экспорт-импорт банки, Буюк Британияда экспорт кредитлари кафолат Департаменти, Францияда ташқи савдони суғурталаш компанияси шуғулланади. Ўзбекистон суғуртачилари юқорида айтиб ўтилган хатарларни форс-мажор шарт-шароит ҳисоблаб, уларни суғурталамайдилар ва бу хориждан республикамизга кирувчи туристлар оқимининг камайишига сабаб бўлмоқда.

Бизнингча, тажриба сифатида "Ўзбекинвест" экспорт-импорт суғурталаш миллий компаниясида қайта суғурталаш орқали давлат иштирокида ушбу хатарларни суғурталашни амалга ошириш лозим бўлади.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида туризм тармоғига инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида инвесторларнинг меҳмонхона қурилиши учун сарфлаган маблағларини Давлат бюджетидан қоплаш тавсия қилинади. Субсидия ажратиш жараёни шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида меҳмонхоналарнинг сертификация жараёнига "KPMG Audit" ва "Ernst & Young" каби нуфузли халқаро компаниялар жалб этилиши мақсада мувофиқ.

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич –
СамИЭС, д.э.н., профессор

СТРЕССОВОЕ ТЕСТИРОВАНИЕ КАК ИННОВАЦИОННЫЙ ИНСТРУМЕНТ АНТИКРИЗИСНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Любая социально-экономическая система достигает успеха в своей деятельности, если она находится в состоянии последовательного и неуклонного развития. Опыт разных стран показывает, что инструментами такого развития служат инвестиции и инновации. Поскольку инновации являются обязательной составляющей прогрессивного выхода из кризиса, потребность в них во всех сферах экономической деятельности, и, прежде всего, в управлении, особенно остро ощущается в период депрессий и экономических спадов.

Банковская система любого государства является основным стержнем в развитии и успешном функционировании рыночной экономики и необходимой предпосылкой роста и стабильности экономики в целом. Функционирование и устойчивость банковской системы предопределяется устойчивостью отдельной кредитной организации - как ядра банковского сектора. Современный мировой финансово-экономический кризис наглядно продемонстрировал необходимость профилактики кризисных ситуаций и значимость антикризисного управления как комплекса мероприятий, направленных на недопущение несостоятельности кредитной организации в будущем.

В сложившихся обстоятельствах особую роль в превентивном антикризисном управлении играет такой инновационный инструмент управления как стрессовое тестирование. На сегодняшний день недостаточная разработанность теоретико-методической базы стрессового тестирования как на микроуровне (в отдельных кредитных организациях), так и на макроуровне (в масштабах банковского сектора в целом), может являться причиной снижения эффективности хозяйствования и приводить к ослаблению финансовой устойчивости.

Стрессовое тестирование способно стать основой для прогнозирования и обоснования способов решения насущных проблем развития банковской системы. В системе антикризисного управления кредитной организацией стресс-тестирование позволяет осуществлять прогнозную оценку финансовых результатов деятельности кредитной организации с учетом существенных изменений внешней среды, различные сценарии развития конкретных кредитных организаций.

Анализ опыта стрессового тестирования за рубежом и в Узбекистане показал, что его применение было формальным и недостаточно использовалось для повышения эффективности управления банковскими рисками, в том числе для информирования органов управления кредитных организаций и разработки (корректировки) стратегии развития кредитных организаций и банковской системы в целом. Неэффективность стрессового тестирования, прежде всего, из-за его недостаточной встроенности в систему управления кредитной организацией в целом и систему риск-менеджмента в частности подтверждается огромными убытками, которые кредитные организации понесли в результате мирового финансового кризиса 2008 года.

Современный финансово-экономический кризис показал необходимость устранения формального подхода к использованию методов стрессового тестирования, совершенствования его теоретико-методологических основ, инновированность его использования в качестве инструментария антикризисного управления и, как следствие, высокую потребность в обеспечении встроенности стрессового тестирования в систему управления кредитной организацией в целом. Стрессовое тестирование должно осуществляться непрерывно и с самого начала деятельности организации, не только на микроуровне, но и на макроуровне, в том числе для своевременной и обоснованной выработки плана адекватных действий по устранению негативных последствий концентрации банковских рисков.

Вместе с тем анализ показал, что непосредственно проблематике стрессового тестирования посвящено сравнительно малое количество монографий и статей, большинство авторов рассматривают инструментарий стрессового тестирования слишком узко. При этом тема стресс-тестов затрагивается в рамках или усиления банковского надзора, или изучения методики риск-менеджмента, но всегда фактически косвенно. Недостаточно проработаны и требуют дополнительного, более комплексного научного анализа само понимание сущности стрессового тестирования, а также методология и методика исследуемого инновационного 5 инструмента в системе принятия стратегических решений, направленных на поддержание устойчивости организации.

Целью исследования является решение научной задачи по совершенствованию механизмов антикризисного управления на основе разработки методического обеспечения организации стрессового тестирования как инновационного инструмента антикризисного управления.

Методологическую основу исследования составили работы отечественных и зарубежных деятелей науки в области инновационного развития организаций, внедрения инноваций, общей теории риск-менеджмента,

в частности антикризисного управления рисками и стрессового тестирования. Методология исследования базируется на единстве теории и практики. В рамках исследования были использованы методы ретроспективного, системного, факторного и гипотетического анализа рисков, а также сценарного и имитационного моделирования.

Детальное исследование опыта использования стрессового тестирования в банковской деятельности в Узбекистане и международной практике, выявление ключевых задач и проблем, возникающих при применении стресс-тестирования для мониторинга банковских рисков на микро- и макроуровне, изучение основных путей его совершенствования как инновационного инструмента антикризисного управления кредитной организацией позволяют сделать ряд выводов и сформулировать некоторые конкретные теоретические и практические предложения в соответствии со структурой научной работы.

Настоящая работа посвящена исследованию особенностей инноваций в управлении, изучению роли, сущности и места стрессового тестирования в системе антикризисного управления, формулировке задач и обоснованию основных принципов его функционирования как инновационного инструмента антикризисного управления, определению его необходимости.

Исследование инноваций в управлении, позволило выявить главную особенность инновации в антикризисном управлении, которая заключается в том, что она носит процессный характер (инновация-процесс).

Для выявления сущности объекта исследования уточнено определение стрессового тестирования. Стрессовое тестирование - это процесс, позволяющий регулярно осуществлять перспективный комплексный анализ чувствительности состояния организации к изменениям факторов риска, соответствующим экстремальным, по вероятностным событиям, с целью разработки превентивной антикризисной программы. Причем под организацией следует понимать не только кредитный институт, но и любую действующую организацию, хотя именно в банковском секторе, характеризующемся И исключительным многообразием операционных и финансовых рисков, стрессовое тестирование принимает специфику крайне многовариантного анализа.

В целях уточнения места стрессового тестирования в системе антикризисного управления исследована теория управления, на основе чего установлено, что управление в стабильных условиях и управление в кризисной ситуации, то есть антикризисное управление, являются взаимосвязанными поскольку: имеют общий объект и субъект управления; имеют общий набор методов, технологий и механизмов управления; часто совпадают во временном

аспекте; представляют собой не эпизодические, а постоянные, объективно обусловленные и необходимые действия.

Таким образом, любое управление включает в себя элементы антикризисного управления, и в зависимости от ситуации их объем может быть разным. При этом было выявлено, что в настоящее время неизмеримо возросла сложность экономических процессов, нестабильность, изменчивость организационно-экономической среды, вследствие чего управление стало характеризоваться повышенным объемом элементов антикризисного управления. Исходя из этого, целью управления банковской системой в современных экономических условиях целесообразно считать не столько развитие системы и повышение благосостояния нации, сколько обеспечение устойчивости системы, содействие экономической и социальной стабилизации и даже предотвращение краха всей банковской системы. В связи с этим управление в современной кредитной организации (элемент банковской системы) должно включать центральную функциональную подсистему антикризисного управления организацией, имеющую комплексный характер и направленную на предотвращение или устранение кризисных ситуаций, угрожающих существованию кредитной организации.

А также в научной работе исследуется российский и зарубежный опыт стрессового тестирования как аналитического инструмента антикризисного управления, прежде всего в отношении диагностики финансовой устойчивости на макроуровне и инструментария управления. Особое внимание уделено рассмотрению основных моделей и методов стрессовой тестирования по оценке банковских рисков, необходимых при обосновании управленческих (антикризисных) решений, а также выявлению и обоснованию их недостатков.

В работе предложены основные направления по совершенствованию стрессового тестирования, прежде всего, рекомендации по моделированию сценариев как основы стресс-тестов, а также разработана методика построения системы комплексного стрессового тестирования в кредитной организации.

Хамракулова О.Д. *- и.о. проф. кафедры*
«Инвестиции и инновации» СамИЭС

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ В ПОСТКОРОНАВИРУСНЫЙ ПЕРИОД В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: Развитие экономики Узбекистана в посткоронавирусный период проходит в условиях усиления рисков, а также проблем связанных с процессом либерализации экономики.

В работе на основе анализа направлений, проводимых в стране по восстановлению экономики, выделены и предложены рекомендации по улучшению инвестиционной привлекательности на среднесрочную перспективу.

Ключевые слова: национальная экономика, инвестиции, рыночный механизм хозяйствования, инвестиционная привлекательность, пандемия, посткоронавирусный период, инвестиционная сфера ,стратегия действий .

Annotatsiya: Koronavirusdan keyingi davrda O‘zbekiston iqtisodiyotining rivojlanishi ortib borayotgan xavf-xatarlar, shuningdek, iqtisodiyotni liberallashtirish jarayoni bilan bog‘liq muammolar sharoitida amalga oshirilmoqda.

Ishda mamlakatimizda iqtisodiyotni tiklash bo‘yicha amalga oshirilayotgan yo‘nalishlarni tahlil qilish asosida o‘rta muddatli istiqbolda investitsiya jozibadorligini oshirish bo‘yicha tavsiyalar belgilanib, taklif etildi.

Kalit so'zlar: milliy iqtisodiyot, investisiyalar, boshqaruvning bozor mexanizmi, investitsion jozibadorlik, pandemiya, koronavirusdan keyingi davr, investisiya sohasi, harakatlar strategiyasi.

Abstract: The development of the economy of Uzbekistan in the post-coronavirus period is taking place in the face of increased risks, as well as problems associated with the process of economic liberalization.

In the work, based on the analysis of the directions carried out in the country to restore the economy, recommendations were identified and proposed to improve investment attractiveness in the medium term.

Keywords: national economy, investments, market mechanism of management, investment attractiveness, pandemic, post-coronavirus period, investment sphere, action strategy

Дальнейшее развитие рыночной экономики в Узбекистане во многом связана с возникновением рисков и вызовов, вызванных пандемией кароновируса. В Узбекистане принята Стратегия развития Нового Узбекистана, в которой среди 7 приоритетных направлений выделена необходимость «…

ускоренного развития национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста». В этой связи, дальнейшее развитие экономики страны тесно связана с проблемами, связанные с расширением инвестиционной сферы, в частности, улучшением инвестиционной привлекательности в стране. Хотя в стране условия по привлечению инвестиций улучшаются, нельзя утверждать, что проблемы здесь решаются своевременно, причем учитывать необходимо последствия пандемии коронавируса, который пагубно продолжает влиять на мировую экономику.

Узбекская экономика пострадала в значительно меньшей степени, чем экономики большинства стран мира после пандемии коронавируса. В 2020 году экономики практически всех стран мира жестоко пострадали от коронавируса.

Пандемия также негативно отразилась на развитии экономики Узбекистана, но благодаря оперативно принимаемым правительственным мерам по ее поддержке, узбекская экономика пострадала в значительно меньшей степени, чем экономики большинства стран мира

Инвестиционный ландшафт после пандемии характеризуется снижением заинтересованности инвесторов в молодых рынках, что в свою очередь повышает риск хищнического отношения к стратегически важным активам, тем более с учетом роста долговой нагрузки. Сейчас, когда правительство приступило к реализации программы ускоренной приватизации, инвестиционная политика в Узбекистане должна защищать экономику от хищений и агрессивного поглощения важных активов.

Только жесткий инвестиционный режим и тщательная проверка инвесторов позволят привлечь необходимый объем ПИИ и гарантировать долгосрочный рост. Во-первых, требуется привести в исполнение новый закон и отменить оставшиеся отраслевые ограничения, чтобы удержать существующих инвесторов и обеспечить стабильное финансирование перспективных активов. Во- вторых, следует укреплять инвестиционный режим и повышать его прозрачность для привлечения новых инвесторов и создания устойчивой и безопасной инвестиционной среды. Важность этого возрастает в свете реализации правительством программы ускоренной приватизации.

Согласно прогнозам Всемирного банка, в 2021 году мировая экономика увеличится на 5,6% после спада в 2020 году на 3,5%. В странах Центральной Азии также прогнозируется рост — на 3,7% за год. Наибольший рост экономики прогнозируется у Узбекистана (+4,8%) и Таджикистана (+5,3%).

Как отмечают эксперты международных институциональных компаний, ключевым фактором восстановления экономики после кризиса в странах Центральной Азии является привлечение инвестиций.

Отмечается также, что в Узбекистане предпринимаются беспрецедентные меры по дальнейшему формированию благоприятного инвестиционного климата и повышению инвестиционной привлекательности, которые способствуют увеличению притока иностранных инвестиций. Эти меры позволили стране улучшить свою позицию в международном рейтинге по лёгкости ведения бизнеса Doing business: в 2020 году **Узбекистан поднялся на 7 позиций и занял 69-е место, что является одним из лучших показателей в регионе.**

В 2021 году было привлечено в общей сложности более 10 миллиардов долларов иностранных инвестиций, в том числе 8 миллиардов 100 миллионов долларов - прямых. В результате запущено 318 крупных и более 15 тысяч региональных проектов, создано свыше 273 тысяч рабочих мест. Эти предприятия способны обеспечить экспорт на 1 миллиард долларов и заместить импорт на 530 миллионов долларов. Конечно, пандемия коронавируса продолжает оказывать серьезное влияние на экономические процессы.

Несмотря на это, достигается динамичный рост экспорта. Так, если в 2020 году объем экспорта составил 9 миллиардов долларов, то в 2021 году составил 12 миллиардов долларов. Примечательно, что в его структуре значительно выросла доля готовой и полуготовой продукции. В 2022 году планируется привлечь прямые иностранные инвестиции в размере более 9,5 миллиарда долларов, запустить 282 крупных и более 9 тысяч региональных проектов, а также довести экспорт до 14 миллиардов долларов. При этом основное внимание уделяется вопросах развития промышленного производства и кооперации, расширению ассортимента продукции отечественных производителей, поддержке и стимулированию предпринимателей.

Abstract: This article covers the issues of the first application of International Financial Reporting Standards. The importance of implementation in accordance with national accounting standards is disclosed. The methods of the first application in our country have been studied. Recommendations and suggestions are given to accelerate the implementation of the standard "IFRS 1 - The first application of International Financial Reporting Standards"

Keywords: globalization, economics, accounting, international financial reporting standards, national accounting standards, transparency, comparability.

Глобализация и изменение рыночных отношений во всем мире интегрирует экономические отношения между странами. В нашей республике

идет масштабные изменения во всех сферах жизненной деятельности населения. Для достижения улучшения экономической стороны нашей страны привлекаются крупные инвестиции и осуществляются крупные проекты. Указ Президента республики Узбекистан, от 28.01.2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана 2022-2026 годы[53] направленных на кардинальное реформирование всех сфер жизни государства и общества, включает ускоренное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста.[54]

Важную роль в экономической сфере и для достижения глобальной рыночной экономики имеет бухгалтерский учёт. Всем нам известно о том, что крупные корпорации ведут свой учёт в соответствии международных стандартов финансовой отчётности.

Это во первых, обеспечит для инвесторов высококачественную информационную базу по финансовым показателям той или иной организации;

Во вторых, даст прозрачность для пользователей и сопоставимость со всеми другими представленными периодами;

В третьих, обеспечивает приемлемую отправную точку для бухгалтерского учета согласно Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS); и

В четвертых, затраты на подготовку которой не превышают выгод для пользователей.[55]

В целях обеспечения необходимой информационной среды для иностранных инвесторов и расширения возможностей доступа к международным финансовым рынкам путем ускоренного перехода на международные стандарты финансовой отчетности (далее - МСФО), принято постановление республики Узбекистан № 4611, от 24.02.2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности». Этот шаг, также ускорит внедрение МСФО в соответствии с Национальными стандартами бухгалтерского учёта (далее-НСБУ).

Ведение учёта и финансовой отчетности в соответствии МСФО, дает инвесторам понять будущие прогнозы и точные данные о доходах и расходах предприятий.

Первой финансовой отчетностью предприятия по МСФО (IFRS) является первая годовая финансовая отчетность, в которой предприятие принимает Международные стандарты финансовой отчетности (IFRS), четко и безоговорочно заявляя в такой финансовой отчетности о ее соответствии

[53] https://lex.uz/docs/5841077
[54] https://lex.uz/docs/5841077
[55] https://alfaseminar.ru/msfo-ifrs-1-pervoe-primenenie-m

МСФО (IFRS). Финансовая отчетность по МСФО (IFRS) является первой финансовой отчетностью предприятия по МСФО (IFRS), если, например, предприятие:

(a) представляло финансовую отчетность, за самый последний предшествующий период:

(i) согласно национальным требованиям, которые соответствуют Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS) не во всех отношениях;

(ii) в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности (IFRS) во всех отношениях, кроме того факта, что финансовая отчетность не содержала четкого и безоговорочного заявления о том, что она соответствует Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS);

(iii) содержащую четкое и безоговорочное заявление о том, что она соответствует некоторым, но не всем МСФО (IFRS);

(iv) согласно национальным требованиям, не соответствующим Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS) с использованием некоторых отдельных МСФО (IFRS) для учета статей, по которым не существовало национальных требований; или

(v) согласно национальным требованиям, с включением сверки некоторых сумм с суммами, определенными согласно Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS);

(b) подготовило финансовую отчетность согласно Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS) только для внутреннего пользования, не сделав ее доступной собственникам предприятия или любым другим внешним пользователям;

(c) подготовило пакет отчетности согласно Международным стандартам финансовой отчетности (IFRS) для целей консолидации без подготовки полного комплекта финансовой отчетности, как МСФО (IFRS) 1 определено в МСФО (IAS) 1 «Представление финансовой отчетности» (в редакции 2007 г.); или

(d) не представляло финансовую отчетность за предыдущие периоды.[56]

На основе наших вышеуказанных исследований можно сделать следующие выводы:

1.Сегодня перевод учета на требования международных стандартов - очень важный вопрос. При первом применение стандарта "МСФО (IFRS) 1 - Первое применение международных стандартов финансовой отчетности" важно учитывать стратегию каждого предприятия и изучить каждую экономическую информацию, так как «экономические ресурсы» и

[56] https://alfaseminar.ru/msfo-ifrs-1-pervoe-primenenie-m

определяются как право на получение экономических выгод. Важно сделать обзор обязательств предприятий, так как считаются «обязательными», и ни для одной компании практически невозможно избежать их выплаты. Определить будущий доход, основанным на изменениях в этих экономических ресурсах и обязательствах. Эти изменения должны быть внесены в нормативные акты нашей страны.

2.Для полного первого применения и ускоренного внедрения МСФО Положение о структуре затрат на сегодняшний день не отвечает требованиям, в которых наименования показателей не соответствуют концептуальным правилам. Внедрение МСФО поможет привести учет предприятий в соответствие с международными стандартами, повысить прозрачность финансовой отчетности. Это улучшит инвестиционный климат нашей страны, даст эффективный подход учёта на современном уровне и поможет инвесторам предоставлять информацию им понятном языке, а также повысит уровень доверия.

Худайбердиев У.Х. *– СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, и.ф.н.,*
Юлдашова Н.З. *– СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти*

СУҒУРТА РИВОЖЛАНИШИ ВА МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақолада суғурта хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва турлари баён қилинган; Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ҳолати, уни ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими ифода қилинган.

Калит сўзлар: суғурта моҳияти, мажбурий суғурта, ихтиёрий суғурта, мулк суғуртаси, шахсий суғурта.

Аннотация: в статье описаны сущность, значение и виды страховых услуг. высказываются состояние страховой услуги в Узбекистане, проблемы в ее развитии и пути их решения.

Ключевые слова: сущность страхования, обязательное страхование, добровольное страхование, имущественное страхование, личное страхование.

Abstract: the article describes the essence, importance and types of insurance services; the state of insurance services in Uzbekistan, problems in its development and their solutions are expressed.

Keywords: the essence of insurance, compulsory insurance, voluntary insurance, property insurance, personal insurance.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўзига хос бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлади. Халқ хўжалигини жуда кўпгина тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар хусусийлаштирилди, янгидан жуда кўп турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритувчи суъбектлар пайдо бўлди. Шу билан биргаликда Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари ривожланди. Агарда Республика ташқи савдо айланмаси 1991-йилда 2063.2 млн. АҚШ долларда бўлса, 2020-йилга келиб Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 36256,1 млн. АҚШ долларига етди яъни 17 баробардан кўпроққа кўпайди. Ўзбекистон аҳолиси эса 35,0 млн кишидан ортди. Ахолининг кўпайиши, иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсда ривожланиши мустақил Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ҳам ривожланишини тақозо қилди.

Суғурта соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади суғурта ҳодисалари содир бўлганда фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконига эга бўлган суғурта тизмини шакллантиришдан иборатдир.

Суғурта хизматлари хозирги пайтда суғурта бозорида амалга оширилиб, унда суғурталовчи, суғурталанувчи суғурта агентлари, суғурта брокерлари қатнашади. Суғурталовчи Ўзбекистонда белгиланган хуқуқий асосларга асосланиб тузилган махсус суғурта ташкилотлари (корхоналари, компаниялари ва шу кабилар) бўлиб, шу хизмат билан шуғуланиш бўйича лицензия олган бўлади. Суғурта ташкилотлари ўзларининг агентлари ёрдамида суғурталанувчилардан суғурта турлари бўйича суғурта бадали йиғиб, махсус суғурта жамғармаси (фонди) тузади ва уни ишлатади.

Суғурта шартномаси – икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузилган ёзма битим бўлиб, бир томон суғурта мукофотини тўлаш, иккинчи томон унинг ҳаётий ёки мулкий манфаатларига зарар етганда, зарарни қоплаб бериш мажбуриятларини олади.

Суғурта мукофоти (суғурта тўлови) – суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатда суғурталовчига (ташкилот фирма ва шукабиларга) тўлаши лозим бўлган суғурта хақидир.

Суғурта таърифи деганда суғурта суммаси пул бирлигига нисбатан фоизларда белгиланган ставка ҳисобланади. Суғурта полюси – деб суғурталовчининг суғурта қилдирувчи олдида жавобгарлиги бошланганлигини билдирувчи ҳужжат тушинилади.

Суғурталаш обектлари кўп бўлганлиги учун суғурталашни турли белгиларига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин. Суғуртанинг қандай ўтказилишига қараб, суғурта 2 шаклга ихтиёрий суғурталаш ва мажбурий суғурталашга бўлинади.

Ихтиёрий суғурталашда суғурталовчи ташкилот ва суғурталанувчи ўртасидаги суғурта шартномаси амалдаги қоидалар асосида ихтиёрий равишда амалга оширилади (тузилади).

Мажбурий суғурталашда суғурталанувчилар суғурта ташкилотлари билан суғурта шарномасини амалдаги қоидалар асосида мажбурий тузилади.

Мулк суғуртасида юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари турли табиий офатлардан (кучли шамол-бўрондан, сув тошқини-селдан, портлашдан, ер қимирлаш-зилзиладан, кучли ёмғир ёки қордан, яшин уришдан ва бошқалар), ўғирликлардан, транспорт воситаларини олиб қочишдан, сантехника тизимининг бузулишидан, бошқа шахслар томонидан қасддан етказилган мулкий зараларлардан кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта қилинади.

Шахсий суғуртада 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган лаёқтли (И-гуруҳ ногиронлари, алкоголик касаллиги бор беморлар ва шу кабилардан ташқари) аҳоли шу жумладан чет эл фуқаролари ҳам шахсий хаётларини турли бахтсиз ходисалардан суғурта қилади. Бунда бахтсиз ходисалар туфайли кўрилган зарар суғурталанувчига тегишли ҳужжатлар қоидага асосан тузилганда суғурталовчи томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Агарда бахтсиз ходиса шахснинг қастдан ёки атайлаб, спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда, наркотик моддалар истемол қилганлиги сабабли содир бўлса, бундай ҳолатларда суғурталанган шахсларга суғурта қопламаси тўланмайди, чунки бу ҳолатлар суғурталаш ҳолатлари ҳисобланмайди. Хаётни суғурта қилиш: умрбод суғурталаш (16 ёшдан то 80 ёшгача), вафот этишни суғурталаш ва аралаш суғурта бўлиши мумкин. Хозирги пайтда Ўзбекистонда 30 дан кўпроқ суғурта ташкилотлари бўлиб, уларнинг кўплари акционерлик жамиятлари ёки маъсулияти чекланган жамиятлари шаклида фаолият юритадилар (иловага қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта манфаатларини йиғиш бўйича маълумотларига кўра ижобий натижаларига эришган, суғурта жамғармаси ҳажми катта бўлган суғурта ташкилотлари қуйидагилардир: “Узагросуғурта” А.Ж., “Кафолат” Д.А.Ж., “Ўзбекинвест ” ДУК, “Алфа Инвест” А.Ж., “Алском” А.Ж., “Капитал суғурта” А.Ж., “Мадад” А.Ж., “Кафил суғурта” МЧЖ кабилардир. Бу суғурта ташкилотлари узоқ йиллардан бери мамлакат суғурта бозорида етакчилик қилиб келмоқдалар.

Бу суғурта компанияларининг вилоятлар ва туманларда филиаллари, бўлимлари ёки агентлари бўлиб, суғурталанувчиларга турли суғурта хизматларини амалга оширади.

Суғурта хизматларининг камчилик ва муаммолари ҳам мавжуд. Бу камчилик ва муаммолар қуйидагилардан иборат.

- Мамлакатимиз барча худудларида, айниқса чекка қишлоқ жойларида суғурта хизматлари тўғрисида аҳолининг етарли маълумотга эга эмаслиги;
- Суғурта хизматлари мазмуни ва унинг турларининг ОАВ ва бошқа воситалар орқали реклама қилинмаслиги;
- Суғурта бозоридаги талаб яхши ўрганилмаганлиги сабабли, суғуртанинг қайси турларига талаб юқорилигини билмаслик;
- Суғурта хизматларининг турлари бўйича аҳоли ва бошқа мижозларнинг хуқуқий саводхонлигининг пастлиги ва шу кабилар.

Бу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Суғурта моҳияти ва унинг турларини икки томонга ҳам фойдали эканлигини тушинтириш;
- ОАВ ва бошқа воситалар орқали суғурта хизматлари фаолиятини ёритиб бориш;
- Аҳолининг суғурта хизматларига бўлган ишончларини ошириш мақсадида суғурта қопламалари бўйича хужжатлаштиришни ва тўловни тезлаштириш;
- Суғурта хизматларини кўрсатишни чекка қишлоқларда ҳам ўтказишни таъминлаш ва шу кабилар.

Худайбердиев У.Х. *- СамИСИ, "Иқтисодий таҳлил ва статистика" кафедраси и.ф.н., доцент*
Юлдашова Н.З. *- СамИСИ, "Иқтисодий таҳлил ва статистика" кафедраси ассистенти*

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: мақолада суғурта ташкилотларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари кўрсатилган.

Калит сўзлар: суғурталанган объект, суғурта суммаси, суғурта қопламаси, суғурта тўловлари.

Аннотация: в статье показаны основные экономические показатели страховых компаний и методы их расчета.

Ключевые слова: объект страхования, страховая сумма, страховая защита, страховые выплаты.

Abstract:the article shows the main economic indicators of insurance companies and methods of their calculation.

Keywords: insured object, sum insured, insurance coverage, insurance payments.

Суғурта хизматлари дейилганда турли нохуш ходисалар оқибатида (табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, зилзила ва транспорт фалокатлари ва шу кабилар) йўқотиладиган зарарларни қоплаш учун мақсадли пул захираларни (фондларини) шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тушунилади. Инсонлар уз кундалик юмушларида ишга бориш ва ишдан қайтиш учун транспорт воситаларидан фойдаланадилар. Бундай турли транспорт воситаларидан фойдаланиш жараёнида бахтсиз ходисалар бўлмаслигига хеч ким кафолатлай олмайди. Шунинг учун ҳам кишилар бахтсиз ҳодисалар рўй берганда кўрилган зарарларни қоплаш учун ўз ҳаётларини суғурта қилдирадилар. Фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг, фуқароларнинг турли хил мол-мулклари мавжуд. Бу мол-мулкларга табиий офатлар (сув тошқини, зилзила) ёки ёнғин натижасида жуда катта зарар етказилиши мумкун. Бундай холларда кишилар яшайдиган жойидан, киядиган нарсалардан ажралиши мумкун. Бундай вазиятда инсонлар қийин иқтисодий ахволга тушиб қоладилар. Хўжалик юрутувчи субектларда (корхоналар, фирмалаларда)табиий офатлар рўй берганда катта иқтисодий зарар кўриб,фаолиятини давом эттираолмаслиги мумкун. Агарда бундай вазиятларда кишилар хаёти ва субектлар мол-мулки суғурталанган бўлса, суғурта ташкилотлари томонидан бу зарарлар олдиндан жамғарилган суғурта жамғармаси маблағидан қопланади. Қадимги Рим ва Юнонистонда шахсий суғурта пайдо бўлганлиги, ўрта денгиз орқали кемаларда ташиладиган юкларни суғурта қилинганлиги тўғрисида ёзилган. Суғурта хизматлари иқтисодий муносабатлар ривожланиб борган сари кенгайиб борган. Капиталистик муносабатлар ривожланиб, чет мамлакатларга товарлар сотиш кенгайганлиги сабабли, мулкларни суғурталаш зарурияти кўпайган.

Суғурта объектлари бўйича суғурталашни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

-Мулк суғуртаси – бунда суғурта обекти бўлиб, юридик (корхоналар, фирмалар) ва жисмоний (аҳоли) шахсларнинг турли хил мол-мулклари ҳисобланади;

-Шахсий суғурта – бунда суғурта объекти бўлиб, инсонларнинг хаёти, соғлиғи мехнат қобилияти кабилар ҳисобланади;

-Жавобгарлик суғуртаси - бунда суғурта объекти бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг турли мажбуриятларни бажаришдаги жавовгарлиги тушунилади;

-Тадбиркорлик бўйича хавф-хатар суғуртаси : тадбиркорларнинг ҳар-хил хавф хатар натижасида кўрган зарарларини қоплашда қўлланади.

Суғурта ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

А) Мутлоқ миқдорларда ифодаланувчи кўрсаткичлар:

1.Суғурталанган объектлар сони (суғурталаш бўйича тузилган шартномалар сони) – ҳисобот даврида суғурталаш бўйича тузилган шартномаларнинг ҳаққиқий миқдори (сони) билан ифодаланади. Бу кўрсаткичларни ***Н*** – билан белгилаш қабул қилинган (бундан кейин белгилар қавс ичида кўрсатилади);

2.Суғурта суммаси ҳисобот даврида тузилган суғурта суммаларининг йиғиндиси (***С***);

3.Талофат (зарар) кўрган объектлар сони – суғурталаш ҳолатлари бўйича зарар (талофат) кўрган объектлар сони (**н);**

4.Талофат (зарар) кўрган объектларнинг суғурта суммаси (***Сн***);

5.Келиб тушган (олинган) суғурта тўловлари (***В***) – ҳисобот даврида барча суғурталанган объектлардан олинган суғурта бадаллари;

6.Суғурта бўйича тўланган қопламалар (***В***) – бу суғурталаш ҳолати юз берганда суғурталанувчига кўрилган зарарни (мулкдан, ҳаётдан) қоплаш учун тўланган сумма;

7.Суғурта ташкилотининг суғурталашдан олинган ялпи даромади (Δ) - суғурталанувчилардан олинган суғурта бадали суммаси (***В***) билан суғурталанувчига тўланган суғурта суммаси (***В***) ўртасидаги фарқ.

Б) Нисбий миқдорларда ифодаланувчи кўрсаткичлар:

1.Суғурталаш мумкин бўлган (***Нмах***) объектларнинг суғурта билан қамраб олингани – бунда суғурта қилинган шартномалар сонини (***Н***) максимал суғурталаш мумкин бўлган объектлар сонига бўлиб топилади. Фоизда ифодаланса 100 га кўпайтирилади (***д***);

2.Суғурта тўловлари тўлаш бўлган ҳолатлар сони (***дк***) – бу кўрсаткич ҳар бир 100 суғурта қилинган объектга қанча суғурта тўловлари тўлаш зарур бўлган ҳолатлар бўлишини билдиради ва суғурта тўловлари бўлган ҳолатлар сонини (***н***) суғурталанган объектлар сонига (***Н***) бўлиб, 100 га кўпайтирамиз;

3.Суғурта тўловларининг даражаси (***ККТ***) – бу кўрсаткич суғурталанувчиларга суғурта ташкилоти томонидан тўланган суммани (***В***), суғурталанувчилардан олинган суғурта бадали суммасига (***В***) бўлиб топилади;

Бу кўрсаткич бирдан кичик бўлса, (***ККТ <1***), суғурта ташкилоти учун ижобий ҳисобланади.

В) Ўртача миқдорларда ифодаланувчи кўрсаткичлар:

1.Суғурталанган мулкнинг ўртача қиймати – суғурталанган мулклар қийматларининг йиғиндисини $(\sum S_m)$ суғурталанган объектлар сонига (***НМ***) бўлиб топилади:

2.Суғурта бадалларининг ўртача суммаси $(\bar{v})$ - бу кўрсаткич суғурталанувчилардан олинган суғурта бадаллари суммаси йиғиндисини $(\sum V)$ суғурталанган объектлар (тузилган шартномалар) сонига (***Н***) бўлиб топилади:

3.Суғурта бўйича қопламаларнинг (тўланган суммаларнинг) ўртача суммаси $(\overline{W})$ - бу кўрсаткич суғурталанувчига суғурта ҳолатлари бўйича тўланган суммаларнинг умумий суммасини $(\sum W)$, суғурта ҳолатлари рўй берганлар сонига бўлиб топилади:

Суғурта компаниялари бу кўрсаткичларни амалиётда ҳисоблаб, ўтган даврларидаги маълумотлар билан таққослаб, фарқларини аниқлаб, бу фарқлар сабаби ўрганилиб, фаолият самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш мумкин.

Суғурта хизматларини мамлакатимизда янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд, лекин суғурта хизматларининг ривожланиши учун қуйидаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш лозим:

– суғурта турларини аҳоли ва фаолият юритувчи субъектлар тўлиқ билмаслиги;

– малакали, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган фаол суғурта агентлари, брокерларнинг етарли эмаслиги.

Ташматов Шараф Урокбоевич –
СамИСИ ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада “электрон тижорат”, “электрон савдо” ва “интернет савдо” тушунчалари моҳияти ёритилган, шунингдек, интернет савдони ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, электрон савдо, интернет савдо, интернет-дўкон

Аннотация: В статье рассматриваются сущность понятий «электронная коммерция», «электронная торговля» и «интернет торговля», а такжеобсуждаются проблемы развития интернет-торговли.

Ключевые слова: электронная коммерция, электронная торговля, интернет-торговля, интернет-магазин

Annotation: The article considers the essence of the concepts of "E-commerce", "E-trade" and "Internet-trade", and also discusses the problems of the development of Internet-trade.

Чакана савдо хизматлари соҳасига рақамли технологияларни жорий этилиши ҳисобига истеъмолчиларнинг бозорда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар ҳақида хабардорлиги даражаси ошади, бу эса етказиб бериш вақти ва усули яхшиланганлиги учун истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондирувчи маҳсулотларни излашнинг соддалашишига олиб келди.

Интернет-технологияларнинг жадал суръатлар билан тараққий этиши электрон тижорат, электрон савдо ва интернет-савдокаби бизнеснинг ўзига хос шаклларини вужудга келтирди. Шу билан бирга ушбу янги тушунчаларни назарий жиҳатдан англаш, уларнинг фаолияти ва таснифи предметини илмий таърифлаш эндигина бошланган ҳамда далилларни тўплаш, умумлаштириш ва муҳокама қилиш босқичида турибди деган хулосага келдик.

Электрон тижорат соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили ушбу тушунчалар моҳиятини очишга турлича ёндашувлар мавжудлигини ҳамда “электрон тижорат”, “электрон савдо” тушунчаларини тўлиқ ёки қисман айнанлаштириш ҳолатлари учраб туришини кўрсатди. Ушбу тушунчаларни тўғри талқин қилиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, “электрон тижорат”, “электрон савдо” ва “интернет савдо” тушунчаларига аниқлик киритиш мақсадида батафсилроқ тўхталишни лозим топдик.

Электрон тижорат таърифи БМТ нинг савдо ва ривожланиш бўйича конференциясида (UNCTAD) тақдим этилган. У қуйидагича шакллантирилган: “Ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда матнли, овозли ва визуал маълумотларни ўз ичига олувчи рақамли ахборотларни қайта ишлаш ва узатишга асосланган барча шаклдаги битимлар”[57].

Б.Клейндл электрон тижоратни бошқачароқ талқин қилади. У “интернет тармоғидаги транзакцияларга жалб қилиш амалиёти”, шунингдек, “транзакцияларга ҳамда web-сайтдаги автоматлашган харидларни ўз ичига олувчи онлайн тижоратга жалб қилиш мақсадида электрон ахборот

[57] Building Conference. Electronic Commerce and Development. - UNCTAD, 2000, P.14.

тизимларидан фойдаланиш”[58] деб ҳисоблайди. Мазкур ёндашувда муаллиф электрон тижоратнинг мазмунини ёритишда савдо операциясини ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон тарзда амалга оширилишига кўпроқ эътиборини қаратган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимаси О.П.Шукурованинг «электрон тижорат» категориясига берган таърифида: электрон тижорат (инг. e-commerce) – компьютер тармоқлари ёрдамида амалга оширилган барча молиявий ва савдо транзакцияларни ва ушбу транзакцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бизнес жараёнларни ўзига олган иқтисодиёт тармоғи эканлиги эътироф этилган[59].

Бизнинг фикримизча, **электрон тижорат** – бу электрон шаклда амалга ошириладиган Интернет ва хусусий алоқа тармоқлари орқали маълумотлар, хизматлар ва товарларни сотишни ўз ичига олган, юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган ҳар қандай тижорат операциялари ва битимлардир.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, электрон тижорат қуйидагиларни ўз ичига олади: электрон ахборот алмашинуви; электрон капитал қўйилмалари; электрон савдо; электрон пуллар; электрон маркетинг; электрон банкинг; электрон суғурта хизматлари.

Электрон савдо кўплаб муаллифлик ва бир неча расмий таърифларга эга. Агар расмий таърифларни (Европа Комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Бутунжаҳон савдо ташкилоти таърифларини) умумлаштирсак, электрон савдонинг моҳияти электрон технологиялар асосида олди-сотди шаклидаги товар-пул алмашинуви жараёнини ташкил этишдан иборат. Бу тушунча БТМнинг халқаро савдо ҳуқуқи коммиссияси (UNCITRAL) томонидан кенгроқ талқин қилинган: электрон савдо – бу телекоммуникацион тармоқлар ҳамда электрон молиявий-иқтисодий воситалардан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни сотиш технологияси ва уни ташкил этишдир[60].

Шундай қилиб, ҳар иккала таъриф ҳам виртуал режимда электрон воситалар орқали амалга ошириладиган олди-сотди жараёнини ўз ичига олади. Электрон савдо электрон тижоратдан фарқли равишда товар-пул алмашинуви жараёнини тўлиқ қамраб олмайди, балки унинг бевосита олди-сотди билан боғлиқ бўлган қисминигина қамраб олади.

---

[58] Kleindl, B.A. Strategic Electronic Marketing: Managing E-Business. – Mason: Thomson, 2002.–428p.

[59] Электрон тижорат тизимларида виртуал савдо майдонлари. Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти Республика илмий техник анжуманининг маърузалар тўплами, 2017 йил.

[60] Типовой закон об электронной коммерции Комиссии ООН по праву международной торговли: утвержден резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН № 51/162 от 16.12.1996 // Гарант: нормативноправовая база данных.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, электрон савдо интернет савдога нисбатан узоқроқ тарихга ва кенгроқ маънога эга. Электрон савдо тарихи 1960 йилда American Airlines ва IBM компанияларининг ҳамкорлигида яратилган SABRE (Semi-Automatic Business Research Environment) тизими билан бошланган бўлса, интернет савдо интернетнинг ривожланиши ва оммалашуви билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **электрон савдо** товарлар ва хизматлари олди-сотди жараёнининг телекоммуникацион технологиялар ёрдамида амалга оширилишини англатса, **интернет савдо** эса фақатгина интернет орқали товарлар ва хизматлар савдосини назарда тутади.

Интернет савдо электрон савдонинг таркибий қисми ҳисобланади. Шундай бўлсада, интернетнинг жадал ривожланиши ҳамда барча соҳаларда кенг қўлланиши билан интернет савдонинг электрон савдодаги улуши кескин ортиб борди. Натижада, бу икки тушунча бир-бирига синоним сифатида қўлланила бошланди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, бугунги кунда мамлакатимизда истеъмолчилар томонидан ҳам интернет савдо энг қулай ва шу сабабли истиқболли фаолият сифатида қаралмоқда. Чунки ахборот ва интернет технологияларининг ўзаро интеграциялашуви натижасида аҳолининг ортиқча меҳнат ва моддий сарфлари мунтазам равишда камайиб бўш вақт заҳираси кўпайиб бормоқда. Айни пайтда компанияларда ҳам бизнес жараёнларнинг янада оптималлашуви, демак фаолият самарадорлигининг ошиши содир бўлмоқда. Шу боисдан ҳам электрон тижорат концепцияси амалдаги мавжуд тизим доирасида интернет савдо модулларини яратиш билан чекланиб қолмоқда.

Интернет савдони ривожлантиришнинг ташкилий масалаларига корхонанинг электрон тижорат инфратузилмасини лойиҳалаш ва яратиш, ахборотларни тизимлаштириш ва бошқариш, воситачи каналлардан самарали фойдаланиш ҳамда ташкилотнинг мослашувчан ташкилий тузилмасини яратиш каби масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Интернет савдо бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу бозорга кириб келаётган корхоналар дастлаб ички бизнес жараёнларни самарали ташкил қилишни таъминлашлари лозим. Бу аввало корхона персоналининг ахборот-таҳлилий кўникмаларини янада ошириш, такомиллаштириш зарурлигини талаб этади.

Интернет савдонинг муваффақиятли амал қилиши қуйидагиларга боғлиқ:

– харидорлар мазкур манба ёки сайт орқали сотилаётган товар сифатига ишонч ҳосил қилиши. Товар сифатини нуфузли интернет-дўкон ёки чакана савдо корхонаси орқали бевосита кафолатлаш мумкин. Бундай ҳолатда истеъмолчиларнинг товарга нисбатан ҳиссиётлари ва харид борасидаги ҳатти-

ҳаракати сифат даражасидан устун бўлади ва у харидни амалга оширишга қарор қилади;

– истеъмолчилар харид тажрибасига эга бўлган ҳолда товарларнинг номи, тури, савдо белгиси ва товар атамасидан яхшигина хабардор эканлиги. Бундай ҳолатда истеъмолчилар учун товар ҳақида маълумот бериш шарт эмас, фақатгина уларга харид учун қарор қабул қилишга кўмаклашиш талаб этилади. Бу айниқса антиквар ва тор истеъмолчилар гуруҳига мўлжалланган эксклюзив товарлар соҳасида жуда муҳимдир. Тадқиқот жараёнида ўтказилган сўровлар натижасида шу нарса аниқландики, бугунги кунда аксарият истеъмолчилар товарлар тўғрисидаги маълуомтларни интернет – дўконлар орқали оладилар ва анъанавий чакана савдо дўконларига бориб харидни амалга оширадилар. Мазкур жараёнда интернет-дўконнинг товар ҳақидаги маркетинг ахборотлари истеъмолчиларнинг харидни амалга оширишга қарор қилиши учун сабаб бўлувчи асосий омил сифатида намоён бўлади;

– товарлар ҳақида интернет-дўкон сайтида етарли даражада маълумотларнинг мавжуд бўлиши. Интернет харидгача бўлган жараён учун ўта муҳим бўлган маркетинг ахборотлари манбаи ҳисобланади. Агарда чакана савдо дўконида товарларнинг нархи аниқ кўрсатиб қўйилган бўлса, интернет сайтларида бу етарли даражада кўрсатилмайди, товарнинг техник тавсифи ҳам истеъмолчилар учун махсус билим талаб этадиган маълумотларни ўз ичига олади. Бу ҳам ўз-ўзидан интернет маълумотлари асосида истеъмолчиларнинг чакана савдо дўконларига йўналтирилаётганлигининг яққол далилидир;

– истеъмолчилар интернет-дўкон орқали харид қилинган товарларни олишдан бош тортиши ёки алмаштириб беришни талаб этиши мумкин. Шу боисдан ҳам интернет-дўкон орқали харид амалга оширилганда уларни алмаштириб бериш ёки қайтариб олиш имкониятлари ҳам яратилиши зарур;

– истеъмолчилар товарларни жисмонан кўздан кечириши ёки уларни ушлаб кўрмасдан харид қилинганда бирор жиҳат эътибордан четда қолиб кетганлигини ҳис қилади. Ушбу ҳолатлар муҳим бўлмасада интернет-дўконлар ҳар доим истеъмолчиларга энг қиммат ёки энг таниқли товарларни таклиф қилиш ғоясидан аста-секинлик билан воз кечишлари, тобора оммавий товарлар савдосига ўтиб боришлари мақсадга мувофиқдир;

– товар бозорларининг тўйиниши натижасида истеъмолчилар ҳам бунга мослашиб боради ва рационал харидорга айланади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда интернет савдонинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги асосий муаммолар мавжуд:

1. Логистика муаммоси. Мамлакатимизда логистика соҳаси етарли даражада ривожланмаган. Бироқ, бу борада ҳукуматимиз томонидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сонли “Почта алоқаси” хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида логистика соҳани ҳам ривожлантириш кўзда тутилганлиги фикримизнинг далилидир.

2. Интернет тармоғида ҳозирги кунда йирик фирибгарлик ва молиявий алдаш имконининг мавжудлиги.

3. Кўпчилик савдо корхоналарда интернет дўкон очиш ва юритиш бўйича етарли билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда интернет-савдонинг жадал ривожланиши муқаррар, бироқ у анъанавий савдони тўлиқ сиқиб чиқаради деб хулоса қилиб бўлмайди, балки у учун қўшимча сотиш канали вазифасини бажариб беради.

А.А.Матрўзиев –
СамИСИ мустақил изланувчиси

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада аҳолининг ижтимоий неъматларга бўлган эҳтиёжларининг ортиб бориши жараёнида иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан кўрсатилаётган иссиқлик таъминоти хизматларнинг аҳамияти ва хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: коммунал ислоҳатлар, ижтимоий самарадорлик, реал даромадлар, турмуш даражаси, ялпи даромадлар, коммунал ресурслар.

Аннотация: в статье показаны значение и особенности услуг по теплоснабжению, оказываемых теплоснабжающими предприятиями в процессе повышения потребности населения в социальных благах.

Ключевые слова: коммунальные реформы, социальная эффективность, реальные доходы, уровень жизни, валовые доходы, коммунальные ресурсы.

Abstract: the article shows the importance and features of heat supply services provided by heat supply companies in the process of increasing the population's need for social benefits.

Key word: communal reforms, social efficiency, real incomes, standard of living, gross incomes, communal resources.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражаси унинг фуқаролари турмуш фаровонлик даражаси ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш орқали “инсон ресурслари”ни ривожлантириш орқали ортади. Бугунги кунда мамлакатларнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи халқаро баҳолаш тузилмаларининг кўрсаткичлари таркибида фақатгина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига таяниб қолмасдан, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларга чиқмоқда. Чунки ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва бу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатига баҳо бериш мумкин.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”[61]ги қарори қабул қилинди. Қарордан кўзланган асосий мақсад истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, замонавий тежамкор ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш, модернизациялаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жумладан, реал даромадларни ошириш, турли ижтимоий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, таклиф этилаётган неъматларнинг сифатини ошириш, бир сўз билан айтганда, даромадлар ҳажмини эҳтиёжлар ҳажми билан мутаносиблигини таъминлашдан иборат. Ислоҳотларнинг манзилли ҳамда самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида жамият аъзоларининг юқорида кўрсатиб ўтилган эҳтиёжлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилиши, яратилган ҳуқуқий асосга таянган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда жамиятда эркин ва соғлом ҳаракат қилиш учун фуқароларга зарур бўлган ижтимоий-маънавий муҳит яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосий мазмун-моҳияти аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган кенг қамровли ислоҳотларнинг самарадорлиги аҳолининг яшаш шароити ҳамда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатувчи соҳанинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Ушбу соҳа ижтимоий хизматлар ҳамда коммунал ресурсларни яратувчи ва етказиб берувчи кўплаб ташкилий тизимларни ўз ичига олиб, мулкий ҳамда ташкилий жиҳатдан мураккаб

[61] Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “2018–2022йилларда иссиқлик таъминотитизимини ривожлантириш дастуритўғрисида”ги қарори.

тузилмани ташкил этади. Бу эса соҳада фаолиятни ташкил этиш ҳамда бошқариш жараёнида ўз аксини топади.

Мамлакатимиз аҳолисининг барқарор суръатларда ортиб бориши, шаҳарлашув даражасининг жадаллашуви ҳамда аҳолининг ижтимоий неъматларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши кўрсатилаётган иссиқлик таъминоти хизматлари соҳаси корхоналари хизматлари ҳажмининг сифат ва миқдор жиҳатидан қайта кўриб чиқилишини ҳамда корхоналар томонидан хизматларни етказиб бериш жараёнини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Иссиқлик таъминоти хизматлари аҳолининг бирламчи ҳаёт кечириш эҳтиёжлари таркибида бўлиб, ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси ўзида мамлакатнинг ижтимоий соҳада олиб бораётган ислоҳотларининг самарадорлигини акс эттиради. Иссиқлик таъминоти хизматларини, бир томондан, аҳолининг “Маслоу пирамидаси”даги эҳтиёжлари бошланғич даражасини қондирса, иккинчи томондан меҳнат ресурсларининг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш вазифасини бажаради. Шу билан бирга бу хизматлар мажмуаси иқтисодиёт тармоқларининг зарурий мухандислик инфратузилмаси ҳисобланади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари соҳаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг аҳамияти ва хусусиятларини ўрганиш асосида ушбу соҳадаги иқтисодий муносабатлар шахсий ва ҳамкорликдаги истеъмол соҳасига тегишли бўлган, хизматлар кўринишидаги махсус неъматларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимот ва истеъмол муносабатларини ўзида тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисми эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳим.

Хусусан, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини иссиқлик билан узлуксиз таъминлайдиган, жиҳозларнинг эксплуатация даврини узайтирадиган, аҳолининг иссиқлик таъминоти хизматларига бўлган қўшимча харажатларини камайтирадиган, энергия самардорлиги юқори бўлган ёпиқ тизимга ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштирилмоқда. Аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни иссиқлик таъминоти корхоналари, истеъмолчилар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки профессионал бошқарув компаниялари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар асосида етказиб бериш тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Кўп квартирали уйлар бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилган тақдирда икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш соҳанинг қуйидаги иккита асосий хусусиятини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

1. Иқтисодий жиҳатдан иссиқлик таъминоти хизматлари ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни яратиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини оширишга билвосита таъсир этувчи омил ҳисобланади.

2. Ижтимоий жиҳатдан эса соҳа томонидан кўрсатилаётган хизматлар бозор муносабатларини жорий этиш даврида аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини барқарорлаштириш ва келгусида ушбу кўрсаткични ошириш, турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий адолат тамойилини тўлароқ амалга оширишнинг самарали омили сифатида қаралади.

Кўрсатиб ўтилган ҳар икки хусусият ҳам иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасининг жамият тараққиётидаги аҳамияти миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларининг аҳамиятидан кам эмаслигини аниқ кўрсатади. Чунки тараққиётнинг бугунги босқичида яратилаётган неъматлар “инсон омили”нинг турли эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга йўналтирилмоқда ва биз тадқиқ этаётган соҳа аҳолининг бирламчи ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган хизматларни етказиб беради.

Тураев А.А. *– СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси ассистенти*

МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджетида тутган ўрни хамда ушбу солиқ турининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар. Солиқ юки, жисмоний шахс, даромад, солиқ, ставка, солиқ солиш базаси, солиқ солиш объекти,бюджет, солиқ сиёсати.

Аннотатция. В данной статье показана роль налога с физических лиц в государственном бюджете и особенности этого вида налога.

Ключевые слова. Налоговая нагрузка, физический, доход, налог, ставка, налоговая база, объект налогообложения, бюджет, налоговая политика.

Annatation. This article shows the role of tax on individuals in the state budget and features of this type of tax.

Keywords. Tax burden, physical, income, tax, rate, tax base, tax object, budget, tax policy.

Ўзбекистон Республикамиз тараққиётини янада юқори босқичларга олиб чиқиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги 29 июн 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли фармонлари қабул қилинди.[62] Ушбу концепциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ, Ҳаракатлар стратегияси ва унда кўзда тутилган, республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айни муддао бўлди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иқтисодий моҳияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - молия муносабатларининг кичик тизими сифатида, аҳоли билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, хусусан уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш муносабатларини акс эттиради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1991 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги қонуни асосида жорий этилган бўлиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўрт шкалагача бўлган хисоблаш тартибидаги тизим 2018 йил 31 декабргача амал қилиб келганини гувоҳимиз. Ушбу хисоблаш тартиби кўрчилик оддий ахоли қатлами фуқаролари ўртасида даромад солиғини хисоблашда иқтисодий билимга эга бўлишликлари талаб этилар, бу эса бир бунча муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлар эди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида" ги ПФ-5468сонли фармонга асосан амал қилиб келган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг шкала тартибидаги хисоб-китоб шакли ва 8 фоизлик ижтимоий суғурта бадалидан вос кечиш кераклиги белгилаб берилди.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсатгичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисидаги" ПҚ-4086 сонли қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний

[62]Мирзиёев. Ш.М. 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида"[62]ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн

шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланиши бунинг амалий тасдиғидир. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари таркибида бўлган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобварақларига юналтирилган 2 фоизлик тўлов хам 2019 йил 1 январдан бошлаб 0.1 фоиз этиб белгилаб қўйилди.[63] Бу эса иқтисодий билимга эга бўлмаган фуқороларимиз учун хам жисмоний шахслар даромад солиғини хисоблашнинг оддий усули сифатида кўрсатиб берилди.

1-жадвал.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Энг кам ойлик иш ҳақининг даражаси	**2018**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2021 йил**	**2022 йил**
1 баробари	**0%**	**12 %**	**12 %**	**12 %**	**12 %**
1 баробари	**7,5%**				
2 баробари					
3 баробари					
4 баробари					
5 баробари					
5 баробари	**16,5%**				
6 баробари					
7 баробари					
8 баробари					
9 баробари					
10 баробари					
10 баробаридан юқори	**22,5%**				

Ушбу жадвалда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2018 йилда 22.5% фоизгача шкала тартибида ҳисоб-китоб қилинган бўлса, 2019-2022 йиллар эса 12 фоиз миқдорида хисобланиб келинмоқа.

Хозирги кундаги солиқ тизимига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳам ўзига хос бўлган имтиёзлари яъни солиқ солинмайдиган даромадлари таркиби Солиқ кодексининг 378-моддасида ҳамда солиқ солишдан тўлиқ озод қилинган ва ҳар ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг

[63]Мирзиёев. Ш.М. “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсатгичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисидаги” ПҚ-4086 сонли қарори.

энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги бўйича солиқдан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар[64] хам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин.

Мавзудан келиб чиққан ҳолда 2019-2022 йиллар мобайнида қандай қулайликлар яратилганлигини айтиб ўтсак муболаға бўлмайди.

Биринчидан. Йил давомида иш жойини ўзгартирадиган ходим янги иш жойига аввалги иш ўрнидан иш ҳақи ва ушланмалар бўйича маълумотлар тақдим етиши лозим бўларди. Чунки, даромад солиғи ўсиб борувчи якун билан ҳисобланиши учун, бу маълумотномага эҳтиёж сезиларди. Агар маълумотнома тақдим этилмаган тақдирда, даромад солиғини максимал ставкада яъни 22.5% ставкада ушланиши белгилаб қўйилган эди ва бу ҳам етарлича ноқулайлик келтириб чиқарарди. Энди бундай маълумотнома шарт эмас, даромад солиғи қатъий ставкада бўлгани учун хам уни ҳисоблашда бошқа даромадларни билишга эҳтиёж йўқ.

Иккинчидан. Ўриндошлик асосида ишловчилар ҳар йили декларация топширишлари лозим эди. Сабаби, икки ва ундан ортиқ жойда камроқ ойлик олган ходим ҳар бир иш ўрнида минимал ставкада солиққа тортилиши мумкин. Барча даромадлар бирлаштирганда эса, шкала ўзгариб кетиши ва қўшимча солиқлар ҳам пайдо бўлиши мумкин эди. Эндиликда эса бир нечта жойдан ойлик маош олган ходим ҳар бир жойда бир хил – белгиланган 12 фоизни тўлаши керакли боис декларация тўлдириш шарт эмаслиги белгиланди.

Учинчидан. Аввалги тизимда даромад солиқларини ҳисоблаш бирмунча мураккаб бўлиб, арифметикадан уста бўлишимиздан ташқари, қўшимча маълумотларга ҳам эга бўлишимиз керак эди. Энг кам иш ҳақи миқдори, белгиланган шкалалар, олдинги ойлардаги ҳисобланган ойлик ва ушланган даромад солиғи ва мукофотларгача барча маълумотларни йиғиб борган ҳолда маълум бир ойдаги даромад солиғини ҳисоблашимиз мумкин бўлар эди. Буларнинг барчаси қийинчилик тўғдиргани сабабли «нима сабабдан бу ойнинг даромад солиғи кўп ушланди ёки кам ушланди» ёки «нима учун бу ходимни ушланмаси камроқ бўлиб қолди» деган саволлар пайдо бўлар эди ва баъзида ҳисобчи йўл қўядиган хатолар туфайли ҳам ортиқча ёки кам тўловлар пайдо бўлаверарди. Энди эса, биргина калкулятор ёрдамида, ҳисобланган иш ҳақимиздан келиб чиқиб, қўлга тегадиган суммани хеч бир қийинчиликларсиз хам бемалол хисоблаб чиқаришимиз осонлашди.

Нима сабабдан жисмоний шахсларнинг даромад солиғига кўп урғу бераётганлигимизнинг сабаби шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган жисмоний шахслар томонидан тўланаётган даромад солиқлари давлат бюджети даромадларининг етакчи қисмларидан бирини ташкил этган холда,

[64] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 378-модда. – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб хисобланади. Мазкур солиқ турининг асосий дастаклари бўлиб солиқ ставкасининг умумий ягоналиги, солиқ солиш объекти ва солиқ солиш базасининг бир бирига ўзвий боғлиқлиги давлат даромадлари ҳажмини ортишига хизмат қилади деб айтишимиз айни хақиқатдир.

Бунинг исботи сифатида солиқ ислоҳотларининг 2018 йил билан 2019 йилнинг 1 чорагидаги натижаларига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад 2018 йилда 1.3 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса 2.5 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 1.9 баробарга ошганини кўришимиз мумким. [65]

Бироқ юқоридаги маълумотлардан куриниб турганидек, хар йили Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни кўришимиз мумкин. Бу ўзгартириш ва қўшимчларни киритишдан ягона мақсадимиз, Ўзбекистон Республикада солиқ тизими барқарор даражада ривожланган тизимни яратишдан иборатдир.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қарорлар, фармойишлар ва фармонлар асоси шундан иборатки, солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, ахоли ўртасида солиқ саводхонлигини ошириш ва тушунарли солиқ тизимини ташкил этиш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини янада ошириш мақсадлари аниқ ва равшан қилиб белгилаб бериди.

Мамлакатимиз солиқ тизимида тадбиркорларимиз учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари хам барча қонуний ва ҳуқуқий хужжатларимизда ўз аксини топмоқда. Зеро мамлакатимизда иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган солиқ-бюджети сиёсати билан боғлиқлиги барчамизга маълумдир.

[65]Давлат солиқ қўмитаси маълумоти

Ахроров Зариф Орипович –
СамИСИ таянч докторанти

КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада ҳозирги кунда корхоналар молиявий фаолиятида фойда солиғининг таъсири ёритилган бўлиб, асосий эътибор корхоналар фаолиятида фойдани ташкил этиш ва тақсимлаш ҳамда уги солиққа тортишни такомиллаштириш йўлларига қаратилган.

Калит сўзлар: корхона, фойда, фойда солиғи, тақсимлаш.

Аннотация. В данной статье рассматривается влияние налога на прибыль на текущие финансовые результаты деятельности предприятий с акцентом на пути совершенствования организации и распределения прибыли в деятельности предприятий, а также налогообложения.

Ключевые слова: предприятие, прибыль, налог на прибыль, распределение.

Abstract. This article discusses the impact of income tax on the current financial performance of enterprises with an emphasis on ways to improve the organization and distribution of profits in the activities of enterprises, as well as taxation.

Key words: enterprise, profit, income tax, distribution.

Ҳозирги кунда корхоналар фойдасини солиққа тортиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг, иқтисодиётда рақобатбардошлиликни ташкил этишнинг, шу жумладан иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Фойдани солиққа тортиш корхоналар молиявий муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, бу жараён юридик шахслар томонидан фойдадан самарали фойдаланиш билан биргаликда уни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.

Фойдани солиққа тортиш барча юридик шахслар томонидан марказлаштирилмаган жамғармаларни ташкил этишни тўла даражада таъминлайди. Юридик шахслар қанчалик яхши фаолият юритса, уларнинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва фойдаси, солиқ ажратмалари шунчалик кўп бўлади. Бундай ҳолатларнинг юзага келиш мумкинлиги молиявий натижаларни ташкил этишдаги ўзгаришларни ҳисоблашга, тақсимлашга ва қайта тақсимлашга харажатлар билан реал фойда натижалари ўртасидаги нисбат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўсиши, қолаверса

уларнинг солиқ ставкаларини аниқлашга фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришга мажбур қилмоқда. Кўпгина солиқ тизими мутахассислари фойдадан солиқ ставкалари ва уни бюджетга ўтказиш тартиби, солиқ ставкасини маълум бир коэффициентга пасайтириш ёки ошириш, солиқ бўйича жорий этилган имтиёзларни, солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатларини тўлиқ бўлган ҳолда ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришда хавотирланмоқдалар. Чунки, янги тартибнинг жорий этилиши, уни тўлиқ ўрганиш билан биргаликда солиқ тўловчи хўжалик субъектларига ҳам тушунтириш ишларини олиб боришлари, уларни солиқ интизомига риоя қилишга чорлайди.

Нобел мукофоти совриндори, инглиз иқтисодчиси Ж. Хикс фойдани маълум бир вақт оралиғида ишлатиш мумкин бўлган ва давр охирида давр бошига нисбатан ижобий қолдиққа эга бўлиши лозим бўлган кўрсаткич дея таъкидлайди[66].

Россиялик Р.Д. Донцов таъкидлаганидек, фойда инвестиция қилинган маблағлар даромадлилигини кафолатлаш билан бирга, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаси ҳам ҳисобланади[67].

Фойда молиявий категория сифатида унинг бир қисмини давлат бюджети орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали яратиладиган ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича табиий ресурслардан фойдаланишларида ва ижтимоий сиёсатни юритишда ўз аксини топади.

Шу муносабат билан корхона фойдасининг бир қисмини давлат бюджетига ўтказиш давлат бозор иқтисодиёти шароитларини таъминлашда муҳимдир. Яъни ўз-ўзини пул билан таъминлаш шароитида юридик шахслар ўз маблағлари манбалари ва жалб қилинган маблағлар эвазига фан-техникани, ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлантиришни таъминлашлари, ўз хўжалик фаолиятининг натижалари ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар, бюджет ва банклар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун фойдани қўлга киритиши керак.

Шундай қилиб, фойда солиғининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тушуниш учун у билан боғлиқ молиявий ресурслар ҳаракатининг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтиш эътиборга моликдир:

1. Барча солиқларга хос хусусият сифатида фойда солиғи бўйича ҳам фойда солиғини тўловчи фойдасидан солиқни давлат бюджетига тўлаган ҳолда

[66]Hicks J. R. The theory of uncertainty and profit //Economica. – 1931. – №. 32. – С. 170-189.

[67] Донцов Р. Д. Экономическая сущность прибыли организации // Электронный сборниктрудов молодых специалистовПолоцкого Государственногоуниверситета. Выпуск 31 (101). Новополоцк: ПГУ, 2020. – С. 149.

унинг ўрнига ҳеч қандай моддий кўринишда наф олмайди. Балки қонун йўли билан белгилаб қўйилган миқдорда ва муддатда ҳисобланган фойда солиғини ўтказади.

2. Қонун йўли билан давлат бюджетига фойда солиғи тўловчилар томонидан фойда солиғини тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айнан шу нормативлардан келиб чиқиб улар доирасида солиқ тўловчига жавобгарлик ва масъулият юкланган.

3. Фойда солиғининг оптимал ставкаси белгиланиши ва маълум бир жамғармага келиб тушиши таъминланади. Бу давлат бюджетининг керакли миқдорда тўлдирилиши ва солиқ тўловчилар манфаатларига мос ҳолда ундирилиши билан изоҳланади.

Бизнингча, фойдани солиққа тортишнинг назарий жиҳатдан асосланиши корхоналар билан давлат бюджети ўртасидаги солиқ муносабатлари орқали молиявий-иқтисодий муносабатларни ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бозор иқтисодий муносабатлари даврида фойданинг умумлаштирувчи хусусияти унинг солиқ муносабатлари доирасидаги барча мавжуд иқтисодий элементлари, авало солиқ объекти, солиқ ставкаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ имтиёзи кабилар билан боғлиқлигида намоён бўлади[68].

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдани шакллантириш ва тақсимлаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш, умуман олганда инвестицияларни, хусусан корхона даражасида капитал қўйилмаларни молиялаштиришни амалга ошириш бўйича катта тажриба эгалланди. Фойда ҳаракати мажбурий тўловлар, жумладан фойда солиғидан таркиб топган. У сезиларли даражада турли ҳисоб-китобларда корхоналарнинг имкониятларини кенгайтиради.

Ҳозирги кунда жамиятда фойдани тақсимлаш, асосий капитал объектларини кенгайтириш, реконструкция ва технологик қайта қуроллантириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва мавжуд қувватларни ошириш ва бошқа йўллар билан молиявий ресурсларни жалб қилишни кучайтиришни тақозо этувчи жараёнлар рўй бермоқда. Бу харажатлар қисқа ва узоқ муддатли характерга эга ва катта молиявий маблағларни талаб қилади. Шунинг учун фойдани шакллантириш ва тақсимлаш нафақат корхоналар жорий эҳтиёжларини молиялаштиришнинг муҳим шакли, шу билан бирга турли даражадаги бюджетлар харажатларини қоплаш воситаси ҳам ҳисобланади. Шу боисдан фойдага эришиш учун унинг тавсифи,

[68]Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон.

шакллантириш ва тақсимлаш шароитлари, фойда солиғи орқали тартибга солиш механизми ўта диққат билан ишлаб чиқилиши лозим.

Фойдани солиққа тортишда инновацион ёндошув, уни такомиллаштириш стратегияси молиявий механизмини тартибга солишни таъминлаши зарур. Ушбу орқали корхоналар фойдасини солиққа тортиш элементларини, яъни солиқ ставкаси, солиқ базаси, солиқ имтиёзи, солиқ тўлаш муддатлари кабилар ўртасида узвий боғлиқликни оптимал чегараларда сақланишига имкониятлар яратилади.

М.С.Хамроев *– СамИСИ доц.в.б.,*
З.Жўраев – *СамИСИ магистранти*

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ВА НОГИРОНЛАРГА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, пенсионерлар ҳамда ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга асос бўладиган меъёрий асослар ижросини таъминлаш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: пенсия, нафақа, ижтимоий ҳимоя

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос дальнейшего совершенствования пенсионной системы, обеспечения реализации нормативно-правовой базы, что является основой правового совершенствования социального обслуживания пенсионеров и инвалидов.

Ключевые слова: пенсия, пенсия, социальная защита

Annotation: This article discusses the issue of further improvement of the pension system, ensuring the implementation of the regulatory framework, which is the basis for the legal improvement of social services for pensioners and the disabled.

Keywords: pension, pension, social protection

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бундан ташқари нафақахўрларнинг деярли 90 фоизидан ортиғи болалари билан биргаликда ягона оила бўлиб ҳаёт кечирадилар.

Ҳар бир хонадондаги оиланинг алоҳида тоифасини нафақахўрлар, ногиронлар ва кам таъминланганлар ташкил этади. Аммо Ўзбекистонда бундай оилалар сони йил сайин ошиб бормоқда, чунки қариялар аҳолининг фақат 10,2 фоизи атрофида. Бу миллий менталитет (хусусият) белгисидир. Шунга қарамай

қариялар муаммоси бизда оз бўлсада ҳам учраб туради. Аҳолининг бундай қатламини молиявий жиҳатдан ўнгланиши унинг барқарорлигини кафолатлайди. Шу сабабли аҳолини бундай қатламини талабларини ўрганмаслик мутлақо нотўғри.

“Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-3921 – сонли Фармони қабул қилинганлиги пенсионерларга моддий – молиявий ёрдамини ҳамда пенсияни ҳисоблашга туб ижобий ўзгартиришларга олиб келди. Айниқса, “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли фармони пенсия таъминотининг ташкилий тизимини янада такомиллаштиришга ҳамда пенсия тизимида иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга ҳуқуқий асос бўлди.

“2011–2015 йилларда ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1542 сонли Қарорига биноан, пенсионерлар ҳамда ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга асос бўладиган меъёрий асосни такомиллаштириш билан бирга кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам шаклларини кучайтириш, уларни даволаш – профилактика хизмати турларини кенгайтириш, пенсионерларга маиший хизмат турларини доирасини кенгайтиришга имкониятлар яратиб берди.

Ҳамма соҳаларда ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги туфайли аҳолининг ўртача ёши 74,5 ёшни ташкил этган бўлса, аёлларда ўртача ёш 75,8 ёшга етди.[69]

Пенсияга чиқиш ёши аҳолининг ўртача яшашига таъсир этиши табиийдир. Буни асосий сабаби инсон умр бўйи ижтимоий фойдаси меҳнат билан шуғулланиб келган ҳаётда интилиб яшаган, ихтиро ва кашфиётлар қилган, профессионал, хар томонлама юксак даражадаги мутахассис бўлган вақтида уни бирданига пенсияга чиқариб юбориш инсоннинг руҳий ҳолатини издан чиқарар экан ва уни жисмоний ўлимини яқинлаштиради[70].

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматини бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас”[71] ҳақиқатдан ҳам пенсионерларни моддий ва маънавий жиҳатдан давлат томонидан кафолатли ҳимоялаб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир.

---

[69] Ўзбекситон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

[70] Боев Х. Пенсионерларга ижтимоий ҳимоялаш усулларини шакллантириш// Иқтисод ва таълим №1-сон 2015 йил. 7-10 бет

[71]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон. – Тошкент . 16 бет.

Бунда аҳолининг кенг қатламини ҳар бир фуқаросига тўғри келадиган истеъмол саватчаси тирикчилик кўриш учун энг муҳим барометр сифатида хизмат қилиши билан биргаликда пенсия ёшидаги фуқароларнинг истеъмол саватчаси нафақат уларни тирикчилик кўриш учун балки уларга зарурий хизматларни кўрсатиши билан боғлиқ харажатларни ҳам ўз ичига олиши зарур деб ҳисоблаймиз.[72] Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 28-моддаси иккинчи хатбошисида "Ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамга муҳтож ногиронларга туман, шахар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан уйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларда тиббий ва маиший хизматлар кўрсатилади" деб белгилаб қўйилган.

Ногирон фуқароларга уйга хизмат кўрсатишга қабул қилиш фуқаронинг шахсий аризасига биноан амалга оширилади. Бунда ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан берилган маълумотлар, тиббий муассасанинг маълумотларини қўшиб топшириш талаб этилади. Айтиш жоизки, амалдаги низомда битта ижтимоий ходим 6-8 нафар қишлоқ фуқаросига қарашга, шаҳар жойларда 8-10 нафар ёлғиз фуқарога хизмат кўрсатиши билан характерланади.

Бу борада шуни ҳам айтиш жоизки, бундай ташкилий масалаларни амалга ошириш пенсионерлар ёки ногиронлар томонидан ёки уларни яқин қариндошлари томонидан амалга оширилмоқда. Натижада уларни асосий ишдан вақтинча таътил олиш ёки рухсат олиш ҳолатларини юзага келтирмоқда. Бу эса ўзига хос салбий омилларини ҳам юзага келтириб чиқармоқда.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчиларнинг ҳудудлар бўйича холати.[73]

Ҳудуд номи	Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони	Ёшга доир	Ногиронлик	Боқувчисини йўқотганлар	Нафақа олувчилар
Қорақалпоғистон Республикаси	201044	135406	31049	11077	23512
Андижон	343330	257770	34059	17016	34485
Бухоро	224930	171625	29228	7317	16760
Жиззах	125478	84109	12413	10498	18458

[72]Вафаев И. Как на прожитутном минимум заполнит потребительную корзину?// газета Самаркандской Вестник 15 января 2020 № 4 www.zarnews.uz; www.samvestnik.uz

[73]Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қумитасининг ҳисобот маълумотлари асосиад тузилган.

Қашқадарё	320930	233502	30894	18725	37809
Навоий	121303	85536	18127	5773	11867
Наманган	286371	207220	31565	16830	30756
Самарқанд	390387	293027	35717	20323	41320
Сирдарё	94054	63325	14376	4754	11599
Сурхондарё	250427	174659	26421	15293	34054
Тошкент в.	346539	270890	28471	18912	28266
Фарғона	425398	336915	38112	15266	35105
Хоразм	202266	150292	21372	8258	22344
Тошкент ш.	344426	285783	30763	10564	17316
Республика бўйича	**3676883**	**2750059**	**382567**	**180606**	**363651**

Шуни эътиборга олиш жоизки ҳозирда Ўзбекистонда пенсионерлар мамлакат аҳолисининг 6,7% ини ташкил этаётган бўлсада ҳам ушбу кўрсатгичда ўсиш тенденцияси мавжуд.

Бундай тенденция ҳар йилда 0,6 – 0,7 % га бундай аҳоли гуруҳ фуқаролар сонини ошиши ва 2030 йилда бу кўрсатгич 11,6 % ни, 2050 йилга бориб, 13,4% дан ошиб кетиши мумкин.[74]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони энг муҳим устувори ижтимоий – иқтисодий йўналишларга қаратилган аввало кекса авлод вакиллари, жумладан II жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, уларга кўрсатилган тиббий ва ижтимоий моддий хизмат даражаси ва сифатини ошириш, кам таъминланганларга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш жойларда (шаҳар, туманларда) қарияларимиз учун мулоқот марказлари, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, турли қизиқарли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун замон талабларига жавоб берадиган шароитлар яратишга оид аниқ чора-тадбирлар бўйича йўл хариталарини ишлаб чиқишни оммалаштириш зарур.

Кексаларни эъзозлаш вақтинчалик тадбир бўлмаслиги лозим. Қолаверса туман, шаҳар, вилоят бошқариш органлари кексалар ва ногиронларга мунтазам ғамхўрлик қилиш ва амалий ёрдам жорий этишлари лозим. Биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий таъминот ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаол

[74]Баев Х.Пенсионерларга ижтимоий ҳимоялаш усулларини шакллантириш// Иқтисод ва таълим 1-сон 2015 йил. 7-10 бет.

фаолият олиб бориши уларнинг ҳар кунлик хаётий фаолиятга айланиши лозим. Шу ўринда молиявий агентлар тизимни шакллантириш ва улар фаолиятини кучайтириш керак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча ижтимоий соҳа тизимни модернизациялаш, ижтимоий хизмат харажатларини таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш ва унинг ҳар бир йўналишига шаффоф баҳо бериш орқали аҳолининг эҳтиёжманд қисмини молиявий таъминотини уларни амалдаги турмуш тарзидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Аҳолининг эҳтиёжманд қисмига турли молиявий хизматлар кўрсатишни ривожлантириб бориш, уларга кўрсатиладиган хизмат турлари, уларга ажаратиладиган молиявий маблағларни жон бошига тўғри келадиган даражаси ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Яҳёхонов Ниёзхўжа Баҳроил ўғли –
СамИСИ таянч докторанти

РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ

Аннотация. Мақола рақамли маркетингнинг аҳамияти ва унинг методологик ёндашувлари бағишланган бўлиб, унда рақамли маркетингнинг долзарблиги, тамойиллари, имкониятлари, инструментлари ва технологиялари доирасидаги илмий қарашлар ёритилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли маркетинг, рақамли маркетинг стратегиялари, start-up, бизнес-модел, cost, Business Model Canvas, рақамли платформа, рақамли экотизим.

Аннотация. В статье акцентируется внимание на важности цифрового маркетинга и его методологических подходов, освещаются научные взгляды на актуальность, принципы, возможности, инструменты и технологии цифрового маркетинга..

Ключевые слова: цифровизация, цифровая экономика, цифровой маркетинг, стратегии цифрового маркетинга, стартап, бизнес-модель, стоимость, Business Model Canvas, цифровая платформа, цифровая экосистема.

Abstract. The article focuses on the importance of digital marketing and its methodological approaches, highlighting the scientific views on the relevance, principles, capabilities, tools and technologies of digital marketing.

Key words: digitalization, digital economy, digital marketing, digital marketing strategies, start-up, business model, cost, Business Model Canvas, digital platform, digital ecosystem.

2008 йил жаҳон иқтисодий-молиявий инқироз рақамлаштиришга бўлган талабнинг шаклланишидаги илк туртки бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айнан ўша ҳолат дастлабки молиявий хизматлар, хусусан тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар инфратузилмасидаги илк рақамли инновацион технологияларни қўллашга қаратилган асосий сабабчи ҳисобланди. Бугунги кунга келиб рақамлаштириш масалалари ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий вазифаларида акс этмоқда. Дарҳақиқат, рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъёрий масалалари мамлакат даражасидаги илк қадамлари 2010 йиллардан бошланган бўлса, иқтисодиётда рақамлаштириш сиёсатини юргизишнинг долзарб фаоллашуви 2018 йилда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорининг кучга кириши орқали бошланди. Ўша даврдан бошлаб рақамлаштириш масаларига тегишли 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Илк бор 1995 йил америкалик информатик Николас Негропонте томонидан киритилган “рақамли иқтисодиёт” атамаси ўзида технологик компанияларнинг, рақамли иқтисодиётда start-up лойиҳаларнинг базавий таркибини шакллантириш, яъни лойиҳаларнинг технологик жиҳатлари тушунилган[75]. Шу ўринда дастлабки бизнес-модел маркетинги ўзида икки асосий нуқтаи назарда: биринчиси, мижозлар учун шакллантирилган “cost” (қимматлиги); иккинчиси, ички тизимда “cost”нинг шакллантириш ёндашувлари эътиборга олинган.

1998 йилда Пол Тиммерс томонидан рақамли бизнес-моделга “маҳсулотнинг архитектураси ва маълумотлар оқими”, “турли тадбиркорлик субъектларининг потенциал фойдаси” ҳамда “даромад манбаси” каби концептуал изоҳлар билан тўлдирилган. Шунингдек, мазкур ишда электрон тижоратнинг қуйидаги рақамли бозор типлари киритилди: интернет-дўкон, электрон тижорат, интернет-аукцион, электрон почта, маркетплейс (платформа), ижтимоий тармоқлар, интеграторлар, тематик платформалар (контент платформаси), информацион брокер кабилари ажратиб кўрсатилди.

[75] Negroponte, N. Being Digital / N. Negroponte. – New York:Alfred A. Knopf, 1995. URL: http://governance40.com/wp-content/uploads/2018/12/Nicholas-Negroponte-Being-Digital-Vintage-1996.pdf

Александр Остервельдер томонидан 2009 йилда таклиф этилган “Business Model Canvas” канва бизнес-моделини икки таркибий қисмга, яъни даромадлар ва харажатлар блокига ажратиб берган (1-расм).

<table>
<tr><td>Етакчи ҳамкорлар</td><td>Фаолиятнинг етакчи турлари</td><td>Қимматли таклифлар</td><td>Мижозлар билан ўзаро алоқалар</td><td>Истеъмолчилик сегментлари</td></tr>
<tr><td></td><td>Етакчи ресурслар</td><td></td><td>Сотув канали</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="3">Харажатлар таркиби</td><td colspan="2">Даромад келтирувчи оқимлар</td></tr>
</table>

1 – расм. Александр Остервельдернинг рақамли бизнес-модели концепцияси[76].

Ларс Шварц томонидан ишлаб чиқилган бизнес-модель ўзида қимматликларни яратувчи занжир, рақобатбардошлик ва бозордаги устунлиги, даромад манбаларини акс эттирувчи механизмни ташкил этиб, у орқали тадиббркорликда рақамли “интегратор”, “маркетмейкер” ва “дирижер” моделларини ишлаб чиқди (2-расм).

Оливер Гасман, Каролин Франкенбергер, Микаэла Шиклар томонидан ишлаб чиқилган моделлар эса бугунги кун замонавий бозорнинг асосий маркетинг механизмлари олға сурилган бўлиб, унда: мақсадли мижозлар, қимматдорли таклифлар, қиймтани шакллантирувчи занжир, фойдани олиш механизмлари акс этган.



2 – расм. Ларс Шварцнинг рақамли бизнес-модели концепцияси[77].

Дарҳақиқат, ҳар қандай рақамли моделлар, аввламбор бозор иштирокчиларининг манфаатларини эътиборга олишган бўлсада, рақамли

[76] ОстервальдерА. Построение бизнес-моделей: Настольнаякнига стратега и новатора / А.Остервальдер, И.Пинье. – 2-е изд. –Москва: Альпина Паблишер, 2016. – 288 с.
[77] Швайцер Л. Концепция и эволюция бизнес-моделей // ЭКОВЕСТ. – 2007. – №6 (2). – С. 146-168.

бозорнинг асосий иштирокчиларининг самарадорлигини таъминловчи ўзаро таъсирига эътибор суст берилган. Юқорида келтирилган моделларнинг умумий жиҳатларидан келиб чиқиб, ҳар қандай рақамли бозорнинг ягона экотизим концепциясини ажратиб олиш муҳим деб ҳисоблаймиз (3-расм).



3 – расм. Рақамли бозор экотизмидаги иштирокчиларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи концепция[78].

Маълумот алмашинуви етакчи таъсир этувчи ёки комплекс таъсир этиш элементларидан бири ҳам бўлиши мумкин. Бунда маълумот алмашинуви борасидаги қарор қабул қилишда “қимматдорлик бирлиги”ни белгилаб беради. Бу бўлиши мумкин платформанининг ичида ёки уни ташқарисида. Мазкур ҳолатнинг тўғри белгиланиши “платформа транзакциясига” боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни Алекс Мозаед ва Николас Джонсонлар томонидан таклиф этилган “базавий транзакция” атамасига асосланадиган бўлсак, унда: шакллантириш, ўзаро алоқа, истеъмол, рағбатлантириш мезонлари етакчилик қилади. Бизнинг фикримизча, “платформа транзакция”си ҳам аудиторияни жалб этиш, мувофиқлаштириш, инструментлар ва сервисни таклиф этиш, тартиб-қоидалар ва стандартларнинг белгиланиши каби мезонларни алоҳида эътиборга олиш муҳим.

“Платформа транзакцияси” ўз ўрнида рақамли экотизимнинг “қимматдорлиги”ни таъминлайди ҳамда натижа сифатида платформа иштирокчилари ҳамда ташриф буюрувчиларининг “иттифоқини” шакллантиради (4 – расм).

[78] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



4 – расм. Рақамли бозор экотизмида “қимматдорлик”нинг шаклланиши[79].

Рақамли бозор экотизимининг концепцияси ва “қимматдорлиги” орқали рақамли плаформаларнинг стратегик ёндашувлари ҳамда кириб бориш стратегияларини ишлаб чиқиш нисбатан енгил бўлади. Бунда бир қатор ёндашувларни танлаш мумкин, масалан: шахсий қимматдорликларни яратиш, платформани фақат бир гуруҳ аудитория учун яратиш, синхрон мослашиш. Аммо ҳар қандай рақамли палтформалар, авваламбор бозорнинг очиқлигини ҳамда истеъмолчилар “иттифоқини” сақлаб туриши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кузатувлар натижасида хулоса ўрнида қуйидагилар рақамли маркетингнинг самарали ва талаб этиладиган трендлари шаклланаётганлигини кўриш мумкин:

- истеъмолчи рақамли бозорда авваламбор хавфсизликни талаб этади. Сўровлар натижасига кўра истеъмолчиларнинг 72% улуши online-савдолардаги хавфсизлик шартларига эътибор қаратишади, бунинг натижасида рақамли савдони амалга ошираётган тадбиркорлар мижозлар маълумотларини ҳимоя қилиш технологияларини кучайтиришлари лозим;
- истеъмолчининг қимматдорлик ўлчовини аниқлаш. Бунда ҳар бир истеъмолчи учун “cocт”ни аниқлаш орқали, қимматдорлик занжирини ташкил этувчиларини ўлчов бирликларини аниқ ҳисоблаш муҳимдир. Яъни McKinsey консалтинг агентлигининг тадқиқотларига кўра рақамли савдода маркетинг дастурлари 45%и аниқ қимматдорлик занжирига эга бўлмаганлиги сабаб раҳбарлар томонидан қабул қилинмаган;
- рақамли бозор сиғимини уникал таклиф орқали шакллантириш. Истеъмолчилар ва брендлар ўртасида конструктив ўзаро муносабатни шакллантирувчи рақамли маркетинг технологияларнинг барча воситалари учун алоҳида мехинзмларни тузиб чиқиш мумкин;

[79] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- “савдо контенти”ни рағбатлантириб бориш, яъни электрон савдода ABCD тузилмасига таянган ҳолда рақамли бозорда контентни шакллантириш мақсадга мувофиқдир;
- рақамли экотизим самарадорлигини таъминлаш, яъни электрон савдолар рақамли платформалар орқали амалга ошираётган жараёнда рақамли экотизим тамойилларига мос келган ҳолда унинг самарадорлигини таъминланишига ҳаракат қилиб бориш керак.

Д. Ю. Тулаев – *Ўзбекинвест эиск*
АЖ Самарканд вилоят филиали директори,
М.Хамроев - *СамИСИ доц.в.б.,*
А.Мелиев – *СамИСИ магистранти*

БУГУНГИ ДУНЁ СУҒУРТА ТАРИХИГА НАЗАР: КЕЧА ВА БУГУН

Аннотация: Мазкур мақолада ривожланган мамлакатлар суғурта хизматлари тарихи, ривожланиш тенденциялари ва Ўзбекистон суғурта бозорининг бугунги ҳолати ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: суғурта бозори, суғурта мукофоти, суғурта фаолияти, суғурта компаниялари, суғурта рисклари, суғурта муносабатлари.

Аннотация:В этой статье отражена история становления страховых услуг в развитых странах, тенденции развития и текущее состояние рынка страховых услуг Узбекистана

Ключевые слова: страховой рынок, страховая премия, страховая деятельность, страховые компании, страховые риски, страховые отношения

Annotation: This article reflects the history of the formation of insurance services in developed countries, development trends and the current state of the market of insurance services in Uzbekistan

Keywords: insurance market, insurance premium, insurance activity, Insurance companies, insurance risks, insurance relationship

Суғурталаш мулкдорлар манфаатларини фавқулодда ҳодисалардан муҳофаза қилиш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли ҳамда молиявий маблағлар муомаласи амалга ошириладиган тармоқлардан бири ҳисобланади. “Суғурта” *(инглизча “insurance” сўзидан олинган)* деганда юзага келиши эҳтимоли бор зарарни махсус ташкилотга тўланган аъзолик тўловлари орқали қоплашни таъминлаш тушунилади. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, суғурта муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганида, юридик

ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул фондлари ҳисобидан ўша кишиларга суғурта товонини суғурта шартномаси асосида тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш демакдир.

Суғуртанинг илк кўринишлари қадимги Миср, Месопотамия ва Грецияда пайдо бўлган. Қадимги юнонларнинг кўпчилиги кемалар орқали Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишган. Кемаларни турли табиий офатлардан суғурта қилиш милоддан аввалги саккизинчи-олтинчи асрлардаёқ бошланганини Демосфен ўз рисолаларида қайд этиб ўтган.

Римда гладиаторлар ўз ҳаётларини суғурта қилдирган деган маълумотлар ҳам бор. Гладиаторлар ҳалок бўлса, фарзандлари ва оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилган. Ўша пайтлар амалга оширилган суғурталар, яъни суғурта шартномалари оғзаки равишда тузилган. Ёзма ҳолдаги суғурта шартномаларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи эса ўрта асрларга бориб тақалади.

Том маънодаги суғурта шартномалари XIII асрда кема эгаларининг турли фалокатлар оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарардан ўзларини ҳимоя қилишлари туфайли пайдо бўлган. Дастлабки ёзма суғурта шартномаси 1347 йили Италиянинг Женоа шаҳрида имзоланган ва илк суғурта полиси “Санта Клара” кемасига берилган. Ўшанда ушбу кема Маёркка денгиз сафарига кетаётганди. Полислар муайян шахслар томонидан ўз исмларини ёзиш орқали тузилганди.

XIV асрда суғурта операцияларининг янги шакли вужудга келган. Унда фақат фойда олиш кўзда тутилган. Масалан, Италия Ўрта ер денгизи атрофидаги савдо алоқаларининг гегемони ҳисобланган. Бу мазкур мамлакатда денгиз суғуртаси жуда тез ривожланишига замин яратган. Маълумотларга кўра, 1393 йили Италияда ҳар бир нотариус ҳафта мобайнида ўртача 80 нафар мижоз билан суғурта полиси тузган.

Италияда денгиз суғуртаси ва у билан боғлиқ шартномавий муносабатлар ривожланиши туфайли суғурта қонунчилигини яратиш эҳтиёжи туғилади. Ниҳоят, 1466 йили Венецияда Денгиз суғуртаси кодекси қабул қилинади.[80]

Манбаларда дастлабки ёзма суғурта шартномаси XVI асрда Англияда тузилгани ҳам қайд этилган. Шу аср ниҳоясида мамлакатда суғурта фаолияти ва суғурта шартномаларини расмийлаштириш жадал ривожлана бошлаган. 1559 йилда сэр Н.Бекон Англия парламенти йиғилишларидан бирида шундай деган: “Сафарга отланаётган ҳар бир ақлли савдогар пулини суғуртага тикиб, ўз кемасини ҳимоя қилсин”.

[80]Смородина М.И.Финансы страхования: учеб. пособие. –М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2010 й.

1666 йили Лондонда содир бўлган даҳшатли ёнғин 70 мингдан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлади.[81] Орадан кўп ўтмай суғуртанинг ёнғин хавфидан суғурталаш тури вужудга келиб, унга дахлдор шартномалар такомиллашади. Суғурта шартномаларининг кўпайиши суғурта жамиятлари ва компаниялари тузилиши, уларнинг сони ортиши билан узвий боғлиқликда кечади.

АҚШда суғурта саноати Британия модели асосида барпо этилди. У ерда 1735 йили биринчи суғурта компанияси ташкил топди. 1761 йил 21 майда эса илк бор ҳаёт суғуртаси полиси жорий этилди ва бутун мамлакат миқёсида тарқала бошлади.

Россияда суғурталаш ва суғурта шартномасига тааллуқли муносабатлар бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча суст ривожланган. Бунга ҳамон крепостнойлик ҳуқуқи сақланиб қолгани ва ҳуқуқий капиталистик иқтисод йўлидаги тўсиқлар сабаб бўлган.

1827 йили барон Штиглитс ва россиялик бошқа тадбиркорлар “Россия ёнғинга қарши суғурта жамияти”ни туздилар. 1861 йил крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингач ҳамда ер, мулк, пул-кредит тизими ва бошқа иқтисодий ислоҳотлардан кейин мамлакатда суғурта бозори янада ўса бошлади. Агар 1851 йили ёнғиндан суғурталаш жами 282 миллион рубль бўлган бўлса, 1865 йили 868 миллион, 1886 йили 4 миллиард рублни ташкил қилган. Айнан шу даврда суғурталовчилар суғурта синдикати тариф мослашувини имзолашди. Россияда бу биринчи монополия бирлашмаси эди.

1861 йил 10 октябрда император Александр II шаҳарларда суғурта жамиятларини тузиш тўғрисида фармон чиқарди. Икки йилдан сўнг Тула ва Полтавада ёнғинга қарши жамиятлар ташкил топди. Кейинчалик бундай жамиятлар Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди.

1913 йилга келиб, Россияда транспорт, ҳаёт, бахтсиз ҳодиса ва ёнғинга оид суғурта турлари билан боғлиқ шартномалар кўпайди. Лекин улар орасида ҳаётни суғурталаш унчалик ривожланмаган бўлиб, жами суғурта шартномаларининг тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Аниқроғи, ўша кезлар суғурта кўпроқ фуқароларнинг эмас, балки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириларди. 1918-1920 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли ҳокимиятни эгаллаган большевиклар суғурталашдан воз кечишга ҳаракат қилишди. Оқибатда ҳаёт суғуртаси ва мулкий суғурта бекор қилиниб, уларнинг ўрнига табиий офатдан зарар кўрганларга бепул ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Лекин бу сиёсат амалда ўзини оқламади. 1921 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилгач, суғурталашга эътибор яна

[81] Щербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2014 й.

кучайди. Жумладан, Давлат мулк суғуртаси тўғрисидаги декрет қабул қилинди. Шу асосда Давлат суғуртаси (Госстрах) ташкил топди.[82]

Суғурта шартномаларининг Франция ҳудудидаги ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос. Ушбу мамлакат Савдо кодексида фақатгина денгиз суғуртаси қайд этилган, Фуқаролик кодексида эса суғурта шартномаси ҳақида атиги битта модда мавжуд эди. Фуқаролик кодексида таваккалчиликка асосланган шартномалар қаторига суғурта шартномалари ҳам киритилганди. Лекин у ҳақдаги қоидалар жуда қисқа эди. Негаки, ўша модданинг ўзида бу шартнома шу турдаги бошқа шартномалар каби денгиз қонунчилиги билан тартибга солиниши назарда тутилганди. Шу боис суғурта шартномасининг амалда бўлиши фақатгина денгиз суғуртаси доирасида чекланарди. Жюлио де ла Морендр бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: “XIX асрнинг бошларида фақатгина денгиз суғуртаси шартномасини учратиш мумкин бўлиб, Франция Фуқаролик кодексидаги бу бўшлиқ 1930 йилнинг 13 июлига келиб “Суғурта шартномаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан тўлдирилган”. Қонун денгиз суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа суғурта шартномаларини ўз ичига олган.[83]

Юртимизда суғурта хизматлари ва суғурта шартномасининг кириб келиши чоризм ҳукмронлиги даврига тўғри келди. 1918 йилга қадар Бухоро амирлиги ҳудудларига туташ жойларда Россия суғурта билан боғлиқ капиталистик филиаллари ва бўлимлари ташкил қилинди. Улар давлат идоралари, улгуржи савдо ва транспорт корхоналари биноларини, пахта ва ёғ заводларини асосан ёнғин ҳамда бошқа фалокатлардан суғурта қилишган. Бора-бора чор хукумати ўлкани пахта базасига айлантиришни кўзлаб, жамоа хўжаликларини суғурталашга эътибор қаратди. Шаҳарларда эса иморатларни ёнғиндан суғурталаш йўлга қўйилди. Кейинчалик собиқ Иттифоқ қонунлари асосида шахсий суғурта ҳам жорий этилди.

Умуман олганда, ўрта асрларда шаклланган суғурта шартномаси бизнинг давримизда жадал ривожланиб, янги-янги турлари пайдо бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳам мустақил суғурта бозори шаклланди.

Хусусий мулкка эга бўлиш бозор иқтисодиёти шаротида ҳар бир инсоннинг иқтисодий манфаатларини янада чуқурроқ қондириши, эҳтиёжлар кўпайиб боришига мутаносиб равишда етарли маблағ бўлишини таъминлаб, шахснинг иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаши билан ифодаланади. Конституциямизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. 53, 54-моддаларда эса хусусий мулк бошқа мулк

[82] Щербаков В.А., Костяева Е.В. Страхование. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2014 й.

[83]Черных М.Н., Каячев Г.Ф., Каячева Л.В. Страхование: финансовые аспекты. Учеб. Пособие. –М.: КНОРУС, 2015 й.

шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, қатъий муҳофаза қилиниши алоҳида кўрсатиб ўтилган.[84] Суғурта билан боғлиқ кафолатларни ҳам хусусий мулкчиликнинг муҳофаза қилиш шаклларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Юртимизда суғурта бозори ва хизматлари ривожланиши билан бир қаторда, соҳага доир қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, ҳаётий ўзгаришларга мос равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. “Суғурта фаолияти тўғрисида”, “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Иш берувчининг фуқаровий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ҳамда “Туризм тўғрисида”ги қонунларнинг жорий этилиши[85] ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Суғурта фаолиятини қонунан тартибга солишда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.[86]

Ўзбекистон суғурта бозоридаги бугунги кундаги долзарб муаммоларни бартараф этиш учун қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона сиёсатини белгилаш:

– суғурта муносабатларини тартибга солувчи янги қонун хужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– давлат, ташкилот ва фуқароларнинг мажбурий суғурта соҳасидаги манфаатлари суғурта йўли билан ҳимояланишини таъминловчи меъёрий ҳуқуқий асосни такомиллаштириш.

2. Суғурта ташкилотларининг тўплаган маблағларини инвестициялашнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш орқали уларни жойлаштириш, амалга ошириладиган суғурта операцияларининг фойда келтиришини ошириш учун қўшимча кафолат яратиш.

3. Суғурта бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш.

4. Суғурта соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солиш.

Суғурта хизматларига бўлган ички талабнинг ортиши, суғуртанинг давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши, инфратузилманинг ривожланиши ички бозорда ҳам, чет эл, энг аввало, МДҲ мамлакатлари бозорларида ҳам

84 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

85www.lex.uz Адлия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

86 “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4412 сонли Қарор, 2 август, 2019 й

рақобатлаша оладиган йирик молиявий барқарор қайта суғурта компаниялари пайдо бўлишига имконият яратади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг суғурта компаниялари ташқи бозорларига фаол кириб боришига, бинобарин, республикамизнинг иқтисодиётига инвестиция ресурслари оқиб келишига шарт-шароит яратади.

МУНДАРИЖА

I ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ		
Пардаев О.М., Маликова Д.М.	Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти самарадорлиги	5
Абдуллаев А.Я., Каттакишиев Б.	Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари ва ечимлари	8
Бектемиров А.	Банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш: муаммо ва ечимлар	11
Гайбуллаев Р.М.	Ўзбекистонда ислом молия институтларини шакллантиришнинг асосий афзалликлари	18
Хайдаров З. Ш.	Банкларaро кредит ресурслар бозори: фоиз ставкалар ва уларни шакллантириш масалалари	21
Каримова А.М.	Финансово кредитная поддержка туристской отрасли в современных условиях	28
Гайбуллаев Р.М., Мардонов С.	Тижорат банкларида аҳолини ипотека кредитлари орқали молиявий қўллаб-қувватлаш	32
Бектемиров А., Маликова Д.М., Бўтаев Ж.Э.	Тижорат банкларида депозит операцияларини такомиллаштириш истиқболлари	38
Хамракулова О.Д.	Кредитование семейного предпринимательства в экономике Узбекистана	41
Мирзаев Қ.Ж., Аҳтамова М.Э.	Кичик бизнес ва тадбиркорликда экотуризм субъектларини инвестициялаш ва кредитлаш	45
Ходжаев Э.Н.	Ислом молияси: дастлабки қадамлар	47
Гайбуллаев Р.М.	Ўзбекистонда исломий молия хизматларининг хуқуқий-меъёрий ҳамда ташкилий асосларининг яратилганлик аҳволи	51
Хайдаров З.Ш.	Ўзбекистон тижорат банклари активларни ва пасивларини бошкариш: тезкор ва стратегик режалаштириш ва уларни такомиллаштириш масалалари	54
Даминов Ф.М.	Тижорат банкларида рақамли экотизимни шакллантириш муаммолари	57
Нозимов Э.А.	Место цифрового банкинга в современной банковской системе и условия формирования в Республике Узбекистан	61
Алиева С.С.,	Теоретические основы финансирования	66

Расулов Ш.Ж.	инновационной деятельности предприятий	
Зайналов Ж.Р., Жумаев З.	Тижорат банклари молиявий ресурслари ва уларни шакллантириш	70
Туракулова Ш.А., Кипчакова С.Б.	Роль зеленых банков в ускорении социально-экономических процессов в стране	73
Гайбуллаев Р.М., Исабеков А.	Банкларда кредит портфелини таҳлил этишни бошқариш имкониятларини ошириш	76
Маликова Д.М.	Необходимость обеспечения экономической безопасности коммерческих банков	83
Каримова А.М.	Особенности банковского кредитования субъектов сферы туристических услуг	86
Ниёзов З.Д., Каримова А.М.	Чакана банк хизматларининг ўзига хос янги хусусиятлари	90
Даминов Ф.М.	Олий таълим ва тижорат банклари фаолиятини интеграциялаш: амалий муаммолар таҳлили	94
II ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ		
Пардаев М.Қ.	Тараққиёт стратегиясини таъминлашда инвестицияларнинг ўрни ва роли	97
Тухлиев И.С.	Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон туризм соҳасига инвестициаларни жалб қилиш хусусиятлари	102
Абдуллаев А.Я.	Стрессовое тестирование как инновационный инструмент антикризисного управления	108
Хамракулова О.Д.	Инвестиционная привлекательность в посткоронавирусный период в экономике Узбекистана	111
Махмудходжаев А.Ю.	Финансирование инвестиций в образование за счет средств бюджета	116
Хамроев М.С., Ғаниев Ш.	Янги Ўзбекистон шароитида кичик бизнес корхоналарини молиявий соғломлаштириш стратегияси	120
Рузибаева Н.Х.	Корхоналар фаолиятида “яшил” инвестицияларнинг ўрни	123
Латипова Ш.М.	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг хизматлари самарадорлигини таъминлаш	127
Хусанов Б.	Новые технологии выплаты пенсий	132
Саттарова Н.Т.	Савдо хизматлари тизими ривожига инвестцияларнинг салмоқли таъсири	136
Мирзаев Қ.Ж.,	Рақамли интернет – рекламадан фойдаланиш	140

Раббимов Э.А.		
Мусаев Р.М.	Научные подходы к определению состава затрат в условиях перехода предприятий на самофинансирование	143
Холбаев Ш.	Туризм соҳасининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатини ўрганишда swot таҳлилини қўллаш	146
Марданов М.О.	Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш тизимида амалга оширилган сўнгги ислоҳотлар тавсифи ва моҳияти	150
Ахмедова А.Т.	Изучение проблеы регулирования уровня доходов населения	153
Эшпулатова З.Б.	Применение международных стандартов финансовой отчётности в Республики Узбекистан	159
Худайбердиев У.Х., Юлдашова Н.З.	Суғурта ривожланиши ва муаммолари	162
Худайбердиев У.Х., Юлдашова Н.З.	Суғурта хизматларининг статистик кўрсаткичлари	165
Ташматов Ш.У.	Ўзбекистонда интернет савдони ривожлантириш муаммолари	168
Матрўзиев А.А.	Иссиқлик таъминоти хизматлари соҳасининг жамият ижтимоий-иқтисодий хаётидаги аҳамияти	173
Тураев А.А.	Мамлакатимиз солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг аҳамияти ва роли	176
Ахроров З.О.	Корхоналар фойдасини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш	181
Хамроев М.С., Жўраев З.	Пенсионерларга ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантиришни йўллари	184
Яҳёхонов Н.Б.	Рақамли маркетингнинг аҳамияти ва унинг методологик ёндашувлари	188
Тулаев Д.Ю., Хамроев М., Мелиев А.	Бугунги дунё суғурта тарихига назар: кеча ва бугун	193

“БАНК ИШИ” ВА “ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР” КАФЕДРАЛАРИ

“Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари

(2022 йил 9-10 апрель)

2022 йил. Қоғоз бичими А5, 1/16
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 12,62
Буюртма № 099А, Адади 40 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
11.04.2022 й. LICENSE № 025316
REESTR № X-119112
Манзил: Шоҳрух кўчаси, 60-уй

